

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ
КУЧЛАРИ УМУМҲАРБИЙ НИЗОМЛАРИ

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтининг илмий кенгашида мақуullanган.

Муаллиф:

Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси, подполковник **Б.Б. Умурзаков.**

Масъул мухаррир:

Жангавор тайёргарлик цикли бошлиғи, подполковник **Ш.А. Таджиметов**

Такризчилар:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиғи ю.ф.н., доцент, полковник **М.М. Сувонкулов;**

Ўзбекистон Республикаси МВ Чирчиқ Олий танк қомондонлик мухандислик билим юрти, Тактика кафедраси бошлиғи, полковник **Ғ. Тўраев**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий Низомлари: Маърузалар курси / **Б.Б. Умурзаков** – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. – 82 б.

Ушбу маърузалар курси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий Низомлари таркибига кирувчи Ички тартиб, Интизом, Гарнизон ва қоровуллик хизматлари ва Саф Низомлари ҳамда Ички ишлар органларининг Интизом устави талабларини ўз ичига қамраб олган. Маърузалар курсидаги мавзуларда Ички тартиб, Интизом, Гарнизон ва қоровуллик хизматлари ва Саф Низомларининг умумий қоидалари, ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарликлари ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, рағбатлантириш ва интизомий жазоларнинг турлари ҳамда уларни қўллаш бўйича командир (бошлик)ларнинг ҳуқуқлари, қоровуллик ва патруллик хизматларини ўташ тартиби, қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, ҳарбийча салом бериш тартиби, ҳарбий хизматчиларнинг сафга туришдан олдинги ва сафдаги мажбуриятлари бўйича етарли маълумотлар берилган бўлиб, бугунги кунда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда тайёрланган.

Маърузалар курси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида Ички ишлар органларига қабул қилинган бошланғич касбий тайёрлаш курси ҳамда Касбий тайёргарлик факультетига қабул қилинадиган тингловчилар учун мўлжалланган.

УДК _____

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач турли соҳаларда ислоҳотлар амалга оширила бошлади. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси барча соҳалар бўйича мисли кўрилмаган тараққиёт босқичига кирди.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Мазкур Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий Низомлари номли маърузалар курси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигининг 2021 йил 27 августдаги “Ички ишлар органларида ўқув-карьерга жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи асосида Малака ошириш институтда ички ишлар органлари учун сафдор, сержант ва офицерлар таркиби ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда зарур манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Маърузалар курси мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари асосида тингловчиларни конституциявий тузум, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат ҳавфсизлигини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини виждонан ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак маданиятли, ижтимоий фаол, ҳалол, интизомли ходимларни тарбиялаш, юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда раҳбарлик (етақчилик) хислатларини шакллантириш, кундалик хизмат фаолиятида моҳирона бошқарувини таъминлаш, ички ишлар органлар ходимларини умумий ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, ички тартиб қоидаларини, қоровул ва патруллик хизматларини ўташ тартибини, интизомнинг моҳиятини ва унга риоя қилиш бўйича мажбуриятларини, рағбатлантириш ва интизомий таъзирларнинг кўринишларини, раҳбарлар томонидан уларни қўллаш бўйича ҳуқуқлари, шунингдек қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари, ҳарбийча салом бериш тартиби, ҳарбий хизматчиларнинг сафга туришдан олдинги ва сафдаги мажбуриятлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Шу муносабат билан, Малака ошириш институти тингловчилари ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини реал шароитларда узлуксиз ошириб бориши давомида зарур бўладиган тажриба ва кўникмаларни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий Низомлари асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади, деган умиддаман.

1–МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ИЧКИ ХИЗМАТ НИЗОМИ

Ўқув саволлари:

1-ўқув саволи: Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

2-ўқув саволи: Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

I. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган.

Ушбу Низом Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг умумий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бригада мансабдор шахсларининг асосий мажбуриятларини, шунингдек, ички тартиб қоидаларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмларининг, штабларининг, бошқармаларининг, муассасаларининг, корхоналарининг, ташкилотларинг ва ҳарбий билим юртларининг барча ҳарбий хизматчилари ички хизмат Низомига амал қиладилар.

Низом қоидалари, шу жумладан бригада мансабдор шахсларининг мажбуриятлари ҳам барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳарбий хизматчиларига тенг даражада тааллуқлидир. Мансабдор шахсларнинг Низомда зикр этилмаган мажбуриятлари тегишли қоидалар, қўлланма ва дастуриламалар билан белгиланади.

Низомнинг татбиқи чегара қўшинлари ва Давлат хавфсизлик хизмати қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари, Ўзбекистон Республикаси бошқа тегишли вазирликлари ва идораларининг ҳарбий хизматчиларига ҳам жорий этилади.

Уруш давридаги дала шароитларида ва тинчлик давридаги ҳарбий хизматчиларни жангдаги амалларга ўргатиш бўйича ўқувларда ва машғулотларда ички хизмат жанговар низомлар, жанговар ҳаракатларни таъминлаш бўйича қўлланмалар, шунингдек мазкур Низом билан белгиланади.

Умумий қоидалар

Ҳарбий хизмат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятларни ва шартнома асосида Қуролли Кучларда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳарбий тузилмаларида хизматни бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳар бир ҳарбий хизматчига тегишли ҳарбий унвон берилади, у ўз навбатида қўшинга ва кемага оид бўлади.

Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқлар ва эркинликлардан ҳарбий хизмат шарт-шароитлари белгилайдиган чекловлар билан ва амалдаги қонунларни ҳисобга олиш билан фойдаланадилар. Уларнинг зиммасига конституциявий, бошқа умумфуқаро мажбуриятлари, шунингдек, умумий мансаб ва махсус мажбуриятлар юкланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мабуриятлари ва жавобгарликларининг мундарижаси ва ҳажми ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этаётганлигига ёхуд этмаётганлигига боғлиқ бўлади.

Ҳарбий хизматларнинг ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиши деганда: жанговар ҳаракатларда иштирок этиш, хизмат мажбуриятларини ижро этиш, жанговар навбатчиликни (жанговар хизматни) ўташ; кун тартиби билан белгиланган хизмат вақти давомида ёхуд бу хизмат заруриятидан келиб чиққан бўлса, ҳарбий қисм ҳудудида бўлиш; хизмат сафарида ёхуд даволанишда бўлиш; хизмат жойига, даволанишга ёхуд аксинча қараб йўл босиш; ҳарбий йиғинларда иштирок этиш; асирга тушиш (ўз ихтиёри билан асир тушишдан ташқари), гаровга олинган ёхуд ҳайдаб кетилган аҳволида бўлиш; бедарак кетиш – ҳарбий хизматчи дараксиз ёқолган деб тан олинганига ёхуд амалдаги қонунларга мувофиқ ваффот этган деб элон қилинганига қадар; шахс ҳаёти, соғлиги, ор-номуси ва кадр қимматини ҳимоя қилиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш; ҳарбий хизматчиларнинг суд томонидан жамият ва давлат манфаатлари йўлида содир этилган деб тан олинган бошқа хатти ҳаракатлар тушинилади.

Зарур бўлиб қолган пайтларда ҳарбий хизматчи командирнинг (бошлиқнинг) буйруғига кўра исталган вақтда ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишга киришиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш вақтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ва давлат муҳофазасида турган деб саналанади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари

Ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқлари ва улардан ҳарбий хизматнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Бирор киши ҳарбий хизматчиларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлардан чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши жамиятнинг, давлатнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, ҳарбий хизматга, бошқа ҳарбий хизматчилар ва турли фуқароларнинг ҳуқуқларига путур етказмаслиги лозим.

Давлат ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлайди, уларга етарли ва муносиб турмуш даражасини яратиш,

хизмат ва маиший шароитини яхшилаш бойича чора-тадбирларни амалга оширади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва қўриқлаш давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг, судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, ҳарбий бошқарув органлари ва командирларнинг (бошлиқларнинг) зиммасига юкланади.

Ҳарбий хизматчи Ҳарбий қасамёдни қабул қилгунга қадар ҳарбий лавозимга тайинланиши, жанговар топшириқларни бажаришга (жанговар ҳаракатларда иштирок этишга, жанговар навбатчиликка, жанговар хизматга, қоровуллик хизматини ўташга) жалб этилиши, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника бириктирилиши мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидан фойдаланиши бўйича мажбуриятларни бажармасликда айбдор бўлган командирлар (бошлиқлар) бунинг учун қонунларда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида, зарур бўлган ҳолларда эса хизматдан ташқари вақтда ҳам қурол сақлаш, олиб юриш, қўллаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий хизматчиларнинг қурол сақлаш қоидалари ва қўллаш тартиби Низом билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар:

- агар бошқача йўллар ва воситалар билан муҳофаза қилиш мумкин бўлмаса, қўриқланадиган ҳарбий ва давлат иншоатларига, шунингдек, ҳарбий қисм ва бўлинмалар қароргоҳларига, ҳарбий қисм иморатлари ва иншоатларига, ҳарбий эшалонга, машиналар калонналарига, яқка транспорт воситаларига ва қоровулга тўда бўлиб ёхуд қуролли ҳужумни қайтариш учун;

- агар бошқача йўллар ва воситалар билан муҳофаза қилиш мумкин бўлмаса, қурол ва ҳарбий техникани зўравонлик билан эгаллашга бўлган урунишларнинг олдини олиш учун;

- агар бошқача йўллар ва воситалар билан муҳофаза қилишнинг иложи бўлмаса, ҳарбий хизматчиларни ва фуқароларни уларнинг ҳаётига ва соғлиғига тажавус қиладиган ҳужумлардан муҳофаза қилиш учун;

- агар бошқача йўллар ва воситалар билан қаршиликни бостириш, жиноятчини ушлаш ёхуд қуролни тортиб олишнинг иложи бўлмаса, жиноят содир қилган ёхуд оғир ва хавфли жиноят содир қилиш устида қўлга юшганда қуролли қаршилик кўрсатган шахсни, шунингдек, қуролни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришдан бойин товлаган қуролланган шахсни ушлаш учун энг сўнги чора сифатида қуролни шахсан ёхуд бўлинма таркибида қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

Қоровул таркибида ҳарбий хизматчи қуролни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровуллик хизматлари Низомида белгиланган ҳолларда ва тартибда қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Командир (бошлиқ), бундан ташқари, бўйсунувчининг бўйин товлаши Ватанга хиёнат қилишга ёхуд жанговар шароитларда жанговар

топшириқлар бажарилишини барбод этишга қаратилган очик-ойдин хатти-ҳаракатларда намоён бўлганда интизом ва тартибни тиклаш учун қурол ишлатиш ёхуд қурол ишлатишга буйруқ бериш ҳуқуқига эгадир.

Қурол ишлатишдан олдин уни ишлатиш тўғрисида огоҳлантириш зарур. Қурол тўсатдан ёхуд қуролли ҳужум чоғида, жанговар техника, транспорт воситалари, учуш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланилган ҳужум чоғида, қамокдан қурол билан ёхуд транспорт воситаларидан фойдаланиб қочиш вақтида, шунингдек транспорт воситаларидан уларнинг ҳаракатланиши чоғида, тунда ёхуд кўриниш чекланган бошқа шароитларда ташлаб қочиш пайтида огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар тревога ёхуд ёрдам чақирғи сигнали бериш, шунингдек, одамлар ҳаёти ёки соғлиғига тажоввус қилувчи ҳайвонларга қарши қурол ишлатиш ҳуқуқига эга.

Қурол ишлатиш ва фойдаланиш чоғида ҳарбий хизматчи атрофдаги фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун иложи бўлган барча чораларни кўришга, зарур ҳолларда эса жабрланувчиларга тез тиббий ёрдам кўрсатишга мажбурдир.

Аёллар ва балоғат ёшига етмаганларга нисбатан, агар бошқа йўллар ва воситалар билан бундай ҳужум ёхуд қаршилиқни қайтаришнинг иложи бўлмаса, уларнинг ҳарбий хизматчи ва бошқа фуқароларнинг ҳаётига хавф солувчи қуролли ҳужумлари, қуролли қаршилиқ кўрсатиши ёхуд тўда бўлиб ҳужум қилиши ҳоллари бундан мустасно, қурол ишлатиш мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчи ҳар бир қурол ишлатилиши ёхуд фойдаланиши тўғрисида командирга (бошлиққа) билдирув беради.

Ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари хизмат фаолиятида қонунлар, ҳарбий низомларнинг талабларига амал қиладилар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларнинг фаолияти билан алоқадор бўлмасликлари лозим.

Ҳарбий хизматчи қуйидагиларга:

- ҳарбий қасамёдга содиқ қолишга, ўз халқига фидойиларча хизмат қилишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини матонат, маҳорат билан, ўз сўнгги томчи қони ва хатто ҳаётини аямасдан ҳимоя қилишга, ҳарбий бурчни бажаришга;

- ўз давлати конституциясига ва қонунларига қатъий риоя қилишга, ҳарбий низомларнинг талабларини бажаришга;

- Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизмат машаққатларига сабот билан чидашга;

- ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллашга, ўз уқуви ва аскарӣ маҳоратини такомиллаштиришга;

- ўзига ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани билиш ва ишлатишга доимий шайлиқда сақлашга, ҳарбий мулкни асрашга;

- ҳалол, интизомли, жасур бўлишга, ҳарбий бурчни ижро этиш чоғида оқилона ташаббуслар кўрсатишга;

- командирларга (бошлиқларга) сўзсиз бўйсунуш ва уларни жангда ҳимоя қилишга, ҳарбий қисм Жанговар Байроғини қўриқлашга;

- аскарий биродарликни эъозлашга, ўз ҳаётини аямасдан ўртоқларини хавф-хатардан қутқаришга, уларга сўз ва иш билан ёрдам беришга, ҳар бирининг ор-номуси ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга, ўзига ва бошқа ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўполлик ва таҳқирлашларга йўл қўймасликка, уларни нолайиқ қилмишлардан тийиб қолишга;

- аскарий юриш-туриш одоби қоидаларига риоя қилишга ва ҳарбийча салом беришни бажаришга, ҳар доим русум бўйича, озода ва саранжом кийинишга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси ҳимоячиси олий унвонини шараф билан оқлашга, Қуролли Кучларнинг, ўз ҳарбий қисмининг ор-номуси ва жанговар шон-шухратини ва ўз ҳарбий унвонининг обрўсини эъозлашга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчи ватанпарварлик кўрсатишга, халқларнинг байналмилал дўстлигини кадрлашга, миллатлар ва элатлар ўртасидаги биродарликни мустаҳкамлашга имкон яратишга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида уларнинг миллий туйғуларига, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат кўрсатилиши лозим. Ҳарбий хизматчилар бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, командирларга (бошлиқларга) ва катталарга тартиб ва интизомни сақлашда кўмак беришга мажбурдирлар.

Ҳарбий хизматчи ўзига унинг мажбуриятларини ижро этишига таъсир кўрсатган барча содир бўлган воқеалар тўғрисида ва унга берилган танбеҳлар ҳақида ўзининг бевосита бошлиғига билдирув беришга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳарбий низомларда белгиланган қоидалари бузилганда, у зудлик билан тартиб ўрнатиш чораларини кўришга ва шунингдек, ўзининг бевосита бошлиғига билдирув беришга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчи ҳарбий хизмат хавфсизлиги талабларига, касалланиш, жароҳат орттириш ва куйишдан огоҳлантириш тадбирларига риоя қилиши, ҳар куни жисмоний чиниқиши, зарарли одатлардан (чекиш ва ичкилик ичишдан) тийилиши лозим.

Хизмат масалалари юзасидан ҳарбий хизматчи ўзининг бевосита бошлиғига ва унинг ижозати билан мақоми бўйича навбатдаги бошлиққа мурожаат қилиши лозим.

Шахсий масалалар юзасидан ҳам ҳарбий хизматчи ўзининг бевосита бошлиғига, ўта зарур ҳолларда эса катта бошлиққа мурожаат қилиши керак.

Таклиф, ариза киритаётганда ва шикоят бераётганда ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом Низоми қоидаларига амал қилади.

Ҳарбий хизматчи ҳарбий ҳаракатлар юритиш, ярадорлар, беморлар, кема ҳалокатига учраган шахслар ва ҳарбий ҳаракатлар минтақасидаги аҳоли, шунингдек, ҳарбий асирлар билан муомала қилишнинг халқаро қоидаларини билишга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчи жанговар ҳаракатлар пайтида, ҳатто ўз ҳарбий қисмидан (бўлинмасидан) йироқ ва тўла қуршовда қолган бўлса ҳам, асирга тушишдан қутулмоқ учун душманга ашаддий қаршилик кўрсатишга мажбурдир. У жангда аскарлик бурчини охиригача бажаришга мажбур.

Агар ҳарбий хизматчи, қаршилик кўрсатишнинг барча воситалари ва йўллари батамом ишга солиб ёхуд қаршилик кўрсатишга имконияти бўлмай қолиб, асирга олинган бўлса, ўзини ва ўз ўртоқларини асирдан озод қилиш ва ўз қўшини сафига қайтишнинг ҳар қандай имкониятини излаши ва фойдаланиши лозим. Душман томонидан асирга туширилган ҳарбий хизматчи сўроқ пайтида фақат ўз фамилияси, исми, отасининг исми, ҳарбий унвони, туғилган санаси ва шахсий рақаминигина билдириш ҳуқуқига эгадир. У жангчи ор-номусини сақлаб қолишга, ҳарбий ва давлат сирини муқаддас тутишга, сабот ва матонат кўрсатишга, асирликка тушган бошқа ҳарбий хизматчиларга ёрдам беришга, уларни душман билан ҳамкорлик қилишдан тўхтатиб қолишга, душманнинг ҳарбий хизматчидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига зарар етказишда фойдаланишга уринишларини рад этишга мажбурдир.

Асир тушган, шунингдек, учинчи бетараф мамлакатда қуролсиз ушлаб турилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматчи мақоми сақланади. Ҳарбий қўмондонлик ва давлатнинг шунга вакил қилинган бошқа органлари халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда зикр этиб ўтилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари муҳофазаси ва уларни Ватанга қайтариш бўйича чора тадбирларни кўришга мажбурдирлар.

Ҳарбий хизматчилар хулқи ва хушмуомалалиги

Ҳарбий хизматчилар ҳар доим юксак маданият, камтарлик ва босиқликнинг намунаси бўлиб хизмат қилиши, аскарининг ор-номусини муқаддас сақлаши, ўз кадр-қимматини ҳимоя этиши ва ўзгаларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиши лозим. Улар ўзларининг хулқига қараб, нафақат уларнинг, қолаверса, бутун Қуролли Кучларнинг ор-номуси тўғрисида хулоса чиқаришларини ёдда тутишлари шарт.

Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзаро ҳурмат асосида қурилади. Улар хизмат масалалари юзасидан бир-бирларига «Сиз»лаб муурожаат этишлари лозим. Шахсий муомала чоғида ҳарбий унвон қўшин ёхуд хизмат турини кўрсатмасдан айтилади.

Бошлиқлар ва катталар хизмат юзасидан бўйсунувчилар ва кичикларга муурожаат этаётганда, уларни ҳарбий унвони ва фамилияси бўйича ёхуд

фақат ҳарбий унвон бўйича атайди, чунончи охири ҳолда ҳарбий унвондан олдин «Ўртоқ» калимаси қўшиб айтилади.

М а с а л а н: «**Оддий аскар Ғаниев (Ғаниева)**», «**Ўртоқ аскар**», «**Сержант Азизов (Азизова)**», «**Ўртоқ сержант**», «**Мичман Юнусов (Юнусова)**» ва ҳ. к.

Ҳарбий билим юртларининг сержантлар ва старшиналар таркибининг, прапорщиклар ва мичманлар ҳарбий унвонларига эга бўлмаган курсантларини, шунингдек, ҳарбий ўқув қисми (бўлинмаси) курсантларини, уларга мурожаат этган пайтда: «**Курсант Алимов**», «**Ўртоқ курсант**» тариқасида атайдилар.

Бўйсунувчилар ва кичиклар хизмат бўйича бошлиқлар ва катталарга мурожаат этганда уларнинг ҳарбий унвони олдида «**Ўртоқ**» калимасини қўшиб атайди.

М а с а л а н: «**Ўртоқ катта лейтенант**, «**Ўртоқ 1-даражали капитан**».

Хизматдан ташқари вақтда ва сафдан ташқарида ҳарбий хизматчилар икки ёклама маъқулга кўра бир-бирларига нафақат ҳарбий унвонлари бўйича, қолаверса, исм-шарифга кўра, шунингдек, умум қабул қилинган ҳурматлаш тарзлари бўйича мурожаат этишлари мумкин.

Ҳарбий унвонларни бузиб айтиш, тақиқланган сўзларни, лақаб ва номларни ишлатиш, қўполлик ва беодоблик ҳарбий ор-номус ва ҳарбий хизматчилар кадр-қимматига номуносибдир.

Сафдан ташқарида, буйруқ бераётганда ёхуд олаётганда, ҳарбий хизматчилар қад ростлаб турадилар, агар бош кийимда бўлсалар, унга кўлни қадайдилар ва сўнгра туширадилар.

Билдирув берар экан ёхуд қабул қилиб олар экан, ҳарбий хизматчи билдирув тугаши билан кўлини бош кийимга қадовдан туширади. Агар билдирувдан олдин «**Қадингни ростла**» командаси берилган бўлса, билдирув берувчи унда бошлиқнинг «**Эркин тур**» командасидан сўнг уни такрорлайди ва кўлини бош кийимга қадовдан туширади.

Командир (бошлиқ) ёхуд катта иштирокида бошқа ҳарбий хизматчига мурожаат қилаётган пайтда ундан бунга рухсат сўраш зарурдир.

М а с а л а н: «**Ўртоқ полковник. Капитан Турсуновга мурожаат этишга рухсат беринг**».

Жамоат жойларида, шунингдек, трамвайда, троллейбусда, автобусда, метро ва шаҳаролди поездларининг вагонларида бўш турган ўринлар бўлмаган пайтда ҳарбий хизматчи бошлиққа (каттага) ўз ўрнини таклиф этишга мажбурдир.

Агар бошлиққа (каттага) дуч келганда бемалол ўтиб кетиш мумкин бўлмаса, унда бўйсунувчи (кичик) унга йўл бериши ва салом берганча ўтказиб юбориши, бошлиққа (каттага) етиб, унинг ёнидан ўтиб кетиш зарур бўлиб қолганда, бўйсунувчи (кичик) бунга ундан ижозат сўраши лозим.

Ҳарбий хизматчилар ноҳарбий аҳолига нисбатан одоб қоидаларига риоя қилишлари, ёши катта кишиларга, аёллар ва болаларга алоҳида эътибор кўрсатишлари, фуқаролар ор-номуси ва кадр-қимматини муҳофаза

қилишга ёрдам беришлари, шунингдек, бахтсиз ҳодисалар, ёнгинлар ва табиий офатлар чоғида уларга мадад кўрсатишлари лозим.

Ҳарбий хизматчиларга қўлни кийим-кечак чўнтақларига тикиб юриш, бошлиқнинг (каттанинг) иштирокида унинг рухсатисиз ўтириш ёхуд чекиш, шунингдек, кўчада юриб кетаётганда ва бу мақсад учун ажратилмаган жойларда чекиш ман этилади.

Хушёр турмуш тарзи барча ҳарбий хизматчиларнинг кундалик юриш-туриш меъёри бўлиши лозим. Ҳарбий хизматчиларнинг ор-номуси ва кадр-қимматини ерга урувчи хизматга маст ҳолда келиш қўпол интизомий ножўя қилмиш саналади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун кийим-кечак русумининг зарур турлари жорий этилади. Ҳарбий кийим-кечак русуми ва фарқловчи белгилар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Барча ҳарбий хизматчилар, шунингдек, захирада турган ёхуд ҳарбий кийим-кечак русумини кийиб юриш ҳуқуқи билан истеъфога чиқарилган фуқаролар ҳарбий кийим-кечак русумини кийиб юриш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий кийим-кечак русуми Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири тасдиқлаган қоидаларга қатъий мувофиқ равишда кийилади.

Ҳарбий қисм қароргоҳидан ташқарида дам олишда, жавоб берилганда ёхуд таътилда ҳарбий хизматчиларга ҳарбий кийимкечак русумини кийиб юрмасликка рухсат берилади.

Аскарий хулқ, юриш-туриш қоидалари ва ҳарбийча салом беришни бажариш, захирада турган ва истеъфога чиққан фуқаролар учун улар ҳарбий кийим-кечак русумини кийиб юрган пайтда мажбурийдир. Улар ҳарбий кийим-кечак русумини кийишнинг жорий қоидаларига қатъий риоя қилишлари лозим.

Ҳарбий хизматчиларнинг лавозими ва махсус мажбуриятлари

Ҳар бир ҳарбий хизматчи эгаллаган лавозимига биноан унга топширилган ваколатлар ва вазифалар ҳажмини ва амалда бажариш чегарасини белгиловчи лавозим мажбуриятларига эга бўлади. Лавозим мажбуриятларидан фақат хизмат манфаатлари йўлида фойдаланилади.

Бу мажбуриятлар ҳарбий низомлар, шунингдек, мазкур Низомнинг талабларига мувофиқ келувчи тегишли дастуриламалар, қўлланмалар, қоидалар йўл-йўриқномалар ёхуд бевосита бошлиқларнинг ёзма буйруқлари билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар жанговар навбатчиликда (жанговар хизматда), сутка ва гарнизон нарядида турганда, шунингдек, табиий офатлар оқибатларини тугатишга жалб этилганда ва бошқа фавқулодда ҳолатларда махсус мажбуриятларни бажарадилар. Бу мажбуриятлар ва уларни бажариш тартиби қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари ва улар асосида ишлаб чиқилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар махсус мажбуриятларни ижро этиш учун қонунчилик ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари билан белгиланган қўшимча ҳуқуқларга эга бўладилар.

Вақтнинг тақсимланиши ва кундалик тартиб

Ҳарбий қисмда вақтнинг тақсимланиши унинг доимий жанговар шайлиги таъминладиган ва шахсий таркиб жанговар ўқувини уюшган ҳолда ўтказиш шароитлари яратиладиган, тартиб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий интизоми ва тарбияси сақданадиган, уларнинг маданият даражаси ошириладиган, ҳар томонлама маиший хизмат кўрсатиладиган, ўз вақтида ҳордиқ ва овқат бериладиган даражада амалга оширилади.

Офицерлар, прапоршиқлар, шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматчи-аёлларнинг ҳафталик хизмат вақтининг умумий давомийлиги, одатда, қонунларда белгилаб қўйилган иш вақти давомийлигига мувофиқ келиши лозим. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар хизмат вақтининг давомийлиги ҳарбий қисмнинг кун тартиби билан белгиланади.

Ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишга дам олиш ва байрам кунларида жалб этилган офицерлар, прапоршиқ ва шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисм (бўлинма) командирининг хизмат манфаатлари инобатга олинган қарорига кўра ҳафтанинг бошқа кунлари дам берилди. Дам олиш давомийлиги дам олиш ва байрам кунларида хизматда ўтказилган вақтдан ошмаслиги шартдир.

Ҳарбий қисмда сутка давомида, баъзи қоидаларга кўра ҳафта мобайнида вақт тақсимоти кун тартиби ва ички хизмат регламенти томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий қисмнинг кун тартиби кундалик фаолиятининг асосий тадбирларини, ҳарбий қисм бўлинмалари ва штаби шахсий таркибининг ўқуви ва турмушини вақтга кўра белгилаб беради.

Ҳарбий қисм командири кун тартибини Қуролли Кучлар тури ва кўшинлар тури, ҳарбий қисм олдида турган вазифалар, йил фасли, маҳаллий ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда белгилайди. Улар таълим даври учун ишлаб чиқилади ва жанговар ўқ отиш машқлари, далага олиб чиқишлар, ўқувлар, манёврлар ўтказиш, жанговар навбатчиликни (жанговар хизматни) ўташ, суткалик наряд, қоровуллик хизмати ва бошқа тадбирларни ўтказиш чоғида уларни бажаришнинг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда ҳарбий қисм (қўшилма) командири томонидан аниқлаштирилиши мумкин.

Ҳарбий қисм кун тартиби суткалик наряд ҳужжатлари орасида, шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар хизмат вақтининг регламенти эса ҳарбий қисм штаби ва рота канцеляриясида туради.

Кун тартибида тонгги жисмоний машқ, эрталабки ва кечки ҳожат, эрталабки кўрик, ўқув машғулоти ва уларга тайёрланиш, махсус (ишчи) кийимини алмаштириш, овқат ейишдан олдин пойабзал тозалаш ва қўл ювиш, овқат ейиш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника қарови, тарбиявий ва оммавий-спорт ишлари, шахсий таркибга ахборот бериш, радио тинглаш ва теледастурларни томоша қилиш, хасталарни тиббиёт пунктида қабул қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий эҳтиёжлари (камида 1 соат), кечки сайр, йўқлама ва 8 соатлик уйқу учун вақт кўзда тутилган бўлиши лозим.

Овқат тановуллари ўртасидаги оралиқ 7 соатдан ошмаслиги керак. Тушлиқдан сўнг ярим соат (30 минут) мобайнида машғулоти ёхуд ишлар ўтказилмаслиги лозим. Йиғилишлар, мажлислар, шунингдек, спектакллар, кинофильмлар ва бошқа жамоат тадбирлари соат 19.00 гача тугатилиши лозим.

Кун тартибида, бундан ташқари, офицерлар, прапоршиклар, шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга етиб келиши ва ундан жўнаб кетиш вақти, овқат тановули (тушлиқ) учун танаффус, мустақил тайёргарлик (хафтада камида 4 соат), машғулоти ўтказишга кундалик тайёргарлик учун вақт ва жисмоний тайёргарлик (умумий давомийлиги хафтада камида 3 соат) учун вақт кўзда тутилади.

Суткалик наряд таркибига кирмайдиган офицерлар, прапоршиклар ва мичманларнинг ҳарбий қисм ва бўлинмаларда кеча-кундуз навбатчилик қилиши ҳарбий қисм командири томонидан фақат истисно ҳолларда жорий этилиши мумкин.

Бригадада ҳар хафта қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситаларга хизмат кўрсатиш, парклар ва ўқув моддий негизи иншоотларини жиҳозлашни тугаллаш ва ободонлаштириш, ҳарбий шахарчани тартибга келтириш ва бошқа ишларни бажариш мақсадида парк-хўжалик куни ўтказилади. Айни шу куни одатда барча хоналарни ялпи йиғиштириш, шунингдек, шахсий таркибни ҳаммомда чўмилтириш ўтказилади.

Бундан ташқари, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани доимий жанговар шайликда сақлаш мақсадида бригада бутун шахсий таркибини жалб этган ҳолда парк кунлари ўтказилади. Парк-хўжалик ва парк кунлари бригада штабининг бошлиғи бригада командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан ва бригада командири тасдиқлаган режалар бўйича ўтказилади. Режалардан кўчирмалар бўлинмаларгача етказилади.

Парк-хўжалик кунларида, ишларга, биринчи навбатда қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва ўқ-дориларга хизмат кўрсатишга раҳбарлик қилиш учун навбатчилик йўсинида офицерлар ва прапоршикларнинг энг кам миқдори тайинланади. Ҳафта давомида уларга дам олиш куни берилади.

Якшанба ва байрам кунлари, жанговар навбатчиликни (жанговар хизматни) ва суткалик нарядда хизматни ўтаётганлардан ташқари бутун шахсий таркиб учун дам олиш кунлари саналади. Бу кунларда, шунингдек,

машғулотлардан бўш вақтларда шахсий таркиб билан маданий ҳордик тадбирлари, спорт мусобақалари ва ўйинлар ўтказилади.

Дам олиш кунлари арафасида муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун концертларни, кинофильмларни ва бошқа тадбирларни одатдагидан 1 соат кеч тугатишга, дам олиш кунларида уйғотишни одатдагидан кеч, ҳарбий қисм командири белгилаган соатда ўтказишга рухсат берилади.

Дам олиш кунларида эрталабки жисмоний машқ ўтказилмайди.

Ўқув машғулотлари

Жанговар тайёргарлик ҳарбий хизматчиларнинг тинчлик давридаги кундалик фаолиятининг асосий мазмуни саналади. Ҳарбий хизматчиларнинг замонавий жангдаги амаллар услубларини эгаллаш мақсадидаги машғулотлари ва ўқувлари талабчанлик бўшаштирилмасдан ва соддалаштирилмасдан ўтказилиши лозим.

Ўқув машғулотларида ва ўқувларда бригаданинг бутун шахсий таркиби қатнашиши шарт. Машғулотлардан фақат суткалик нарядда ва бригада бўйича буйруқда кўзда тутилган ишлар нарядида бўлган шахслар, шунингдек, байрам ёхуд дам олиш кунлари хизматни ўтагани учун дам олиш кунини берилган ҳарбий хизматчиларгина озод этиладилар.

Касаллигига кўра дала машғулотларидан озод қилинган аскарлар ва сержантлар билан рота командирининг буйруғига кўра машғулотлар синфларда ташкил этилади.

Шахсий таркибни жанговар тайёргарлик бўйича машғулотларга ажратиб қолдирган командирлар (бошлиқлар) жавобгарликка тортиладилар.

Жанговар тайёргарлик режаси ва машғулотлар жараёнида белгиланган тадбирлар фақат бригада командири томонидан бошқа вақтга кўчирилиши мумкин.

Машғулотлар кун ички тартибида белгиланган соатда сигнал бўйича бошланади ва тугатилади.

Машғулотларга чиқишдан оддин бўлим командирлари ва взводлар командирларининг ўринбосарлари бўйсунувчиларнинг жой-жойидалигини текширадилар ва русум бўйича кийинганларми-йўқми, анжом-аслаҳа тўғри мосланганми-йўқми ва қурол ўқланганми-йўқми кўздан кечирадилар.

Бўлинма командирлари машғулотлар тугаши билан бутун қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва ўқув-машқ воситаларининг, шунингдек, ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларнинг жой-жойидалиги ва бутлигини шахсан текширишлари лозим. Қуроллар ва магазинлар учун ғилофларни бўлим командирлари текширадилар. Текшириш натижалари команда бўйича билдирилади. Сарфланмаган ўқ-дори ва гильзалар белгиланган тартибда топширилади.

Машғулотлар ва ўқувлар тугаши билан қуроллар ва қазув қуролларини тозалаш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникага техник хизмат кўрсатиш ҳамда машғулотлар ўтказилган жойларни йиғиштириш ўтказилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарлиги

Барча ҳарбий хизматчилар, уларнинг ҳарбий унвони ва мансабидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар ва ўзларининг ҳуқуқий мақомлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган жавобгарликни зиммаларига оладилар.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий интизом, ахлоқ ва аскарӣ ор-номус меъёрларини бузиш билан боғлиқ ножўя қилмишлари учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом Низомида белгиланган асосда ва тартибда интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Ҳарбий хизматчилар Интизом Низомига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Йўл ҳаракатлари қоидаларини, ов қилиш, балиқ овлаш ва балиқ захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун бундай шахслар умумий асосда жавобгарликка тортиладилар. Кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга эса жарима солиш чоралари қўлланиши мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчи фуқаролик қонунларида кўзда тутилган мажбуриятларни ижро этмаслик ёхуд кўнгилдагидек ижро этмаслик учун қонунда кўзда тутилганидан бошқа ҳолларда ҳам давлатга, фуқароларга етказилган зарар учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигига тортилади.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида давлатга етказилган моддий зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ моддий жавобгарликка тортиладилар.

Ҳарбий хизматчилар содир этилган жиноят учун Ўзбекистон Республикасининг жиноят Кодексига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ҳарбий хизматчилар содир этилган ҳуқуқбузарлик учун, одатда, жавобгарликнинг битта турига тортиладилар.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун интизомий таъзирга тортилган ҳарбий хизматчилар бу ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарликдан озод этилмайди.

Моддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа турига тортилишидан ёхуд жамоат таъсири чоралари қўлланишидан қатъий назар зарарни тўлайдилар.

Жамоат таъсири чоралари ҳарбий хизматчиларга уларнинг ҳарбий интизом ва жамоат тартибини бузиши билан боғлиқ ножўя ҳаракатлари учун қўлланиши мумкин.

Жавобгарликка тортилаётганда ҳарбий хизматчиларнинг ор-номуси ва кадр-қимматини поймол қилишга йўл қўйилмайди.

II. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

Яккабошчилик. Командирлар (бошлиқлар) ва бўйсунувчилар. Катталар ва кичиклар.

Яккабошчилик - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари курилишининг, унга раҳбарлик қилишнинг ва ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принципларидан бири саналади. У командирга (бошлиққа) бўйсунувчиларга нисбатан идора қилиш ҳокимиятининг бутун тўлалигича берилишида ва ҳарбий қисм, бўлинма ва ҳар бир ҳарбий хизматчининг ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма жиҳатлари учун давлат олдида шахсий жавобгарлик унинг зиммасига юкланишида ўз ифодасини топади.

Яккабошчилик командирнинг (бошлиқнинг) вазиятни ҳар томонлама баҳолашдан келиб чиққан ҳолда ёлғиз ўзи қарор қабул қилиш, қонун ва ҳарбий низомларнинг талабларига қатъий мувофиқ равишда буйруқлар бериш ва уларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқида мужассамлашгандир.

Буйруқларнинг муҳокама этилишига йўл қўйилмайди, бўйсунмаслик ёхуд буйруқни бошқача ижро этмаслик ҳарбий жиноят саналади.

Ўз хизмат мақоми ва ҳарбий унвонига кўра айрим ҳарбий хизматчилар бошқаларга нисбатан бошлиқ ёхуд бўйсунувчи бўлиши мумкин. Бошлиқ бўйсунувчига буйруқлар бериш ва уларнинг ижросини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бошлиқ бўйсунувчи учун хушмуомалалик ва босиқлик намунаси бўлиши ва тақаллуфсизликка ҳам, ноҳолисликка ҳам йўл қўймаслиги лозим. Бўйсунувчининг инсоний кадр-қимматини поймол этувчи ҳаракатлари учун бошлиқ жавобгар бўлади.

Бўйсунувчи бошлиқнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга мажбурдир. Агар у ўзига нисбатан нотўғри муносабатда бўлган деб ҳисобласа, буйруқни бажариб, шикоят қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ноҳарбий ходимларидан бўлган шахс эгаллаган лавозимига мувофиқ бўйсунувчилар учун бошлиқ ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчилар, хизмат юзасидан, ҳатто вақтинча бўлса ҳам, бўйсундирилган бошлиқлар бевосита бошлиқлар ҳисобланади. Бўйсунувчига яқинроқ бўлган тўғридан-тўғри бошлиқ бевосита бошлиқ деб аталади.

Ҳарбий хизматда бўлганлар ўз ҳарбий унвонларига кўра бошлиқлар ҳисобланади.

Ўз хизмат мақоми ва ҳарбий унвонига кўра бошқа ҳарбий хизматчиларга нисбатан уларнинг бошлиғи ёхуд бўйсунувчиси саналмаган ҳарбий хизматчилар катта ёхуд кичик бўлишлари мумкин.

Катталик ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий унвонига қараб белгиланади. Ҳарбий унвони бўйича катталар, кичиклар ҳарбий интизомни, жамоат тартибини, ахлоқ, ҳарбий кийим-кечакни кийиш ва аскарчасига саломлашишни бажариш қоидаларини бузган ҳолларда, улардан бу бузишларни бартараф этишларини талаб қилишлари лозим. Унвони бўйича кичиклар катталарнинг бундай талабларини сўзсиз бажаришга мажбурдирлар.

Бир-бирига бўйсунувчи бўлмаган ҳарбий хизматчилар мажбуриятларни биргаликда бажарадиган ҳолларда, уларнинг ўзаро хизмат муносабатлари командир (бошлиқ) томонидан белгилаб қўйилмаган бўлса, улардан лавозимига кўра каттаси, тенг мансабларда эса ҳарбий унвони бўйича каттаси бошлиқ саналади.

Буйруқ (буюриш), уни бериш ва бажариш тартиби. Ҳарбий хизматчиларнинг ташаббуси

Буйруқ - командирнинг (бошлиқнинг) бўйсунувчиларга қаратилган ва маълум амалларнинг мажбуран бажарилишини, у ёки бу қоидаларга риоя қилинишини талаб этадиган ёхуд у ёки бу тартиб, қоидаларни белгилайдиган кўрсатмасидир.

Буйруқ бир ёхуд гуруҳ ҳарбий хизматчиларга ёзма, оғзаки ёхуд алоқанинг техник воситалари орқали берилиши мумкин. Ёзма буйруқ ҳарбий қисмларнинг командирлари (муассасаларнинг бошлиқлари) яққабошчилик асосида чиқарувчи ҳарбий бошқарувнинг асосий идора хизмат ҳужжати (ҳуқуқий ҳужжати) саналади. Оғзаки буйруқлар барча командирлар (бошлиқлар) томонидан берилади.

Буюриш - штаб бошлиғи ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғи) номидан ёхуд гарнизон ҳарбий комендант гарнизон бошлиғи номидан чиқарувчи идора қилиш хизмат ҳужжати саналади.

Командир (бошлиқ) буйруқ беришдан олдин вазиятни ҳар томонлама баҳолашга ва унинг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни кўзда тутишга мажбурдир. У берилган буйруқ ва унинг оқибатлари учун, буйруқнинг қонунларга мувофиқ келиши учун, шунингдек, берилаётган буйруқда мансабни суистеъмол қилиш ва ҳуқуқ доирасидан ёхуд хизмат ваколатларидан четга чиқиш учун ва унинг бажарилиши бўйича тадбирлар кўрмаганлик учун жавобгар бўлади. Буйруқ аниқ шакллантирилган, икки хил талқинга йўл қўймайдиган ва бўйсунувчида шубҳа уйғотмайдиган бўлиши лозим. Буйруқ (буюриш) қонунлар ва ҳарбий низомларнинг талабларига мувофиқ келиши лозим.

Буйруқлар бўйсунганлик йўсинида берилади. Ўта зарур бўлган ҳолларда катта командир бўйсунувчига унинг бевосита бошлиғини четлаб ўтган ҳолда буйруқ бериши мумкин. Шундай ҳолларда у бу ҳақда бўйсунувчининг бевосита бошлиғига хабар қилади ёхуд бўйсунувчига унинг ўзи бевосита бошлиғига билдирув беришини буюради.

Командирнинг (бошлиқнинг) буйруғи сўзсиз, аниқ ва муддатида бажарилиши шарт. Буйруқ олган ҳарбий хизматчи: «Хўп бўлади» деб жавоб беради ва шундан кейин уни бажаради.

Командир (бошлиқ) ўзи берган буйруқнинг тўғри тушунилганига ишонч ҳосил қилиши зарур бўлиб қолганда, уни қисқача такрорлашни талаб қилиши, буйруқ олган ҳарбий хизматчи эса командирга (бошлиққа) уни такрорлашни илтимос қилиб мурожаат этиши мумкин.

Ҳарбий хизматчи берилган буйруқнинг бажарилиши тўғрисида буйруқни берган бошлиққа ва ўзининг бевосита бошлиғига билдирув беришга мажбурдир.

Ҳарбий хизматчиларга ҳарбий хизматга алоқаси бўлмаган ёхуд қонунни бузишга йўналтирилган буйруқлар, буюришлар берилиши, топшириқлар юкланиши мумкин эмас.

Агар буйруқни бажараётган ҳарбий хизматчи хизмат мақомига кўра, бошқа катта бошлиқдан биринчисини бажаришга халақит берадиган янги буйруқ олса, ушбу ҳақда иккинчи буйруқни берган бошлиққа билдирув беради ва тасдиқлаган тақдирдагина оҳиргисини бажаради.

Янги буйруқни берувчи бу ҳақда биринчи буйруқни берган бошлиққа хабар қилади.

Ҳарбий хизматчи унга берилган топшириқни муваффақиятли бажариш мақсадида оқилона ташаббус кўрсатишга мажбурдир. Оқилона ташаббус олинган буйруқ кескин ўзгарган вазиятга тўғри келмай қолган, шароит эса янги буйруқ олинишини тақозо этмайдиган ҳолларда ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Ҳарбийча саломлашиш

Ҳарбийча саломлашиш ҳарбий хизматчиларнинг биродарларча жипслигининг ифодаси, ўзаро ҳурмат ва муштарак маданиятни намоён бўлиши белгиси саналади.

Барча ҳарбий хизматчилар бир-бирига дуч келганда (етиб ўтиб кетганда) Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг Саф Низоми билан белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда бир-бирига салом беришга мажбурдир.

Ҳарбий унвонига кўра, бўйсунувчилар ва кичиклар биринчи бўлиб салом беради. Мақомлар тенг бўлган пайтда эса ким ўзини кўпроқ хушмуомала, тарбия кўрган деб ҳисобласа, ўша биринчи бўлиб салом беради.

Ҳарбий хизматчилар бундан ташқари:

- Номаълум аскар қабрига;
- Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда шаҳид бўлган жангчиларнинг биродарлик қабристонига;
- Ҳарбий қисмининг Жанговар Байроғига, шунингдек, ҳарбий кемага келганда ва ундан жўнаб кетаётганда ҳарбий Денгиз Байроғига;
- ҳарбий бўлинмалар кузатиб бораётган дафн маросимларига салом беришга мажбурдирлар.

Ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар сафда турган пайтда команда бўйича:
- Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисига ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига;

- ҳудудда муайян қисм жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисига ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раисига;

- Ўзбекистон Республикаси маршаллари, армия генераллари, генерал-полковниклар ва барча бевосита бошлиқларга, шунингдек, ҳарбий қисм (бўлинма) инспекциясини (текширилишини) ўтказишга раҳбарлик қилиш учун тайинланган шахсларга салом берадилар.

Ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар команда бўйича, шунингдек:

- Номаълум аскар қабрига;

- Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда шахид бўлган жангчиларнинг биродарлик қабристонига;

- ҳарбий қисмнинг Жанговар Байроғига;

- ҳарбий бўлинмалар кузатиб бораётган дафн маросимига, дуч келганда бир-бирига салом беради.

Жойида турган, сафда турган қўшинларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига салом беришига оркестр ижро этаётган «Қаршилов марши» ва Давлат мадҳияси жўр бўлади.

Ҳарбий қисм ўз қисм командиридан ва ундан юқори бевосита бошлиқларни, шунингдек, инспекция (текширув) ўтказиш учун раҳбарликка тайинланган шахсларга салом бераётганда оркестр фақат «Қаршилов марши»ни ижро этади.

Сафдан ташқари юрганда, машғулотлар вақтида ҳам, машғулотлардан бўш вақтларда ҳам, ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг ҳарбий хизматчилари, бошлиқларига **«Қаддингни ростла»** ёхуд **«Турилсин»** командалари бўйича салом берадилар.

Штаб ва муассасаларда фақат бевосита бошлиқларга, инспекция (текширув) ўтказиш учун тайинланган шахсларга команда бўйича салом берилади.

Сафдан ташқари машғулотларда, шунингдек, фақат офицерлар иштирок этаётган мажлисларда командирлар бошлиқларга ҳарбийча салом бериш учун **«Ўртоқ офицерлар»** командаси берилади.

«Қаддингни ростла», «Турилсин» ёхуд **«Ўртоқ офицерлар»** командаларини иштирок этаётган командирлардан (бошлиқлардан) каттаси ёхуд командирни (бошлиқни) биринчи бўлиб кўрган ҳарбий хизматчи беради.

Бу команда бўйича барча иштирок этувчилар туради, келган командир (бошлиқ) томонга юзланади ва саф туришда бўлади, бош кийим кийган офицерлар, прапоршиқлар, мичманлар, бундан ташқари, қўлини унга қадайд.

Иштирок этаётган командирлардан (бошлиқлардан) катта келувчининг истикболига етиб боради ва унга билдирув беради.

Келган командир бошлиқ билдиришни қабул қилгач «**Эркин**» ёхуд «**Ўртоқ офицерлар**» командасини беради. Билдирувчи эса бу командани такрорлайди. Шундан сўнг барча иштирок этувчилар «Эркин» ҳолатига киради.

Бошида кийими бўлган офицерлар, прапоршик ва мичманлар қўлини туширади ва бундан буёғига келган командирнинг (бошлиқнинг) кўрсатмаси бўйича иш тутлади.

Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда сафда турган аскарлар команда берилмасдан қад ростлаган ҳолатга ўтадилар. Взвод командири ва ундан юқори бўлганлар, бундан ташқари, қўлларини бош кийимларига қадайдилар.

Сафдан ташқарида бўлган ҳарбий хизматчи Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда сафона қадрост ҳолатига киради, агар бош кийими бўлса, қўлини унга қадайдди.

Ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар томонидан салом берилиши учун команда берилмайди:

- ҳарбий қисм ёки бўлинма тревога бўйича уйғотилганда, шунингдек, тактик машғулотлар, ўқувларда;

- бошқариш пунктлари, алоқа тармоқлари жойлашган ва жанговар хизмат ўталадиган жойларда;

- ўқ отиш машқлари (учиришлар) ўтказилаётган вақтда отиш жабҳаси ва ўт очиш, старт бериш позицияларида;

- парвозлар ўтказилаётган пайтда аэродромларда;

- қурилиш, хўжалик ишлари ёхуд ўқув машғулотлари бажарилаётган пайтда;

- шунингдек, устахоналар, омборларда ўтказиладиган машғулот пайтларида;

- спорт мусобақалари, ўйинлар ўтказилаётган пайтда;

- овқат ейиш пайтида, «**Уйқуга**» сигналидан «**Уйғонилсин**» сигналигача;

- беморлар учун хоналарда.

Санаб ўтилган ҳолларда бошлиқ ёхуд катта келган бошлиққа фақат билдирув беради. Масалан: «**Ўртоқ майор, 2-мотоўқчилар ротаси ўқ отишнинг иккинчи ўқув машқини бажармоқда. Рота командири капитан Нишонов**».

Дафн маросимида иштирок этаётган бўлинма ҳарбийча салом беришни бажармайди.

Рота, ҳарбий қисмда ўтказилаётган анжуманларда, шунингдек, спектакль, концертларда, кинода ҳарбийча саломлашиш учун команда берилмайди ва командирга (бошлиққа) билдирув айтилмайди.

ИЧКИ ТАРТИБ

Умумий қоидалар

Ички тартиб - бу, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар (бўлинмалар)да жойлашиши, кундалик фаолияти, турмуши ва суткалик наряд хизматини ўташнинг ҳарбий низомларда белгиланган қоидаларига қатъий риоя қилинишидир.

Ички тартибга:

- қонунларда ва ҳарбий низомларда белгиланган мажбуриятларни барча ҳарбий хизматчилар теран англаши, онгли ва аниқ бажариши билан;
- командирларнинг (бошлиқларнинг) бўйсунувчилар ва уларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида ғамхўрлигининг юксак талабчанлиги билан уйғунлашган мақсадга йўналтирилган тарбиявий ишлар билан;
- жанговар тайёргарликни пухта ташкил этиш билан;
- суткалик наряднинг жанговар навбатчилик ва хизматни намунали ўташи билан;
- кун тартиби ва хизмат вақти тартиботини аниқ бажариш билан;
- курул-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситаларнинг тўғри эксплуатацияси билан, ҳарбий хизматчилар жойлашган жойларда ҳарбий низомларнинг талабларига жавоб берувчи уларнинг кундалик фаолияти, ҳаёти ва турмуши учун шароитлар яратиш билан;
- ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш, ҳарбий қисм фаолияти худудидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш билан эришилади.

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИРИШ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Республикасининг биринчи марта ҳарбий хизматга қабул қилинган ёхуд ҳарбий хизматни ўтамаган ва биринчи марта ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароси ҳарбий қисмнинг Жанговар Байроғи олдида ҳарбий қасамёдни қабул қилади.

Ҳарбий қасамёдни:

- мададга келган аскарлар ва матрослар - улар тегишли дастурларни ўтганларидан ва аскар (матрос)ларнинг асосий мажбуриятларини, Ҳарбий қасамёднинг, ҳарбий қисм Жанговар Байроғининг ва ҳарбий интизомнинг аҳамиятини ўзлаштиргандан сўнг, ҳарбий қисмга етиб келган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмасдан;
- ҳарбий билим юртларининг аввал қасамёд қабул қилмаган курсантлари ва тингловчилари - айнан ўша муддат давомида қабул қиладилар.

Мададга келган аскарлар ва матрослар, ҳарбий хизматчи аёллар, ҳарбий билим юртларининг илгари ҳарбий қасамёд қабул қилмаган курсантлари ва тингловчилари уни ҳарбий қисм командири, ҳарбий билим юрти бошлиғи раҳбарлиги остида қабул қиладилар.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш вақти ҳарбий қисм командирининг буйруғида эълон қилинади. Бунгача Ҳарбий қасамёд қабул қиладиганлар билан Ҳарбий қасамёднинг аҳамияти ва қонунларнинг Ватан ҳимояси бўйича талаблари тўғрисида бўлинмаларда тушунтириш ишлари ўтказилади.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тартиби. Ҳарбий қасамёд қабул қилиш учун ҳарбий қисм Жанговар Байроқ олдида ва оркестр билан оддий аскарлар сафида қурол билан тантанали кийим-кечак русумида сафга тизилади. Қисм рота ёхуд взвод колонналари чизиғида саф тортади. Қисм командири қисқа нутқида ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қасамёднинг аҳамиятини ва ўз халқига содиқ бўлишга қасамёд қабул қилганларнинг зиммасига юкланадиган фахрли ва масъулиятли мажбуриятларни эслатади.

Тушунтириш нутқидан сўнг қисм командири «Эркин тур» деб команда қилади ва бўлинма командирларига ҳарбий қасамёд қабул қилдиришга киришиш кўрсатмасини беради.

Бўлинма командирлари қасамёд қабул қиладиган ҳарбий хизматчиларни навбати билан сафдан чақиради. Ҳар бир ҳарбий қасамёд қилувчи бўлинма сафи олдида Ҳарбий қасамёд матнини ўзбек ёхуд рус тилида овоз чиқариб ўқийди ва махсус рўйхатдаги ўз фамилияси қаршисидаги бандга ўз қўли билан имзо чеккандан сўнг сафдаги ўз ўрнига бориб сафланади.

Қасамёд қабул қилиш тугаши билан ҳарбий қасамёдни қабул қилганларнинг шахсий имзолари бўлган рўйхатлар бўлинма командирлари томонидан Ҳарбий қисм командирига топширилади. Ҳарбий қисм командири шахсий таркибни Ҳарбий қасамёд қабул қилиш билан табриклайди, шундан сўнг оркестр Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этади ва ҳарбий қисм тантанали марш билан юриб ўтади.

У ёки бу сабабларга кўра белгиланган кунда Ҳарбий қасамёдни қабул қилмаган барча ҳарбий хизматчилар уни кейинги кунларда қисм командири раҳбарлигида қисм штабида алоҳида қабул қиладилар.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тарихий жойларда, жанговар ва меҳнат шухрати жойларида, шунингдек, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда шаҳид бўлган жангчиларнинг қардошлик мазорларида ҳам ўтказилиши мумкин. Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналари ўтказиладиган жойларга бундай ҳолларда одатда фақат уни қабул қиладиган ҳарбий хизматчилар олиб чиқилади.

Ҳарбий қасамёд қабул қилдириш куни ушбу қисм учун иш қилинмайдиган кун саналади ва байрам куни сифатида ўтказилади.

Ҳарбий қасамёд қабул қилганларнинг рўйхатлари ҳарбий қисм штабида рақамлаб чиқилган, ип ўтказиб боғлаб қўйилган ва сурғучли муҳр билан муҳрланган алоҳида папкаларда сақланади. Рўйхатлар белгиланган муддат ўтиши билан архивга топширилади.

Ҳарбий хизматчининг ҳарбий гувоҳномаси ва ҳисоб-китоб варақасида ҳарбий қисм штабининг бошлиғи томонидан: «Ҳарбий қасамёдни (куи, ой, йил) қабул қилган» қайди ёзиб қўйилади.

Биринчи марта ҳарбий йиғинларга чақирилган ва илгари Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган фуқаролар ҳарбий қисмга етиб келган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан уни қабул қиладилар.

Ялпи ёхуд қисман сафарбарлик эълон қилиниши билан тинчлик даврида Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган фуқаролар ҳарбий қисмга етиб келиши билан уни қабул қиладилар.

Ҳарбий хизматга қабул қилинган ҳарбий хизматчи аёллар Ҳарбий қасамёдни ҳарбий қисм командири раҳбарлиги остида қисм штабида қабул қиладилар.

Маросим ўз вақтида, аниқ бажарилиши ва ҳарбий қасамёд қилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳисоби, шунингдек, Ҳарбий қасамёд қабул қилганлар рўйхатининг сақланиши учун ҳарбий қисм командири жавоб беради.

2 - МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ИНТИЗОМ НИЗОМИ

1-ўқув саволи: Умумий қоидалар.

2-ўқув саволи: Рағбатлантиришлар ва интизомий таъзирлар.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Интизом низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги фармони билан тасдиқланган.

Ушбу низом ҳарбий интизомнинг моҳиятини, ҳарбий хизматчиларнинг унга риоя қилиш бўйича мажбуриятларини, рағбатлантириш ва интизомий таъзирларнинг кўринишларини, командирларнинг (бошлиқларнинг) уларни қўллаш бўйича ҳуқуқларини, шунингдек, таклиф, ариза ва шикоятлар бериш, уларни кўриб чиқиш тартибларини аниқлаб беради.

Ҳарбий қисмларнинг, кемаларнинг, штабларнинг, бошқармаларнинг, муассасаларнинг, корхоналарнинг, ташкилотларнинг ва ҳарбий билим юртларининг барча ҳарбий хизматчилари ўз ҳарбий унвонлари, мавқелари ва хизматларидан қатъий назар ушбу Низомнинг талабларига қатъиян риоя қилишлари лозим.

Низом Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, бошқа тегишли вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий хизматчиларига нисбатан бир ҳил кучга эгадир.

Бундан ташқари, Интизом низоми қоидалари ҳарбий хизматдан ҳарбий уст-бош кийиб юриш ҳуқуқи билан бўшатишган фуқароларга нисбатан ҳарбий уст-бош кийиб юрган пайтда ўз кучига эгадир.

Ҳарбий интизом — бу барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий Низомлар томонидан, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этилишидир.

Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган **ҳарбий бурч** ва **шахсий масъулият**, ўз халқига **мислсиз садоқатини** ҳис қилишига асосланади.

Ҳарбий хизматчиларда юксак интизомни тарбиялашнинг асосий усули ишонтиришдир. Аммо ишонтириш ўз ҳарбий бурчига сидқидилдан ёндашмаганларга нисбатан мажбурий чоралар кўришни истисно этмайди.

Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчидан:

- Ҳарбий қасамёдга содиқ бўлишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Конституциясига қатъий бўйсунитишни;

- ўз ҳарбий бурчини моҳирлик ва жасорат билан бажаришни, ҳарбий ишни сидқидилдан ўрганишни, ҳарбий ва давлат мулкани асрашни;

- ҳарбий хизмат қийинчиликларини мардонавор енгишни, ҳарбий бурчини бажариш учун ўз жонини ҳам аямасликни;

- сергак бўлишни, ҳарбий ва давлат сирларини қатъий сақлашни;

- ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳарбий низомларда кўрсатиб берилган ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлашни, жанговар биродарликни мустаҳкамлашни;

- командирларга (бошлиқларга) ва бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, ҳарбий салом-алик ва хушфезъллик қоидаларига риоя қилишни;

- жамоат жойларида ўзини муносиб тутишни, номуносиб хатти-ҳаракатлардан ўзини ва бошқаларни тийиб қолишни ва фуқароларнинг ор ва номусини ҳимоя қилишни талаб этади.

Юксак ҳарбий интизомга:

- ҳарбий хизматчиларда юксак ахлоқий-руҳий ва жанговар фазилатларни тарбиялаш, командирларига (бошлиқларига) онгли тарзда бўйсунитиш;

- ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз мажбуриятлари ва ҳарбий низомлар талабларини бажаришга шахсий масъулияти;

- ҳарбий қисмда (бўлинмада) ички тартибга бўйсунитиш, барча ҳарбий хизматчилар томонидан кундалик режимга қатъий риоя қилиш;

- жанговар тайёргарликни пухта ташкил этиш ва у барча шахсий таркибни қамраб олиши;

- командирларнинг (бошлиқларнинг) ўз қўл остидагиларга кундалик талабчанлиги ва уларнинг ижрочилигини назорат қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг шаънини ҳурмат қилиш ва бу ҳақда доимий қайғуриш, ишонтириш, мажбурлаш, жамоатчилик таъсири каби омилларни тўғри уйғунлаштириш ва ўрнида қўллаш;

- ҳарбий қисмда (бўлинмаларда) зарур моддий-маиший шароитларни яратиш орқали эришилади.

Ҳарбий қисмдаги интизомнинг аҳволига командир ва унинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари жавобгардир, улар доимо юқори ҳарбий интизомни ушлаб туриши, ўз қўл остидагилардан унга риоя

қилишни талаб этишлари, муносибларни тақдирлаб, лаёқатсизларга қаттиқ, лекин адолатли таъзир чоралари кўрмоқлари керак.

Ҳарбий қисмда (бўлинмада) юқори ҳарбий интизом жорий этиш учун командир:

- қўл остидагиларнинг шахсий фазилатларини ўрганиши, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳарбий низомларда кўрсатиб берилган қоидалар асосида қўллаб-қувватлаши; ҳарбий жамоани жипслаштириш, турли миллатга мансуб ҳарбий хизматчилар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаши;

- шахсий таркибдаги ҳарбий интизом ва ахлоқий-руҳий ҳолатни билиши, қўл остидагиларнинг командирлар (бошлиқлар) талаби ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича вазифа ва усулларини яхдил англаб этишларига эришиши, уларнинг ҳарбий интизомни мустаҳкамлашига раҳбарлик қилиши ва шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини билиши, рағбатлантириш ва интизомий таъзир чораларини қўллаш амалиётига ўргатиши;

- хизматни ўташ қоидаларининг бузилиши ҳолларини зудлик билан бартараф этиши, ҳарбий қисм (бўлинма) жанговарлигига раҳна солувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг қатъият билан олдини олиши, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориши ва жиноят, бошқа кор-ҳол ва хатти-ҳаракатларни огоҳлантириш бўйича иш олиб бориши;

- қўл остидагиларни ҳарбий интизом талабларини сўзсиз бажариш ва юксак ижрочилик руҳида тарбиялаш, уларда шахсий ғурур, ҳарбий шаън ва ҳарбий бурч туйғусини ўстириши ва қўллаб-қувватлаши;

- ҳарбий қисм (бўлинма)да ҳарбий интизомнинг, айниқса ҳарбий хизматчилар орасида ўзаро муносабатларда Низом қоидаларининг, ижтимоий адолат кўринишларининг бузилишига муросасизлик кайфияти яратилиши ва бунда ошкоралиқдан кенг фойдаланиши;

- ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ҳолати ва ҳарбий интизомини мунтазам таҳлил қилиб бориши; ўз вақтида ва ҳолислик билан бу ҳақда ўзидан юқори лавозимдаги командир (бошлиқ)га ҳисобот бериши, жиноят ва корҳолларда эса зудлик билан хабар қилиши лозим.

Ҳарбий хизматчининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси тўғрисида кайғуриш, унинг шахсиятини, миллий ғурурини ҳурмат қилиш командир (бошлиқ)нинг муҳим вазифасидир. Ҳарбий интизомнинг бузилиши, жиноят ва бошқа хатти-ҳаракатларни хаспўшлашга хизмат қилган командир (бошлиқ) жавобгарликка тортилади.

Командир (бошлиқ) ўз қўл остидагиларга яқин бўлиши, уларнинг талаб ва эҳтиёжини билиши ва унинг қондирилишига эришиши, қўл остидагиларнинг шахсий ғурурини топталмаслиги ва ерга урилмаслигини таъминлаши, уларга доимо қонун, ҳарбий низом ва буйруқларни қатъий бажаришда намуна бўлиши, ахлоқий покизалик, ҳалоллик, камтарлик ва тўғрилиқда ўрнак бўлиши лозим. Ҳар бир ҳарбий хизматчи унинг ҳуқуқлари ва қонуний эҳтиёжларининг ҳимоя қилинишига тўла ишониши, командир (бошлиқ) томонидан унинг шахсиятига даҳлсизлик

таъминланишига, ўз шаъни ва ғурури ҳурматланишига ғамхўрликни ҳис қилиши керак.

Командир (бошлиқ)нинг ҳарбий интизомни таъминлаш борасидаги фаолияти ҳарбий қисм (бўлинма)даги қонунбузарликларнинг умумий миқдори билан эмас, балки улар томонидан қонунлар ва ҳарбий низомларга тўла риоя қилиш, ўзининг интизомий ҳокимиятидан тўла фойдаланиши ва тартиб ўрнатиш учун ўз вазифасини бажариши ҳамда ҳарбий интизом бузилишининг ўз вақтида олдини олиши билан белгиланиши керак.

Ҳарбий интизомни бузган бирор кимса ҳам жавобгарликдан бўйин товламаслиги ва бегуноҳ бирор кимса ноҳақ жазога тортилмаслиги керак.

Ҳарбий интизом низоми тартиблари ва талабларига риоя қилиш учун зарур шарт-шароит яратиб бермаган, уларни амалга ошириш тадбирларини кўрмаган командир (бошлиқ) жавобгарликка тортилади.

Командир (бошлиқ) фаолиятининг бевосита натижаси сифатида юз бермаган жиноят, ҳодиса ва қор-ҳол учун ёки уларнинг олдини олиш тўғрисидаги огоҳлантиришидан сўнг ҳам чора кўрилмаган ҳолларда, у жавобгар бўлмайди.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи тартиб ва интизом ўрнатилишида командирга (бошлиққа) кўмакчи бўлиши керак. Бу ишдан бўйин товлаган ҳарбий хизматчи жавобгарликка тортилади.

Яккабошлиқликнинг асосий принципи командир (бошлиқ)нинг буйруқ бериш ҳуқуқи ва унинг қўл остидагиларнинг сўзсиз бажаришига асосланади. Командир (бошлиқ)га очикчасига бўйин эгмаслик ёки қаршилиқ кўрсатиш ҳоллари юз берганда, тартиб ва интизомни тиклаш учун у айбдорни қонун ва ҳарбий низом доирасида барча мажбурлаш чораларини қўллаш, ҳатто қамоққа олиши ва уни жинойий жавобгарликка тортиши мумкин. Бундай ҳолда қурол жанговар вазиятда, тинч даврда эса фавқулодда ҳолатларда, ноиложлик шароитида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ички хизмат Низоми талаблари доирасида қўлланиши мумкин.

Рағбатлантириш ва интизомий таъзирлар кўришга «алоҳида ҳолатларда интизомий таъзирлар кўриш» қисмида бевосита бошлиқ ва бошлиқларгина эга.

Кичик лавозимдаги бошлиқларга берилган интизомий ваколатлар ҳар доим катта бошлиққа ҳам тааллуқлидир.

Вақтинча вазифасини бажариш ҳолларида командир (бошлиқ)лар буйруққа кўрсатилган лавозим бўйича интизомий ҳокимиятга эга бўладилар.

Бўлинма, ҳарбий қисм ва кўшин командирининг ўринбосарлари, кема командирининг ёрдамчилари ўз қўл остидагиларга нисбатан интизомий ҳукм ўтказишда бевосита бошлиқларига нисбатан бир поғона паст ҳуқуқларга эгадирлар.

Бригада командири ўринбосари ва ундан қуйи лавозимдаги офицерлар бўлинмалар ё командалар билан бошлиқ сифатида сафарга чиққанларида, шунингдек, ўз қисми турган жойдан ташқарида ҳарбий қисм

командири буйруғида белгиланган топшириқларни мустақил бажараётган ҳолларда ўзи эгаллаб турган лавозимидан бир поғона юқори интизомий ҳокимиятга эга бўлади.

Бошлиқлар томонидан тайинланган ҳарбий хизматчилар қуйидаги интизомий ҳокимиятга эга бўладилар: аскарлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар — рота (команда) старшинаси ҳокимиятига; старшина, кема бош старшинаси, прапоршчик ва мичман унвонидагилар — взвод (гурух) командири ҳокимиятига; взвод (гурух) командири унвонидаги прапоршиқлар ва мичманлар — рота командири ҳокимиятига эга бўладилар.

Ҳарбий билим юртлари тингловчилари ва курсантларининг командирлари — офицерлари ўз қўл остидагиларга нисбатан интизомий ҳукм чиқаришда ўз лавозимларидан бир поғона юқори лавозим ҳокимиятига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига нисбатан, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўз қўл остидаги қўшинлар ҳарбий хизматчиларига нисбатан ушбу Низомдаги интизомий ҳокимиятга тўла эгадирлар.

II. РАҒБАТЛАНТИРИШЛАР ВА ИНТИЗОМИЙ ТАЗИРЛАР

Рағбатлантиришлар

Рағбатлантириш ҳарбий хизматчиларни тарбиялашнинг ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир.

Ҳар бир командир (бошлиқ) ушбу Низомда берилган ҳуқуқлар доирасида ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчиларни кўрсатган жасорати, фойдали ташаббуси, тиришқоқлик ва аъло хизмати учун рағбатлантириши лозим.

Агар командир (бошлиқ) ўрناق кўрсатган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш бўйича ўз ҳуқуқларини етарли деб ҳисобламаса, у рағбатлантириш бўйича ўзидан катта командир (бошлиқ)га мурожаат қилиши мумкин.

Ҳарбий бурчини бажаришдаги жасорати ва мардлиги, қўшинларга намунали раҳбарлиги ва бошқа Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлати олдидаги беқиёс хизматлари учун, жанговар тайёргарликдаги юқори натижалари, янги қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг намуналарини аъло даражада ўзлаштирганлиги учун бошлиқлар бригада командири томонидан, унга тенглар ва ундан юқори лавозимдагилар, шунингдек, интизомий ҳокимиятга эга бўлган батальон командири мавқеидаги, алоҳида ҳарбий қисм командирлари ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчиларни давлат мукофотларига тақдим этиш учун тавсия бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Рағбатлантиришларни қўллаш тартиби

Командирлар (бошлиқлар) рағбатлантиришни алоҳида ҳарбий хизматчига нисбатан ҳамда бўлинманинг шахсий таркиби, ҳарбий қисмга нисбатан ҳам қўллашлари мумкин.

Битта намунали иш учун фақат бир марта рағбатлантирилади. Рағбат шакли танланганда ҳарбий хизматчининг намунали жиҳатлари ёки хизматининг ўрни, шунингдек, хизматга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Олдин интизомий таъзир олган ҳарбий хизматчи унинг бекор қилиниши билан тақдирланади. Интизомий таъзирнинг бекор қилиниши ҳуқуқи уни жорий этган командирда (бошлиқда), шунингдек, ундан кам интизомий ҳокимиятга эга бўлмаган бевосита бошлиқда бўлади.

Бир вақтнинг ўзида ҳарбий хизматчидан битта интизомий таъзир бекор қилиниши мумкин.

Командир (бошлиқ) интизомий таъзирни, қачонки у тарбиявий роль ўйнагач ва ҳарбий хизматчи ҳарбий бурчни бажаришда намунали ҳуқуқи билан ўзини кўрсатгач бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Интизомий таъзирнинг бекор қилиниши - ҳарбий унвон (лавозим)дан пасайтириш - чақириқ бўйича хизмат ўтаётган, ҳарбий унвон (лавозим)дан пасайтирилганига камида уч ой бўлган ҳарбий хизматчиларга нисбатан жорий этилади.

Интизомий таъзирнинг бекор қилиниши - ҳарбий лавозимдан пасайтириш - шартнома асосида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларда ва офицерларда қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

- аскар, матрос, сержант ва старшиналарда - олти ойдан кейин;
- прапоршик, мичман ва офицерларда - лавозимидан пасайтирилгандан камида бир йил кейин.

Чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган, ҳарбий унвони пасайтирилган сержант ва старшиналар эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар олдинги ҳарбий унвонига интизомий чорани бекор қилиш билан бир вақтда тикланадилар.

Интизомий таъзир - ҳарбий хизматчининг лавозимидан пасайтириш бекор қилиниши унинг олдинги лавозимига тикланиши билан бир вақтда юз бермаслиги ҳам мумкин.

Рағбатлантириш - **миннатдорчилик билдириш** - алоҳида ҳарбий хизматчига нисбатан, шунингдек, бўлинманинг, ҳарбий қисмнинг барча шахсий таркибига нисбатан ҳам қўлланилади.

Рағбатлантириш - ҳарбий хизматчининг юртига ёки хизматгача бўлган иш (ўқув) жойига унинг ҳарбий бурчни намунали бажараётгани ва рағбатлантириш олганлиги тўғрисида хабар бериш орқали, шунингдек, у муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳам қўлланилади, бунда унинг юртига ёки олдинги иш (ўқув) жойига ҳарбий бурчни намунали

бажараётгани ва рағбатлантириш олганлиги тўғрисида миннатдорчилик хати тарзида жўнатилади.

Рағбатлантириш - Фахрий ёрлик билан, қимматбаҳо совға ёки пул билан мукофотлаш - барча ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади ва у миннатдорчилик билдириш билан бир вақтда ўтказилиши, бунда фахрий ёрлик билан алоҳида ҳарбий хизматчилар ҳам, бўлинманинг, ҳарбий қисмнинг барча шахсий таркиби мукофотланиши ҳам мумкин, қоидага кўра бундай тақдирлаш ўқув даврининг якунида (ўқув йилининг), захирага бўшатишда (истеъфога чиққанда), шунингдек, мусобақа (тортишув) якунлари чиқарилганда амалга оширилади.

Рағбатлантириш - ҳарбий қисм Жанговар Байроғи олдида ҳарбий хизматчининг шахсий суратини олиш билан мукофотлаш - солдат, матрос, сержант ва старшиналарга нисбатан қўлланилади.

Бу рағбатлантириш қўлланилган ҳар бир ҳарбий хизматчига икки дона сурат топширилади (ҳарбий хизматчи парад-байрам либосида, қуролланган ҳолда суратга тушади), суратнинг орқа томонида кимга ва нима учун берилгани ёзиб қўйилади.

Рағбатлантириш - муддатидан олдин ҳарбий унвон бериш ва штат бўйича эгаллаб турган лавозимидаги ҳарбий унвонидан бир поғона юқори унвон бериш - давлатни ҳимоя қилишда кўрсатилган юксак ахлоқий-жанговар фазилатлари, жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) фаолияти ёки ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини бажаришда жанговар тайёргарликдаги аъло кўрсаткичлар ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун берилади.

Аълочининг кўкрак нишони билан бутун ўқув даврида аълочи бўлган солдат, матрос, сержант, старшиналаргина ва бутун ўқув йили мобайнида аълочи бўлган ҳарбий билим юртининг курсантлари тақдирланади.

Рағбатлантириш - **ҳарбий қисм Ҳурмат китобига киритиш** - куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- муддатли хизматдаги аскар, матрос, сержант ва старшиналарга хизматни ўташдаги юқори интизом ва онглилик намунаси ва жанговар тайёргарликдаги аъло натижалари учун захирага бўшатишдан олдин (ҳарбий ўқув юртлари курсант ва тингловчилари - ўқув йили якунида);

- шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчи Қуролли Кучлар сафидаги намунали хизмати учун, шунингдек, хизмат бурчини бажаришдаги алоҳида ўрнатилган кўрсатилган барча ҳарбий хизматчилар - хизматнинг бутун муддати ичида.

Ҳарбий қисм (кема) Ҳурмат китобига номи ёзилиши тўғрисида эълон қилинганда ҳарбий хизматчига ҳарбий қисм (кема) командирининг имзоси билан мақтов ёрлиғи топширилади, муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчининг фамилияси, исми, отасининг исми ҳарбий қисм (кема) Ҳурмат китобига киритилиши тўғрисида унинг юртига ёки хизматдан олдинги иш (ўқув) жойига хабар қилинади.

Рағбатлантириш - муддатли хизматдаги солдат, матрос, сержант ва старшиналарга (ҳарбий ўқув юрти курсантлари бундан истисно) қисқа муддатли таътил бериш - йўлга кетган вақт ҳисобга олинмасдан 10 суткагача таътил жанговар тайёргарликдаги аъло натижалари, хизматдаги тиришқоқлиги ва ўрناق бўлганлиги учун берилади.

Номи ёзилган совуқ ва ўқотар қурол билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат олдидаги алоҳида хизматлари ва жанговар жасорати учун алоҳида ўрناق кўрсатган офицерлар учун фахрли мукофот ҳисобланади. Номи ёзилган қурол қилич, кортик, пистолет ёки ов милтиғи бўлиши мумкин. Қуролда тегишли ёзувдан ташқари мукофотланганнинг фамилияси, исми, отаси исмининг бош ҳарфлари ва ҳарбий унвони кўрсатилади. Ёзув қуролнинг ўзига ёки қуролга бириктирилган металл пластинага, қин ёхуд қопчиққа бажарилиши мумкин.

Рағбатлантириш саф олдида, ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишида (кенгашида) буйруқ билан ёки шахсан эълон қилинади.

Рағбатлантиришлар тўғрисидаги буйруқларни эълон қилиш, шунингдек, ўрناق кўрсатганларни мукофотлаш одатда тантанали вазиятда амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ билан бир вақтда қоидага кўра, фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совғалар ёки пул, ҳарбий қисм Жанговар Байроғи олдида олинган ҳарбий хизматчининг шахсий сурати, аълочининг кўкрак нишонлари топширилади, шунингдек, хизмат бурчини намунали ўтказётгани тўғрисида ҳарбий хизматчининг юртига ёки олдинги иш (ўқув) жойига юбориладиган хатнинг матни ўқиб эшиттирилади.

Ҳарбий хизматчи тегишли командир (бошлиқ) томонидан интизомий таъзир чораси бекор қилинганча ёки унга охириги таъзирдан сўнг бир йил ўтгач ва бу муддатда у бошқа ножўя хатти-ҳаракатга йўл қўймаган бўлса (ушбу Низомнинг 38-моддасидаги ҳолатлардан ташқари), у интизомий таъзирга тортилмаган ҳисобланади.

Интизомий таъзирлар

Ҳарбий интизомни бузгани ва маъмурий қонунбузарлик учун ҳарбий хизматчи шахсан жавобгардир.

Ҳарбий хизматчи томонидан ҳарбий интизом бузилганда ёки маъмурий қонунбузарлик содир этилганда командир (бошлиқ) унинг масъулияти ва ҳарбий бурчи тўғрисида огоҳлантириш билан чекланиши мумкин, зарурат тақозо этганда эса интизомий таъзир бериши мумкин. Бунда у берилган таъзир интизомни мустаҳкамлаш ва ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш чораси сифатида содир этилган ножўя хатти-ҳаракати оғирлиги ва қилинган айби даражаси командир (бошлиқ) томонидан ўтказилган текширув натижасига кўра мос келишини инобатга олиши керак.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий интизомни бузиши, жамоатчилик муҳокамаси ва маъмурий қонунбузарлик хатти-ҳаракатларига йўл қўйганлиги командир (бошлиқ)нинг қарори билан қуйидаги тарзда кўриб чиқилади ва муҳокама қилинади:

аскар ва матрослар — шахсий таркиб йиғилишида;

сержант ва старшиналар — сержант ва старшиналар йиғилишида;

прапоршик ва мичманлар — прапоршик ва мичманлар йиғилишида;

ҳарбий хизматчи аёллар — хатти-ҳаракати муҳокама қилинаётган ҳарбий хизматчи аёллар ҳарбий унвони (лавозими)дан паст бўлмаган ҳарбий унвон (лавозим)даги ҳарбий хизматчи аёллар йиғилишларида;

офицерлар — офицерлар йиғилишларида.

Бундан ташқари, офицерлар, прапоршиклар, мичманларнинг хатти-ҳаракати офицерлар, прапоршиклар ва мичманларнинг ўртоқлик номус судларида кўрилиши мумкин.

Офицерлар, прапоршиклар ва мичманларнинг хатти-ҳаракатларни ўртоқлик номус судларида кўриб чиқиш тўғрисидаги қарор суд ташкил қилинган ҳарбий қисм командирлари томонидан, шунингдек, уларнинг катта бошлиқлари томонидан қабул қилинади.

Офицер, прапоршик, мичманларнинг ножўя хатти-ҳаракатини ўртоқлик номус судларида кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва уларга бир вақтнинг ўзида шу хатти-ҳаракати учун интизомий таъзир бериш тақиқланади.

Орқага суриб бўлмайдиган ҳолатларда зобитни ўз лавозимидан бўшатиш мумкин.

Офицерларни ўз лавозимидан бўшатиш, уларни шу лавозимга тайинлаш ҳуқуқи берилган командирлар (бошлиқлар) томонидан амалга оширилади.

Ўз қўл остидагини лавозимидан четлатган командир (бошлиқ) бу ҳақда зудлик билан лавозимдан четлатишга сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида батафсил баён этиб ҳисоб бериши лозим.

Қўл остидагини ўз лавозимидан етарли асоссиз четлатган командир (бошлиқ) бу учун жавобгарликка тортилади.

Интизомий таъзир бериш тартиби

Ҳарбий интизомни бузган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳарбий хизматчига фақат ушбу Низомда белгиланган ва унинг ҳарбий унвонига тегишли интизомий таъзирлар ва уни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилган командир (бошлиқ)нинг интизомий ҳокимияти доирасида чора кўрилади.

Командир (бошлиқ) томонидан ўз қўл остидагига интизомий таъзир беришдан олдин бу ҳол муҳокама этилиши керак. У айбдор шахсларни воқеа содир бўлишига олиб келган сабаб ва шароитларни аниқлаш учун ўтказилади.

Муҳокамада командир (бошлиқ) қуйидагиларни аниқлайди:

- чиндан ҳам воқеа содир бўлганми;
- қачон ва қаерда, қай вазиятда ва қандай мақсад билан у содир этилди;
- у қандай юз берди;
- конкрет шахслар хатти-ҳаракатидаги айб ва воқеа бир неча киши томонидан содир этилганда ҳар бирининг айби;
- воқеанинг асоратлари қандай, айбдорнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар; воқеани содир этишга хизмат қилган сабаб ва шароитлар.

Муҳокама чоғида ҳарбий хизматчининг хатти-ҳаракатида жиноят таркиби борлиги аниқланса, ҳарбий қисм командири ҳарбий прокурорни хабардор қилади, зарурат тақозосидан жиноий иш қўзғаб, тергов бошлайди.

Интизомий таъзир чораси ва айби аниқланаётганда қуйидагилар эътиборга олинади: хатти-ҳаракатнинг характери, у содир этилган ҳолат, унинг оқибатлари, айбдорнинг олдинги хулқи, шунингдек, унинг ҳарбий хизматни ўташ давомийлиги ва унинг хизмат ўташ тартибини билиш даражаси.

Интизомий таъзирнинг қаттиқлиги, агар воқеа жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ва бошқа хизмат вазифаларини бажаришда, маст ҳолатда ёки тартибни жиддий бузишга олиб келса, кучаяди.

Ножўя хатти-ҳаракатга йўл қўйган ҳарбий хизматчига интизомий таъзир бериш ёки тавсия қўзғаш 89-моддага биноан қоида бўйича 1 суткадан кейин, лекин бу воқеа ҳақида командирга (бошлиққа) маълум бўлгандан кейин, 10 кун ичида амалга оширилиши керак. Командир (бошлиқ) интизомий таъзир қўллаш чоғида ўз қўл остидагининг шахсий иззат-нафсини ерга урмаслиги ва қўполликка йўл қўймаслиги керак.

Командир (бошлиқ)нинг ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчига огоҳлантириш, танбеҳ ёки қаттиқ кўрсатма бериши хизматдаги йўл қўйган камчиликлари учун интизомий таъзир ҳисобланмайди.

Ўзини айбдор билмаган ҳарбий хизматчи интизомий таъзир берилган муддатдан бошлаб 10 сутка ичида шикоят қилиши мумкин.

Суткалик наряд таркибидаги (ҳарбий жанговар навбатчилик) ўтаётган хизматни бажариш вақтида содир этган хатти-ҳаракати учун интизомий таъзир бериш наряд (жанговар навбатчилик) сменаси алмашгандан сўнг ёки уни бошқа ҳарбий хизматчи билан алмаштирилгандан сўнг, лекин бир суткадан кейин амалга оширилади.

Маст ҳолатдаги ҳарбий хизматчига интизомий таъзир қўллаш, шунингдек, ундан бирор бир тушунтириш олиш у хушига келгунча кечиктирилади. Бундай ҳолда зарурат тақозо қилганда у гауптвахтага ёки вақтинча ушланганлар камерасига 1 сутка муддат билан ётқизилади, шундан кейин унинг жавобгарлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Бир ножўя хатти-ҳаракат учун бир неча интизомий таъзир бериш ёки бир таъзирни иккинчиси билан қўшиб юбориш, бевосита айбдорларни жазолаш ўрнига бутун шахсий таркибга таъзир бериш, шунингдек, номаълум муддатга банди қилиш тақиқланади.

Агар командир (бошлиқ) ўз қўл остидаги содир этган хатти-ҳаракатининг оғирлигидан келиб чиқиб, ўз интизомий ҳокимиятини етарли деб билмаса, унда айбдорга таъзир бериш учун катта командир (бошлиқ) ҳокимиятига тавсия беради.

Командир (бошлиқ) ўзига берилган интизомий ҳокимиятни ошириб юборса, бунинг учун жавобгарликка тортилади.

Катта командир (бошлиқ) кичик командир (бошлиқ) томонидан берилган интизомий таъзирни қаттиққўллик нуқтаи назаридан унга берилган ҳокимият даражасидан ошмаган бўлса, таъзирни бекор қилиш ёки юмшатиш ҳуқуқи берилмайди.

Катта командир (бошлиқ) кичик командир (бошлиқ) томонидан берилган таъзир содир этилган хатти-ҳаракат оғирлигига тўғри келмайди, деб билса, уни бекор қилиш ҳуқуқига эга ва қаттиқроқ таъзир бериши мумкин.

Содир этган жинояти ва давлатга етказган зарари учун интизомий таъзирга тортилган ҳарбий хизматчи жинойи ва моддий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Интизомий таъзирларни ижро этиш тартиби

Интизомий таъзирлар қоидаги кўра зудлик билан ижро этилади ва фавқулотда ҳолатларда 1 ой ичида ижро этилади. Бир ойлик муддат тугагач, таъзир ижро этилмайди, лекин у ҳақдаги қайд хизмат варақасида сақланади. Ушбу ҳолатда берилган таъзир ижро этилмай қолишига айбдор бўлган шахс жавобгар бўлади.

Шикоят берилган тақдирда интизомий таъзирни ижро этиш тўхтатилмайди, катта командир (бошлиқ)нинг уни бекор қилиш ҳақидаги буйруғидан сўнг тўхтатилади.

Берилган интизомий таъзирларнинг тартиби ва қўлланилиши ушбу Низомда кўрсатилмаган бўлса, унда:

- аскар, матросларга - шахсан ва саф олдида;
- сержант ва старшиналарга - шахсан, йиғилишда ёки сержант ва старшиналар сафи олдида;
- прапоршик ва мичманларга - шахсан, прапоршик ва мичманларнинг йиғилишида, шунингдек, прапоршик, мичман ва офицерлар йиғилишда;
- офицерларга - шахсан, кўрсатма орқали ёки йиғилишда (катта офицерларга - катта офицерлар иштирокида, олий офицерларга - олий офицерлар иштирокида). Бундан ташқари, интизомий таъзирлар буйруқ орқали ҳам эълон қилиниши мумкин.

Командирлар (бошлиқлар)га ўз қўл остидагилар ҳузурида интизомий таъзир бериш тақиқланади.

Ҳарбий хизматчига интизомий таъзир эълон қилинганда жазолашга олиб келган сабаблар ва ҳарбий интизомни ёки жамоат тартибини бузилиш сабаблари кўрсатилади.

“Ҳайфсан” дастлабки интизомий таъзир ҳисобланади ва ушбу Низомнинг 91-моддасига кўра ҳарбий хизматчига эълон қилинади.

“Қаттиқ ҳайфсан” фақат саф олдида, йиғилишда ёки буйруқ орқали эълон қилинади.

“Ҳарбий қисм ҳудудидан навбатдаги жавоб беришдан маҳрум қилиш” муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни хизмат заруратисиз ҳарбий қисм ҳудудидан 7 суткагача чиқишини тақиқлайди, жумладан (бўлинма таркибида) жамоа бўлиб ҳарбий шаҳарчадан ташқарида жойлашган маданий истироҳат ўчоқларига ва дам олиш жойларда қатнашишини ман этади.

Интизомий таъзир – **“иш учун навбатдан ташқари нарядга жўнатиш”** - рота (команда) старшинаси ёки взвод командирининг ўринбосари томонидан ижро этилади.

Муддатли хизматдаги аскар ва матрослар, шунингдек, ҳарбий ўқув юртининг курсантлари ишга навбатдан ташқари нарядга тайинланганда ўз бўлинмаси ёки ҳарбий қисмда машғулотлардан бўш вақтда, ҳафтанинг ҳар қандай куни бу ишни бажаришга жалб этиладилар. Бир иш нарядининг вақти суткада 4 соатдан ошмаслиги керак. Иш тунги уйқу вақтигача бажарилиши лозим.

“Гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилиш” энг оғир таъзир чораларидан ҳисобланади ва ҳарбий хизматчи томонидан кўпол интизомий хатти-ҳаракат содир этилганда ёки командир (бошлик)нинг бошқа чоралари самарасиз бўлганда қўлланилади.

Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган ҳарбий хизматчига нисбатан гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилиш қўлланилмайди.

Гауптвахтада ушлаб туриш учун банди қилиш тартиби 5-иловада баён қилинган.

“Аълочининг кўкрак нишонидан маҳрум қилиш” тегишли интизомий ҳоқимиятга эга бўлган командир (бошлик)нинг ёзма буйруғи билан эълон қилинади ва қуйидаги тарзда ижро этилади:

- аскар ва матросларга нисбатан ҳарбий қисм сафи олдида;
- сержант ва старшиналарга нисбатан - сержант ва старшиналар сафи олдида.

Интизомий таъзир – **“хизматга нотаом нолойиқлиги тўғрисида огоҳлантириш”** - ҳарбий хизматчи штат бўйича эгаллаб турган лавозими даврида бир марта қўлланилади.

Агар бир йил муддат ичида ушбу таъзир қўлланилгандан кейин ҳарбий хизматчи ўз хулқини, ҳарбий бурчини намунали бажариш билан тўғриламаган бўлса ва таъзир ўзининг тарбиявий ролини ўтказолмаган бўлса, у ўрнатилган тартибда лавозимидан пасайтириш ёки ҳарбий хизматдан муддатидан олдин захирага бўшатишга тавсия этилади.

- Интизомий таъзир – **“ҳарбий унвонидан пасайтириш, шу жумладан уни қуйи лавозимга ўтказиш”** - тегишли интизомий ҳокимиятга эга бўлган командир (бошлиқ) буйруғи билан қўлланилади. Ҳарбий унвонидан бир поғона пасайтириш - интизомий таъзир қўлланилганда у эълон қилинган, тегишли нишонларни алмаштириш учун фурсат ажратилади. Погонларни узиш, ёрликларни кесиб олиш ва ҳарбий хизматчининг шахсини таҳқирловчи бошқа ҳаракатлар тақиқланади.

Интизомий таъзир – **“сержант ва старшиналарни сержант ва старшиналик унвонидан маҳрум қилиш”** - бош старшина ва қуйидагиларни - шу жумладан паст лавозимга ўтказиш муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади ва тегишли интизомий ҳокимиятга эга бўлган командир (бошлиқ) буйруғи билан эълон қилинади.

- Интизомий таъзир – **“ҳарбий хизматдан муддатдан олдин захирага бўшатиш”** - ҳарбий хизматчи шаънига доғ туширувчи хатти-ҳаракат учун қўлланилади ва ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги» Қонуни талабларига жавоб беролмай қолган тақдирда қўлланилади.

3–МАВЗУ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ИНТИЗОМ УСТАВИ

Ўқув саволлари:

1-ўқув саволи: Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари.

2-ўқув саволи: Бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари.

I. Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари.

Ички ишлар органларининг Интизом Устави **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сонли қарори билан тасдиқланган.**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Интизом устави (кейинги ўринларда - Устав) ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларининг (кейинги ўринларда - ходимлар) хизмат интизомига қўйилаётган талаблар ва одоб-ахлоқ

қоидаларини белгилайди, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларининг қўлланилишини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда - ИИВ) халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш кўшинлари ва қоровул кўшинларида бошлиқлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом устави билан тартибга солинади.

Ички ишлар органларида хизмат интизоми ходимлар томонидан ушбу Устав талабларига қатъий ва сўзсиз риоя этишдан иборат.

Ички ишлар органларида хизмат интизоми ҳар бир ходимнинг юксак даражада англашига ва хизмат бурчини ҳамда қўйилган вазифа учун шахсий жавобгарлигини чуқур тушунишига асосланади.

Хизмат интизоми ҳар бир ходимни қуйидагиларга мажбур қилади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳайъати қарорларида белгиланган талабларни, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларни қатъий бажариш;

ички ишлар органи ходимининг қасамёдига содиқ бўлиш, "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" деган ўзининг хизмат бурчини сўзсиз бажариш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидоийлик билан хизмат қилиш;

ишониб топширилган табель қуроли, мол-мулк ва техникани асраб-авайлаш;

хушёр бўлиш, давлат ва хизмат сирини қатъий сақлаш;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатлар қоидаларига амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасбларни ҳурмат қилиш;

доимий равишда ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносиб равишда тутиш, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда намуна бўлиш.

Ички ишлар органларида юксак хизмат интизомига:

ходимларда юксак маънавий-ахлоқий ва ишчанлик хусусиятларини, хизмат бурчини бажаришга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш;

ҳар бир ходимнинг ўз хизмат бурчини бажаришга нисбатан шахсий масъулияти, ички тартиб ва хизмат кийимини кийиш қоидаларига қатъий риоя этиш;

бошлиқларнинг қўл остидаги ходимларга нисбатан кунлик талабчанлиги, уларга доимий ғамхўрлиги, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини оқилона уйғунлаштирган ҳолда ва асосли қўллаш;

ички ишлар органлари бўлинмаларида зарур моддий-маиший шароитларни яратиш орқали эришилади.

Одоб-ахлоқ қоидалари қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, ходимларнинг касб одоби ва хизматда ўзини тутишнинг асосий қоидалари умумий принциплари мажмуини ўз ичига олади.

Ички ишлар органлари сафига қабул қилинган кундан эътиборан ҳар бир ходим одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишга мажбур.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимнинг касбий фаолияти самарадорлиги ва хизматда ўзини тутишини баҳолашнинг мезонларидан бири ҳисобланади.

Ходим томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий талабларига амал қилиш қуйидагиларни назарда тутати:

фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, камтар ва босиқ бўлиш, уларнинг мавқеидан қатъи назар ҳеч бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотларнинг камситилиши ёки афзал кўрилиши ҳолатларига йўл қўймаслик;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳ ҳамда конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликка кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида, беғараз ва қонуний кўриб чиқиш;

ходимнинг ўз хизмат бурчини виждонан бажаришига нисбатан фуқарода шубҳа уйғотувчи хатти-ҳаракатдан тийилиш, шунингдек ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик.

Шахсий ваз ва бошқа субъектив сабаблар ходимлар томонидан қонунчилик талаблари ва одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига асос бўла олмайди.

Ходимлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиши ва фаоллик билан унинг профилактикасига кўмаклашиши шарт.

Ходимлар ўз бошлиғи ёки ваколатли органларга ўзларини бошқа шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишга ундаб муурожаат қилган ҳар бир ҳолат, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳар қандай ўзига маълум бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши зарур.

Ходим оиласида юзага келган низоларни қонунчилик талабларига қатъий амал қилган ҳолда ҳал этади.

Ходимнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилганда, унга ўз ваколатлардан фойдаланиб, аралаштириш тақиқланади.

Ходимлар хайрихоҳ, хушмуомала ва эътиборли бўлиши, фуқаролар ва ҳамкасбларига сабр-тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши зарур.

Ходимлар фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, шахнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш, асоссиз руҳий ва жисмоний таъсир ўтказиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ходимларнинг ташқи кўриниши иш шароити ва хизмат тадбири турини инобатга олган ҳолда, аҳолида ички ишлар органларига нисбатан ҳурмат уйғотиши, тоза ва ораста бўлиши зарур.

Ходимларга хизмат пайтида алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланади.

Ходимлар хизматдан ташқари пайтда умумий одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши, ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслиги зарур.

II. Бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари.

Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиққа бўйсунди.

Ходимлар хизмат бўйича бўйсунадиган, шу жумладан вақтинча бўйсунадиган раҳбарлар тўғридан-тўғри бошлиқлар деб ҳисобланади.

Ходимга энг яқин бўлган тўғридан-тўғри раҳбар бевосита бошлиқ ҳисобланади.

Бошлиқ ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида хизмат интизомига риоя этилиши ва тарбиявий ишлар самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Бошлиқ унга бўйсунувчи ходимлар томонидан Уставга амал қилинишига талабчан бўлиши, уларга юксак касбий маҳорат, қонунийлик талаблари ҳамда қасамдга риоя этиш борасида доимий равишда намуна кўрсатиши, уларни хизмат бурчи ҳиссини кучайтириш ва қўллаб-қувватлаши, ташаббус, интилиш ва хизматларини рағбатлантириши, шунингдек хизмат интизоми бузилган ҳолатларда жазо қўлланилишини таъминлаши зарур.

Буйруқ ва топшириқлар бўйсунтириш тартибида берилади. Юқори турувчи бошлиқ зарур ҳолларда ходимга бевосита бошлиғини хабардор қилмасдан буйруқ ёки топшириқ беришга ҳақли. Бундай ҳолларда ходим ўзининг бевосита бошлиғини бундан хабардор қилиши зарур.

Ноқонунийлиги яққол кўриниб турган ва хизмат фаолиятига алоқаси бўлмаган буйруқ ва топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди. Бошлиқ қўл остидаги ходимлардан уларнинг хизмат бурчи доирасидан чиқувчи топшириқларни бажаришни, шунингдек ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ходим якқол қонунга зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда зудлик билан юқори турувчи раҳбарият ёки хизматни ўташ жойидаги ўз хавфсизлиги бўлинмасига зудлик билан хабар беради.

Ходим юқори турувчи раҳбарият ёки ўз хавфсизлиги бўлинмасига хабар бериш имконияти бўлмаган тақдирда қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда ғайриқонуний буйруқ ва топшириқларни бажаришдан бош тортишга ҳақли, имкон пайдо бўлиши билан уларни хабардор қилиши лозим.

Бошлиқнинг буйруқ ва топшириқлари (якқол қонунга зид бўлганлари бундан мустасно) сўзсиз, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Буйруқ ва топшириқларни муҳокама этишга, шунингдек уларни танқид қилишга йўл қўйилмайди.

Ходим буйруқ ёки топшириқнинг бажарилгани тўғрисида буйруқ ёки топшириқ берган бошлиққа, шунингдек, бевосита бошлиғига ахборот беради.

Буйруқ ёки топшириқни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, ходим зудлик билан бу ҳақда буйруқ ёки топшириқ берган бошлиқни хабардор этиши шарт.

Бошлиқ ходимларни қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим. У ўз хизмат бурчини ўташ пайтида маҳаллийчилик ва таниш-билишчилик, шунингдек, бошқа салбий омилларнинг намоён этилишига барҳам бериши керак.

Бошлиқ қуйидагиларга мажбур:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш, ходимлар учун қулай ва муносиб меҳнат шароитларни яратиш ўз вақтида чораларини кўриш;

коррупция ва ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ходимларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга чек қўйиш чораларини кўриш;

шахсий таркибни самарали бошқариш, ходимларнинг хизмат фаолиятини холисона баҳолаш;

ўзига топширилган мол-мулк ва молиявий маблағларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

ходимларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, улар билан ўзаро яқин муносабат ўрнатиш, жамоани бирлаштириш, ходимлар томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, хизмат интизоми бузилишига муросасиз муносабатда бўлиш бўйича чораларни кўриш;

ходимларнинг, уларнинг оила аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат принципларига амал қилиш чораларини кўриш, юқори турувчи раҳбариятга қўл остидаги ходимларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш.

Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари.

Ходимларга нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

- а) миннатдорчилик эълон қилиш;
- б) қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш;
- в) Фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
- г) идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш;
- д) муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш;
- е) эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш.

Шунингдек, рағбатлантириш тариқасида Уставнинг 27-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида, 28-банди "а" ва "б" кичик бандлари билан назарда тутилган муқаддам қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин бекор қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларида мазкур Уставнинг 23-бандида кўзда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилади:

- а) таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш;
- б) Ҳурмат тахтасига киритиш;
- в) курсант (тингловчи)нинг ота-онаси ёки турар жойига миннатдорчилик хати юбориш;
- г) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири стипендиясини тайинлаш.

Алоҳида хизматлари учун ходимлар Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Ойлик иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устама ҳақлари ва ходимларнинг пул таъминотида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантиришга кирмайди.

Ходимларга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- а) танбех;
- б) ҳайфсан;
- в) қаттиқ ҳайфсан;
- г) лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима;
- д) махсус унвонини бир поғона пасайтириш;
- е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;
- ж) гаупвахтада ҳибсда ушлаб туриш;
- з) ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларида Уставнинг 27-бандида кўзда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари таълим муассасасининг белгиланган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув

дастурини қониқарсиз ўзлаштирган курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин:

а) навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш;

б) бир ой муддатгача таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

в) курсантлар (тингловчилар) рўйхатидан ўчириш.

Рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича бошлиқларнинг ваколатлари.

Бошлиқлар томонидан рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қўлланилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари, транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари бошлиқлари, минтақавий мувофиқлаштириш марказлари раҳбарлари, бригада ва батальон командирлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Уставнинг 23-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Уставнинг 27-банди "а" ва "б" кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари - департамент бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳамда таълим муассасалари бошлиқлари, шунингдек уларга тенглаштирилган раҳбарлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Уставнинг 23-банднинг "а", "б" ва "в" кичик бандларида ҳамда 24-бандида ("г" кичик бандидан ташқари) назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Уставнинг 27-банднинг "а", "б", "в" ва "г" кичик бандларида ҳамда 28-бандида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Уставнинг 23, 24, 27 ва 28-бандларида назарда тутилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди, шунингдек ходимларни Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларга ва давлат мукофотларига тақдим этади.

Ходимни лавозимга тайинлаш ваколатига эга бошлиқлар унга нисбатан Уставнинг 27-банди "е", "ж" ва "з" кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

Қўл остидаги ходимларига нисбатан ўз ваколатларига кирмайдиган рағбатлантириш чораларини қўллаш зарурияти туғилган ҳолда бошлик юқори турувчи раҳбариятга бу тўғрисида илтимоснома киритади.

Бошлик қўл остидаги ходим томонидан содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг ўта жиддийлиги сабабли уни лозим даражада жазолаш учун ўзига берилган ваколатларни етарли эмас деб ҳисобласа, у юқори турувчи раҳбариятга ходимга нисбатан оғирроқ интизомий жазо қўллаш тўғрисида илтимоснома киритади.

Интизомий жазо чорасини қўллашда ўз ваколатини оширган ёки Уставда назарда тутилмаган интизомий жазо чорасини қўллаган бошлик жавобгарликка тортилади, қўлланилган интизомий жазо эса юқори турувчи раҳбарият томонидан бекор қилинади.

Ходим хизмат сафари ёки даволанишда бўлган вақтда хизмат интизомини бузган тақдирда мазкур хатти-ҳаракатдан хабар топган бошлик бу ҳолатни бартараф этиш чораларини кўради ва бу ҳақда ходимнинг хизмат жойига хабар беради.

Рағбатлантириш чораларини қўллаш.

Рағбатлантириш чоралари алоҳида ходимга нисбатан ҳам, бир гуруҳ ходимларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ходимга нисбатан бир ютуғи учун фақат битта рағбатлантириш чораси қўлланилиши мумкин.

Рағбатлантириш чорасини белгилашда ходимнинг хизмат кўрсаткичлари хусусияти, шунингдек унинг илгари хизматга қандай муносабатда бўлганлиги эътиборга олинади.

Уставнинг 27-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо қўлланилган ходим мазкур жазони бекор қилиш орқали рағбатлантирилади. Интизомий жазони бекор қилиш ҳуқуқи уни қўллаган бошликқа ёки унга тенг ваколатга эга, шунингдек юқори турувчи ваколатли раҳбариятга берилади.

Рағбатлантириш чоралари, қоида тариқасида, қуйидагича қўлланилади:

миннатдорчилик эълон қилиш - юклатилган вазифани, бошликнинг буйруғи ёки топшириғини муваффақиятли бажарган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан;

қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш - ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани ва бенуқсон хизмати учун, шунингдек захирага (истеъфога) чиқиши муносабати билан ёки мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра;

Фахрий ёрлик билан тақдирлаш - ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани ва бенуқсон хизмати учун, шунингдек

мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра ва ўқишни (ўқув йилини) муваффақиятли якунлаганда;

идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш - ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми ва кўп йиллик бенуқсон хизмати, ички ишлар органлари тизимини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшгани, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатгани, шунингдек ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳиссаси қўшгани учун;

муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш ёки эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш - ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган қахрамонлиги, жасорати ва фидойилиги, ички ишлар органлари амалий фаолиятига салмоқли илмий ҳисса қўшгани (илмий даражани олганда), хизмат вазифаларини юксак даражада бажаришда намуна бўлгани учун (ички ишлар органларида хизмат ўташ масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ);

таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш - юклатилган вазифаларни, командирларнинг буйруқ ёки топшириқларини виждонан бажарган Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

Ҳурмат тахтасига киритиш - ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув дастурларини аъло баҳоларга ўзлаштирган Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

ота-онасига ёки турар жойига миннатдорчилик хати юбориш - ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув мавсумини аъло баҳолар билан якунлаган Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири стипендиясини тайинлаш - ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув интизомига риоя қилишда намуна бўлган, ўқув йилини аъло баҳолар билан якунлаган Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларининг курсантларига нисбатан.

Кўлланилган рағбатлантириш чораси буйруқ билан эълон қилинади. Миннатдорчилик эълон қилиш ва таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш буйруқ орқали ҳам, оғзаки ҳам эълон қилиниши мумкин.

Рағбатлантирилганлиги ҳақида ходимга шахсан, саф олдида ёки кенгайтирилган мажлис (йиғилиш)да тантанали тарзда эълон қилинади.

Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ эълон қилинган вақтда, қоида тариқасида, ходимларга фахрий ёрлик, қимматбаҳо совға ёки пул мукофотлари, кўкрак нишонлари топширилади.

42. Буйруқ билан эълон қилинган рағбатлантириш чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига киритиш орқали ҳисобга олиниши лозим.

Рағбатлантириш чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Интизомий жазо чораларини қўллаш

Уставда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Содир этилган ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо тайинланади.

Хизмат интизоми бир неча ходимлар томонидан бузилганда, интизомий жазо уларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида қўлланилади.

Содир этилганлиги маъмурий жазо тайинлашга олиб келган хатти-ҳаракатлар учун интизомий жазо қўллашга йўл қўйилмайди.

Интизомий жазо чоралари қўлланган ходимлар, агарда уларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби аломатлари бўлса, улар жиноий жавобгарликдан озод этилмайди.

Интизомий жазо чораларининг қўлланилиши асосли бўлиши ва содир этилган ножўя хатти-ҳаракат оғирлиги ҳамда айб даражасига мувофиқ келиши зарур. Интизомий жазо чораларини белгилаш чоғида ножўя хатти-ҳаракат хусусияти, содир этиш ҳолати, унинг оқибатлари, айбдорнинг бунгача бўлган хулқ-атвори, ички ишлар органларида хизмат ўтаган муддати, шунингдек юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Ходим томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракат унчалик аҳамиятга эга бўлмаса, бошлиқ унга нисбатан интизомий жазо чорасини қўлламаслиги ва бошқа бундай ҳолатларга йўл қўймаслик борасида оғзаки огоҳлантириш бериш билан кифояланиши мумкин.

Жамоада юзага келган низоли вазиятларни ҳал этиш, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадида ички ишлар органларида сайлов асосида интизомий кенгашлар ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда фаолият кўрсатади.

Интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, қуйидагича қўлланилади:

танбех - юклатилган вазифаларни ва бошлиқнинг топшириқларини бажармаган, хизмат кийимини кийиш ва фуқаролар ҳамда ҳамкасблари билан муомала маданияти қоидаларини бузган ходимларга нисбатан;

ҳайфсан - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Устав талабларини, хизмат гувоҳномасидан фойдаланиш қоидаларини бузган, белгиланган кун тартибига мунтазам равишда амал қилмаган ва хизмат мажбуриятларини бажармаган, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатган ходимларга нисбатан;

қаттиқ ҳайфсан - амалдаги "ҳайфсан" интизомий жазоси бўлган ходимларга нисбатан, хизмат интизомини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Устав талабларини тақроран бузгани учун;

лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима - амалдаги интизомий жазоси бор-йўқлигидан қатъи назар, хизмат интизомини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Устав талабларини қўпол равишда бузган, хизмат бурчига масъулиятсиз ёндашган, иш самарадорлиги паст бўлган ходимларга нисбатан;

махсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш - амалдаги интизомий жазоси бўлган, хизмат интизомини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Устав талабларини қўпол равишда бузган, хизматни ўташга лоқайдлик билан муносабатда бўлган, юклатилган хизмат мажбуриятларини бажармаган ходимларга нисбатан;

гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш - интизомий жазонинг қатъий чораси сифатида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш учун асос бўладиган ножўя хатти-ҳаракатни содир этган ходимларга нисбатан;

ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш - хизмат интизомини қўпол равишда бузган, ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этган, интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузган, қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаган ходимларга нисбатан;

навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим муассасаси худудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш - юклатилган вазифаларни ва командир (бошлик)нинг топшириқларини бажармаган, таълим муассасасининг ўрнатилган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

курсант (тингловчи)лар рўйхатидан ўчириш - Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларига нисбатан одоб-ахлоқ қоидаларини, хизмат интизомини бузганлиги, ўқув дастурини ўзлаштира олмаганлиги учун.

Амалдаги интизомий жазо бор-йўқлигидан қатъи назар, хизмат интизомини қўпол равишда бузган ходимга нисбатан ички ишлар органлари хизматидан бўшатишгача бўлган ҳар қандай интизомий жазо қўлланилиши мумкин.

Қуйидагилар хизмат интизомини қўпол равишда бузиш сирасига киради:

ходимнинг сабабсиз равишда узлуксиз уч кундан ортиқ муддатда хизмат жойида бўлмаслиги;

хизмат жойида алкоголь ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлиш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини бузишга, одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф туғдиришга олиб келувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш (агар бу жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса);

махфийлик тартиботи талабларини бузиш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса);

ходимга ишониб топширилган табель куроли ва унинг ўқларини, мол-мулк ва (ёки) техникаларни қасддан йўқ қилиш, зарарлантириш ёки унинг (уларнинг) йўқолишига олиб келган эҳтиётсизлик билан сақлаш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса);

махбуснинг ёки қўлга олинган шахснинг қочиб кетишига, пул маблағи ёки товар бойликларини ва хужжатларни йўқолишига сабаб бўлган пост ва конвой хизматини ўташ қоидаларини бузиш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

Ходим хизмат жойида алкоголь ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маст бўлгани сабабли интизомий жавобгарликка тортиш учун ушбу ҳолатни исботлаш мақсадида тиббий текширув натижаларига, агар ходим текширувдан бош тортса, камида икки ходим ёки бошқа шахслар кўрсатмаларига асосланилади.

Одоб-ахлоқ қоидаларини, шунингдек бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги муносабат қоидаларини кўпол равишда бузиш ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этиш ҳисобланади.

Жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларини очикдан-очик писанд қилмаслик билан боғлиқ бўлмаган оилавий келишмовчиликлар, жанжаллар ва маиший низолар ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат сирасига кирмайди.

Интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузиш деганда буйруқ асосида эълон қилинган амалдаги интизомий жазоси бўлган ҳолда ходим томонидан хизмат интизомини бир неча бор бузиш тушунилади.

Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо қўлланилганда, ходим ушбу ножўя хатти-ҳаракати учун ички ишлар органи хизматидан бўшатибмайди (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

Гауптвахтада ҳибсда сақлаш муддати сафдорлар, сержантлар ва кичик офицерлар таркиби ходимлари учун - 10 суткагача, катта офицерлар таркиби ходимлари учун - 5 суткагача ташкил этади.

Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

Интизомий жазо қўллашдан аввал ходимдан ёзма тушунтириш олиниши лозим. Агар ходим ушбу тушунтиришни беришдан бош тортса, тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилади.

Тушунтиришни беришдан бош торттиш ҳолати содир этилган қилмиш учун интизомий жазо тайинлашга тўсқинлик қила олмайди ва жазонинг оғирроқ кўриниши ва чораларини қўллашга олиб келмайди.

Интизомий жазо чораларини қўллаш пайтида бошлиқ ходимнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, у билан муносабатда кўполликка йўл қўймаслиги зарур.

Махсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тарзидаги интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, айбдорга бошқа интизомий жазо турлари тегишлича таъсир кўрсатмаган ҳолларда қўлланилади.

Интизомий жазонинг қўлланилиши ходимни ножўя хатти-ҳаракат оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат бошлиққа маълум бўлган кундан бошлаб бир ой муддат ичида, хизмат текшируви ўтказилганда эса - текширув тугаган кундан бошлаб 10 суткадан кечикмай қўлланилиши керак, бунда айбдорнинг хасталик ва таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмайди.

Интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бир йилдан ортиқ муддат ўтгандан кейин қўлланилиши мумкин эмас.

Маст ҳолатда бўлган айбдорга нисбатан интизомий жазо қўллаш, шунингдек ундан ҳар қандай тушунтириш олиш ходим ҳушёр ҳолга келгунча кечиктирилади.

Қўлланилган интизомий жазо чораси буйруқ билан эълон қилинади. Танбех, хайфсан, навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳам буйруқ орқали, ҳам оғзаки эълон қилиниши мумкин.

Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо қўллаш ҳақидаги қарор интизомий кенгаш ҳулосаси, шунингдек ўтказилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган хизмат, комплекс ёки инспекторлик текширувлари асосида қабул қилинади.

Интизомий жазо чораси қўлланилганлиги ҳақида ходимга шахсан, саф олдида ёки кенгайтирилган йиғилиш (мажлис)да эълон қилинади.

Амалдаги интизомий жазоси мавжуд бўлган ходим ушбу жазо бекор қилингунга қадар рағбатлантиришга, навбатдаги махсус унвон олишга ва юқори лавозимларга тайинланишга тақдим этилмайди.

Шикоят билан арз қилинган ҳолларда тайинланган интизомий жазони ижро этиш тўхтатилмайди.

Ходим интизомий жазо эълон қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида юқори турувчи бошлиққа ёки хизматни ўташ жойидаги ўз хавфсизлиги бўлинмасига шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

Буйруқ асосида тайинланган интизомий жазо тайинланган вақтдан бошлаб бир йил ўтгач бекор қилинади (агар ходим шу муддат ичида янги интизомий жазога тортилмаса). Рағбатлантириш тартибида жазо бир йил ўтмасдан бекор қилиниши мумкин.

Агарда бир йил ичида ходимга нисбатан бир неча интизомий жазо тайинланса, уларни бекор қилиш муддати охириги тайинланган интизомий жазо чораси санаси бўйича ҳисобланади.

Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига киритиш орқали ҳисобга олиниши лозим.

Интизомий жазо чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан ғайриқонуний ёки ноҳақ ҳаракатлари устидан юқори турувчи раҳбарият ёки хизмат жойидаги ўз хавфсизлиги бўлинмасига ёзма шикоят беришга ҳақли.

Ходимнинг шикоятида баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбарият ушбу мурожаатни беш кун муддатда ваколатли идорага юборади.

Юқори турувчи раҳбариятга ёки хизмат жойидаги ўз хавфсизлиги бўлинмасига қонунчиликни бузиш фактлари ёхуд ўзига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлинганлиги ҳақида мурожаат этгани учун қўл остидаги ходимни таъқиб этган бошлиқ интизомий тартибда жавобгарликка тортилади (агар унинг хатти-ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

Ходимларнинг шикояти бир ойгача бўлган муддатда ҳал этилади, қўшимча текширув талаб этмайдиганлари эса зудлик билан, бироқ келиб тушган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмаган ҳолда кўриб чиқилади.

Қасддан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ГАРНИЗОН ВА ҚОРОВУЛЛИК ХИЗМАТЛАРИ НИЗОМИ

Ўқув саволлари:

- 1. Умумий қоидалар.*
- 2. Қоровуллик хизматини ташкил этиш ва қоровуларни тайёрлаш.*

I. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровуллик хизматлари низоми тасдиқланган.

Ушбу Низом гарнизон ва қоровулаик хизматларини ташкил қилиш ва ўташ, ушбу хизматни ўтаётган гарнизон мансабдор шахслари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, қўшинлар иштирокида гарнизон тадбирлари ўтказиш тартибларини ўз ичига олади.

Низом чегара қўшинлари ва миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари, Ички ишлар вазирилиги ички қўшинлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа шунга дахлдор вазирликлари ва идоралари ҳарбий хизматчиларига ҳам дастуриламалдир.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий қисмлари штаблари, бошқармалари, муассасалари ва ҳарбий билим юр்தларининг барча ҳарбий хизматчилари ва мансабдор шахслари гарнизон ва қоровуллик хизматлари Низоми асосида фаолият кўрсатади.

Аҳоли пунктида ёки ундан ташқарида доимий ёки вақтинчалик жойлашган ҳарбий қисмлар гарнизонни ташкил қилади.

Катта гарнизонлар сафига, одатда, шу аҳоли пункти атрофида жойлашган барча ҳарбий қисмлар киради.

Ҳар бир гарнизонда гарнизон ва қоровуллик хизматлари ташкил қилинади.

Гарнизон хизматининг мақсади гарнизонда ҳарбий интизомни таъминлаш, кўшинларнинг ҳаёти ва тайёргарлиги учун зарур шароит, тревога бўйича уларнинг хатти-ҳаракат қилишини ҳамда кўшинлар иштирокида гарнизон тадбирлари ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Қоровуллик хизмати жанговар байроқларни, ҳарбий ва бошқа материаллар сақланадиган, қурол-аслаҳа омборларини, ҳарбий ва давлат объектларини, шунингдек, гауптвахта ҳамда ахлоқ тузатиш батальонларида сақланаётган шахсларни кўриқлаш учун ташкил қилинади.

Гарнизон хизмати ташкил этиладиган ҳудуд чегараси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири буйруғи билан белгиланади.

Бу чегарага кўшинлар жойлашган пунктлардан ташқари гарнизон ҳарбий қисми олдига қўйилган вазифаларни бажаришини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этадиган яқин атрофдаги бир неча аҳоли пунктлари ва туманлар ҳам кириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ҳарбий Кучлардаги гарнизон ва қоровуллик хизматларига раҳбарлик Мудофаа вазири томонидан, гарнизон ҳудудида эса гарнизон бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Тинчлик ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Кучлари бошқа давлат чегарасига кирган пайтда гарнизон ва қоровуллик хизматларига раҳбарлик, гарнизон чегараси Ўзбекистон Республикаси ва ўша давлат ўртасида халқаро шартномага биноан Ўзбекистон кўшинларининг ўша давлатда бўлиши мақомида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Гарнизон ва қоровуллик хизматларининг ҳолатига жавобгарлик ўша кўшинларнинг бевосита бошлиқлари зиммасига юклатилади. Бошлиқлар бевосита ўзига қарашли кўшинларда гарнизон ва қоровуллик хизматининг ҳолатини доимий равишда текшириб туришга, шунингдек, гарнизонларнинг бошлиқлари ва ҳарбий комендантлар билан гарнизонларда ҳарбий интизом ва қоидаларни яна ҳам мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ўтказиб туришга мажбурдир.

Гарнизон бошлиғининг гарнизон ва қоровуллик хизматини ташкил этиш ҳақидаги буйруғи шу гарнизон ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмлари, жамоалари ва ҳар бир ҳарбий хизматчиси томонидан сўзсиз бажарилиши шарт.

Кўшинлар полигон ва лагерларда жойлашган пайтларда ҳарбий интизомга амал қилиш тадбирлари, полигон ва лагерларни кўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ички хизмат Низоми ва ушбу Низом асосида амалга оширилади.

Гарнизон ва қоровуллик хизматларини амалга оширишга гарнизон таркибига кирган ҳарбий қисмлар жалб этилади.

Бундан буён қисқача «ҳарбий қисм» деб юритилади

Гарнизон ва қоровуллик хизматларига жалб этилмайдиган ҳарбий қисмлар рўйхати Мудофаа вазирлиги Бош штаби томонидан эълон қилинади.

Гарнизон ҳарбий қисмлар томонидан навбатма-навбат гарнизон ва қоровуллик хизматларини ўташ тартиби қисмларнинг таркиби ва вазифасига қараб гарнизон бошлиғи томонидан белгиланади.

Ҳарбий-ўқув юртлари гарнизон ва қоровуллик хизматларига ўқув режасида кўзда тутилган вақтлардагина жалб этиладилар.

Ҳарбий хизматчи-аёллар ҳарбий хизматчиларни дафн этиш маросимида ҳарбий ҳурмат кўрсатишда, ёдгорликларга, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун ҳалок бўлган аскарлар қабрига гуллар қўйишда ҳамда гарнизон тадбирларидагина иштирок этадилар. Улар гарнизон ва қоровуллик хизматларига жалб этилмайди.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи гарнизон ва қоровуллик хизматларини ўтаётганларга ёрдам кўрсатишга мажбур.

Патруль, ҳарбий автомобил назорати ёки қоровул хизмати пайтида қоида бузилганини сезган ҳарбий хизматчи бу ҳақда гарнизон ҳарбий комендантига ёки гарнизон навбатчисига (ҳарбий қисм навбатчисига, қоровул бошлиғига) ва ўзининг бевосита бошлиғига зудлик билан хабар бериши шарт.

II. Қоровуллик хизматини ташкил этиш ва қоровулларни тайёрлаш

Қоровуллик хизматини ўташ жанговар вазифани бажариш ҳисобланади ва шахсий таркибдан ушбу Низомнинг барча қоидаларига тўла амал қилишни, юксак ҳушёрлик, букилмас матонат ва ташаббускорликни талаб этади. Қоровуллик хизмати талабларини бузган айбдорлар ахлоқ тузатишга ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Қоровуллик хизматини ўташ учун қоровуллар тайинланади. Жанговар Байроқни, ҳарбий ва давлат объектларини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича жанговар вазифани бажараётган, шунингдек, гауптвахта ва ахлоқ тузатиш батальонларида сақланаётган шахсларни кўриқлаётган қуролланган бўлинма қоровул деб аталади. Қоровуллар гарнизон қоровули ва ички қоровул турларига бўлинади; улар доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин.

Гарнизон қоровули корпусга ва марказга бўйсунадиган объектларни кўриқлаш ва ҳимоя қилиш, ўзининг кўриқлаш бўлинмасига эга бўлмаган

умумгарнизон аҳамиятига молик объектларни, бир-бирига яқин жойлашган ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар объектларини, шунингдек, гарнизон гауптвахтасида сақланаётган шахсларни кўриқлаш учун ташкил қилинади.

Ички қоровул ҳар бир ҳарбий қисм объектларини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун тайинланади.

Самолётлар (вертолётлар) ва аэродромдаги авиация қисмининг бошқа объектлари авиация-техника қисмидан тайинланган ички қоровул томонидан кўриқланади ва ҳимоя қилинади.

Доимий қоровуллар қоровуллар жадвалида бўлади. вақтинчалик қоровуллар қоровуллар жадвалига ёзилмайди; улар ортилаётган ва туширилаётган ёки вақтинча оморда турган ҳарбий молларни кўриқлаш ва ҳимоя қилиш, турли транспорт воситаларида ташилаётган ҳарбий мулкларни кузатиш, шунингдек, бандилар ва маҳбусларни кўриқлаш учун гарнизон бошлиғи ёки ҳарбий қисм бошлиғининг буйруғи билан тайинланади.

Гарнизон қоровули гарнизон бошлиғига, гарнизон ҳарбий комендантга, гарнизон бўйича навбатчи ва унинг ёрдамчисига бўйсунди; гарнизон гауптвахтаси қоровули улардан ташқари гауптвахта бошлиғига ҳам бўйсунди.

Ички қоровул ҳарбий қисм командирига, ҳарбий қисм бўйича навбатчига ва агар офицер бўлса ҳарбий қисм бўйича навбатчи ёрдамчисига бўйсунди. Ҳарбий қисм бўлинмаларидан алоҳида жойлашган батальон (дивизион) объектларини кўриқлаётган ички қоровул юқоридагилардан ташқари ўша батальон (дивизион) командирига ва ҳарбий унвони жиҳатдан тенг ёки катта бўлса, ўша батальон (дивизион) бўйича навбатчига бўйсунди.

Прапоршчиклардан тайинланган ҳарбий қисм бўйича навбатчи ёрдамчисига бошлиқлари офицер бўлмаган қоровуллар бўйсунди, сержантлардан тайинланган ҳарбий қисм бўйича навбатчи ёрдамчисига эса бошлиқлари сержант бўлган қоровуллар бўйсунди. Тарқатиш пайтида гарнизон (ҳарбий қисм) бўйича навбатчини қарши олиш учун «Қаддингни рост-ла» командаси берилган фурсатдан бошлаб қоровуллар юқоридаги шахслар ихтиёрига ўтади. Алмашувдан сўнг ўз ҳарбий қисмига (бўлинмасига) йўлга чиқиш учун қоровул бошлиғининг «Қадам бос» командаси берилган фурсатдан бошлаб уларнинг ихтиёридан чиқади.

Қоровул таркиби куйидагилардан иборат бўлади: қоровул бошлиғи, пост ва алмашув сони бўйича қоровуллар, тарқатувчи, зарурат туғилса қоровул бошлиғи ёрдамчиси, қоровул бошлиғининг техник воситалар билан кўриқлаш бўйича ёрдамчиси (оператор) ёки операторлар сменаси (уч-ўрт киши, улардан биттасини қоровул бошлиғининг техник воситалар билан кўриқлаш бўйича ёрдамчиси этиб тайинлаши мумкин), қоровул бошлиғининг кўриқчи итлар хизмати бўйича ёрдамчиси ва транспорт воситалари ҳайдовчилари.

Бирлашмалар ва ундан юқорининг штаб ва бошқарма пунктларини кўриқлаш, шунингдек, муассасаларни кўриқлаш бўйича қоровуллар сафида

юқорида саналган шахслардан ташқари назорат-ўтказиш постлари қоровуллари, гауптвахтадаги қоровул сафида эса ташқарига чиқарувчи бўлади.

Объектларни бевосита қўриқлаш ва химоя қилиш учун қоровуллар сафидан соқчилар чиқарилади. Ўзига топширилган постни қўриқлаш ва химоя қилиш бўйича жанговар вазифани бажарувчи қуролланган қоровул соқчи деб аталади. Қўриқлаш ва химоя қилиш учун соқчига топширилган барча нарса, шунингдек, у ўз вазифасини бажараётган жой ёки ер участкаси пост деб аталади, техник химоя воситалари ёрдамида қоровул қўриқлаётган объектлар ва бу химоя воситалари ўрнатилган ер участкаси ҳам постга қарайди.

Соқчи объектлар химоясини объект атрофида ички ва ташқи девор ўртасида, агар объект битта девор билан ўралган бўлса, деворнинг ички томони бўйлаб патрулик қилиш йўли билан амалга оширади. Шунингдек, соқчиликни минорадан туриб амалга оширса ҳам бўлади. Айрим постларни соқчилар жойида туриб қўриқлашлари ҳам мумкин.

Муҳим аҳамиятга молик давлат ва ҳарбий объектлар қўриқпанганда соқчилар ўз вазифасини кузатув минорасида туриб амалга ошириши мумкин. Бундай ҳолларда улар узоклиги 500 метргача бўлган объектларни қўриқлаши ва химоя қилиши мумкин.

Гарнизон бошлиқлари, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар командирлари, ҳарбий объектлар бошлиқлари, шунингдек, барча бевосита бошлиқлар доимо объектларни қўриқлаш учун керак бўладиган шахсий таркиб сонини қисқартиришга эришиши керак. Қуйидаги ҳолларда бунга эришиш мумкин:

- техник воситалардан фойдаланган ҳолда соқчи қўймасдан қўриқчи итлар билан постларни қўриқлашга ўтиш билан;

- турли хил ҳарбий қисмларга қарайдиган ёнма-ён, бир девор ичида жойлашган омбор, парк ва бошқа қўриқланадиган объектларни бир қоровул химоясига бирлаштириш билан;

- бир жойда туриб қўриқланадиган постларни қисқартириш ҳамда пиёда ва транспорт воситасида патрулик йўли билан объектларни химоя қилишни ташкил этиш билан.

Объектларни патрулик йўли билан қўриқлашни ташкил қилишда объектларнинг ўралиши ва ернинг шарт-шароитларига қараб қўриқлаш ва химоя қилиш учун соқчига қуйидагича қўшимча участкалар берилади:

Кундузи — 1000 метргача, кечаси — 500 метргача, техник химоя воситалари билан жиҳозланган объектларда эса кундузи — 2 километргача, кечаси — 1 километргача. Ноқулай об-ҳаво (қалин туман, ёмғир, қор ёғганда) объектлар химоясини кучайтириш учун гарнизон бошлиғининг (ҳарбий қисм бошлиғининг) буйруғига кўра қўшимча қоровул ёки транспорт воситасида юривчи патруль тайинланиши мумкин. Бундай ҳолларда қўшимча қоровуллар хизмат тартиби ва патрулик тартиби гарнизон бошлиғи (ҳарбий қисм бошлиғи) томонидан белгиланади.

Объектни мустаҳкам қўриқлашни таъминлаш учун ҳаракат йўналиши бўйича зудлик билан юриб кетаётган соқчи атрофни ва деворларни кузатиш

учун, шунингдек, хизматининг бориши ҳақида алоқа воситаси орқали қоровул бошлиғига хабар бериш учун бир оз тўхтаб олади.

Атроф яхши кўринганда ва жой шароити йўл қўйса, соқчи хизматини кузатув минорасида ўташи ҳам мумкин.

Соқчига ёрдам бериш учун ҳар бир қоровулхонада сергаклардан ва дам олаётган гуруҳдан захира гуруҳи тузилади. Улар қоровулнинг «Қуроллан» деган чақириғини эшитиши билан қоровул бошлиғи, унинг ёрдамчиси ёки тарқатувчи раҳбарлигида тартиб бузилган жойга етиб келади ва вазиятга қараб иш кўради. Бу гуруҳни тартиб бузилган жойга зудлик билан етказиш зарур бўлган пайтларда улар транспорт воситаси билан таъминланадилар. Айрим ҳолларда эса бронетранспортёр (жанговар машиналар) билан таъминланадилар.

Қоровул шахсий таркиби қоровул кийимида (8-илова) бўлиши керак. Улар отишга яроқли найза-пичоқли автомат ёки найзали карабин билан қуролланадилар. Назорат-ўтиш пости соқчиси тўппонча билан қуролланиши мумкин. Қоровул бошлиғи ва унинг ёрдамчилари штатлари бўйича қуролланадилар.

Қоровуллар қуйидагича жанговар патронлар билан таъминланадилар: ҳар бир тўппонча ва автоматга — иккитадан тўлдирилган ўқдон; ҳар бир карабинга — ўттизта патрон солинган битта обойма.

Бундан ташқари, гарнизон бошлиғининг (ҳарбий қисм командирининг) буйруғига биноан қоровулларнинг ҳар бири пулемёт, учта тўлдирилган ўқдони билан ва граната (ҳар бир қоровулга иккитадан) билан қуролланиши мумкин.

Қоровул шахсий таркибига ўқ-дорилар, тўппонча билан қуролланганлардан ташқари, қоровуллик майдончасидаги амалий машғулотдан сўнг берилади.

Қуролларни ўқлаш терговчи ёки дастлабки тергов органлари томонидан қамалган ва ушланган ҳарбий хизматчиларни, судланганларни ва маҳбусларни кўриқлаш учун, шунингдек, қоровулларни текширгани келган шахсларга ҳамроҳлик қилиш учун постларга чиқиш олдидан амалга оширилади.

Қуролларни ўқлаш ва ўқсизлантириш қоровул бошлиғи ва унинг ёрдамчиси (тарқатувчи) буйруғи билан ва уларнинг бевосита кузатуви остида қоровулхонада, ўқтутгич ўрнатилган, махсус жиҳозланган ёруғ жойда, қоровулларни алмаштириш учун машинада йўлга чиққан пайтларда эса қоровул бошлиғи йўриқномасида кўрсатилган, зарурат бўлса ўқтутгич билан жиҳозланган жойларда амалга оширилади. Ўқлаш ва ўқсизлантириш пайтида қурол стволининг ҳолати атрофдаги уй-жой бинолари ва кўриқланаётган объектларга қаратилмаган ҳолда 45—60 градусли бурчакни ташкил этиши керак. Агар қоровулхона атрофида уй-жойлар ва хизмат бинолари жойлашган бўлса, қуролларни ўқлаш ва ўқсизлантириш қоровулхонанинг ўқтутгич ўрнатилган махсус жойида амалга оширилади. Қуролларни ўқсизлантириш ва кўздан кечириш қоровулхонага ёки қоровул

бошлиғи йўриқномасида кўрсатилган жойга қайтган заҳоти амалга оширилади.

Тўппончаларни ўқлаш бўлинмалар патрон олгандан сўнг, ўқсизлантириш эса қоровул алмашувидан сўнг бўлинмага етиб келгач амалга оширилади.

Қуроллар ҳар бир қурол учун белгиланган кўрсатмаларга амал қилинган ҳолда ўқланади. Бунда ўқ солинмайди.

Автомат ўқ солинган ўқдон билан ўқланади. Ўқлашдан олдин у кўздан кечирилади (тепки туширилади) ва сақлагичга қўйилади. ўқдон ўрнатилган затвор рамасини орқага тортмаслик керак.

Қарабин ўқ тўла ўқдон билан ўқланади. Қарабин ўқлангандан сўнг затвор силлиқ ёпилади (бунда ўқ солинмайди), сақлагич очилади, тепки кўйиб юборилади ва қарабин сақлагичга қўйилади.

Тўппонча ўқ солинган ўқдон билан ўқланади, ўқланганда затвор орқага қайтарилмайди. Тўппонча ўқлашдан олдин сақлагичга қўйилади. Тўппонча ишлатишдан олдин ўқланади.

Гарнизон бошлиғининг (ҳарбий қисм командирининг) буйруғига биноан қоровулхонада қуйидаги миқдорда жанговар ўқлар захираси ташкил қилинади: ҳар бир автомат ёки қарабинга 150 тадан ўқ, ҳар бир тўппончага эса 16 тадан ўқ. Улар цинкада, темир қутида сақланади.

Гранаталар алоҳида металл қутиларда сақланади, пилтаси эса гранатадан алоҳида сув ўтмайдиган махсус қутиларда сақланади. Қоровулнинг жанговар ўқ захираси (7-илова) ҳисобга олинандиган дафтар, қўлда отиладиган гранаталар ва уларнинг пилталари ҳисобга олинандиган дафтар, олинган ўқ-дорилар далолатномалари ва тулдирилмаган бланкалар, шунингдек, цинкаларни очадиган пичоқ ҳам ўша қутиларда сақланади. Қутилар қулфланади, гарнизон ҳарбий комендантлари (ҳарбий қисм штаби бошлиғи) томонидан муҳрланади ва қоровулхонада жойлашган қоровулнинг анжомлари ва жиҳозлари рўйхатига киритилади. Уқ-дорилар солинган қутининг калити, сурғучли муҳр қоровул бошлиғининг сейфида (қулфландиган қутида) сақланади. Калитни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Қоровул бошлиғи жанговар ўқлар захираси, граната ва пилталари солинган қутиларнинг сақланишига шахсан жавобгардир.

Ўқ-дорилар захирасининг миқдори ва ҳолати ойда камида бир марта, гарнизон қоровуллигида - гарнизон ҳарбий комендантлари томонидан, ички қоровулларда - ҳарбий қисм штаби бошлиғи томонидан текширилади.

Текширув натижалари захирадаги ўқ-дорилар дафтар ва пост ахборотлари дафтарига ёзиб қўйилади.

Ушбу Низомда кўрсатилганларга мувофиқ қоровулхона ва постларни турли анжомлар, техник ҳимоя воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш, қўриқланаётган объектларни (5ва 6-илова) деворлар билан ўраш ва уларни инвентарлар билан таъминлаш ҳарбий объект бошлиғи (ҳарбий қисм бошлиғи) зиммасига юқланади. Шунингдек, ҳарбий объект бошлиғи (ҳарбий қисм бошлиғи) зиммасига қоровулхоналарни ёритиш,

уларни иссиқлик ва постда кийиладиган кийимлар билан таъминлаш ҳам юкланади.

Қоровулнинг ҳақиқатан ҳам алмашувга келганини, шунингдек, гарнизон бошлиғи ёки гарнизон бўйича навбатчи (ҳарбий қисм бўйича навбатчи) буйруғи билан келган шахс ҳақиқатан ҳам шулар томонидан юборилганини тасдиқлаш учун пароль (махфий сўз ёхуд ибора) жорий этилади.

Пароль бирор-бир шаҳарнинг номи билан белгиланади, ҳар куни ҳар бир қоровул учун алоҳида, гарнизон қоровулларига — гарнизон ҳарбий коменданнти, ички қоровулга ҳарбий қисм штаби бошлиғи томонидан белгиланади.

Пароллар кўпи билан 10 кун олдин белгиланади ва пароллар дафтарига ёзиб қўйилади. Бу дафтар гарнизон ҳарбий комендантида (ҳарбий қисм штаби бошлиғида) муҳрланган боғичда, сейфда сақланади.

Қоровуллар наряди

Қоровуллар наряди қоровуллар нарядига асосан амалга оширилади. Қоровуллар ҳар куни алмашиб туриши керак. Ҳарбий қисм ўқув машғулотларида бўлган пайтда қоровуллар жадвалини тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган бошлиқнинг буйруғига биноан офицер бошчилигида тайинланган қоровуллар 7 кунгача алмашмасдан қоровулликда туриши мумкин.

Гарнизон қоровуллиги жадвалини гарнизон ҳарбий коменданнти, ички қоровуллик жадвалини эса гарнизон бошлиғининг (ҳарбий қисм бошлиғининг) кўрсатмасига асосан ҳарбий қисм штабининг бошлиғи тузади. Бунда у кўриқланаётган ва ҳимоя қилинаётган объектнинг аҳамиятини, техник кўриқлаш қуроллари билан қуролланган ёки қуролланмаганини, тўсиқлар, иложи борича кам соқчилар билан кўриқланишини ҳисобга олади. Ўзининг кўриқлаш бўлинмаларига эга бўлган, корпус ва марказга бўйсунадиган объектларни кўриқлайдиган қоровуллар жадвалини ҳарбий объект (омбор, база) бошлиғи тузади.

Ҳарбий ўқув юртарининг гарнизон ва ички қоровуллик жадвали Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, ҳарбий қисмларнинг ички қоровуллик жадвали эса қўшилма командири тасдиғига тақдим этилади.

Корпусга ва марказга бўйсунадиган ҳарбий қисмлар ички қоровулларининг, шунингдек, ўзининг кўриқлаш бўлинмаларига эга бўлган, юқорида қайд этилганларга бўйсунадиган объектларни кўриқлаш ва ҳимоя қиладиган ички қоровуллар жадвали бевосита ўзига тегишли бошлиқлар тасдиғига тақдим этилади.

Жадвалга ҳар бир қоровулнинг жойлашув пости схемаси илова қилинади.

Қоровуллик жадвали билан бир вақтда постларнинг жойлашуви схемаси, постлар рақами, қоровул бошлиғига йўриқнома, тревога пайтида алмашадиган қоровулларга эса, бундан ташқари, ҳар эҳтимолга қарши тревога эълон қилинганда фойдаланиладиган ҳужжатлар, сафида қоровул

бошлигининг техник кўриклаш воситалари бўйича ёрдамчиси (оператор) бор қоровулларга эса қоровул бошлигининг техник кўриклаш воситалари бўйича ёрдамчиси (оператори) ҳужжатлари ҳам тузилади.

Постларнинг жойлашув схемасида қуйидагилар кўрсатилади:

постларнинг чегараси ва тақиқланган зоналар, тақиқланган чегаралар, тўсиқларнинг тури;

техник кўриклаш қуроллари билан жиҳозланган объектлар;

навбатчиларнинг постга бориш ва патрулларнинг транспорт воситаларида юриш йўналиши;

соқчи ва назорат-кўриклаш йўналиши, окоплар, кузатув миноралари, алоқа ва ўт ўчириш воситалари, итларнинг кўриқчилик постлари жойлашган жойлар;

постларга боришдаги хавфли жойлар.

Постлар рақамида қуйидагилар кўрсатилган бўлади:

ҳар бир пост нимани кўриқлаши ва ҳимоя қилиши кераклиги;

соқчининг постда хизмат қилиш вақтида маълум шароитдан келиб чиқадиган муҳим мажбуриятлари ва алоқа воситалари орқали ахборот бериб туриш муддати;

соқчи кузатув минорасидан кузатув олиб бориш мумкин бўлган вақт, соқчи чет кишиларни ўзига яқинлаштириши мумкин бўлмаган масофа ўлчови;

постга, қўшни постга ҳужум бўлганда ёки постда ёнғин чиққанда соқчи бажариши лозим бўлган ишлар;

қандай шароитда соқчи қурол ишлатиши мумкинлиги.

Қоровул таркибида сержантлардан (старшиналардан) ёки ефрейторлардан (катта матрослардан) тарқатувчи тайинланади.

Тарқатувчиларнинг сони постлар сони ва масофасига боғлиқ бўлади. Ҳар бир тарқатувчи постларга қўпи билан бешта соқчи тарқатиши ёки қоровулларни навбатга олиб бориш ва қайтиш бир соатдан кўп вақт олмаслиги керак.

Қоровулликда бир нечта тарқатувчи бўлса, улар қуйидагича аталади: биринчи тарқатувчи, иккинчи тарқатувчи ва шундай давом этади.

Агар қоровул битта постни кўриқлаётган бўлса тарқатувчи тайинланмайди, унинг вазифасини қоровул бошлиғи бажаради.

Қоровуллар аскарлардан (матрослардан) тайинланади. Аскарлар (матрослар) оз бўлган пайтда мажбурий хизмат сержантларидан (старшиналардан) ҳам тайинланиши мумкин. Бундай пайтларда постнинг (постларнинг) барча алмашувлари, назорат-кўриклаш гуруҳининг барча таркиби тузилади, ҳарбий унвони жиҳатидан қоровулдан кичик бўлмаган ҳарбий хизматчи эса тарқатувчи этиб тайинланади.

Қоровуллар сони мазкур қоровуллар учун белгиланган постлар сонига қараб белгиланади. Бир кеча-кундузда соқчилар уч марта алмаштирилади. Постларни фақат тунда қоронғилик тушгандан тонг

ёришгунча ёки омбор ва сақлагичларни ёпгандан очгунча қўриқлаш учун эса соқчилар икки марта алмаштирилади.

Нарядга кирадиган тунда қоровулликка тайинланган ҳарбий хизматчилар ҳеч қандай хизматга, машғулотга ёки ишга жалб этилмаслиги керак.

Нарядга кираётган кун қоровул шахсий таркибига кун тартибида белгиланган соатларда хизматни ўташга тайёргарлик қўриш учун камида 3 соат вақт берилиши керак. Қоровулликка тургандан сўнг бир кун ўтгач эса 4 соат, жумладан, 1 соат ухлашга вақт берилиши керак.

Қоровуллик хизматини ўташга тайёргарлик уч босқичда олиб борилади:

- биринчи - нарядга киришдан икки-уч кун олдин постлар рақами бўйича қоровул шахсий таркиби танланади ва бўлинади;

- иккинчи - нарядга киришдан бир кун олдин кун тартибида кўрсатилган соатларда қоровул шахсий таркиби билан ҳарбий Низом қоидаларини, қўриқданадиган объектлар макетига пост рақамини қўйган ҳолда постдаги соқчининг асосий мажбуриятлари ва ҳаракат турларини ўрганиш, шунингдек, хавфсизлик талабларини бажариш бўйича машғулотлар ўтказилади;

- учинчи - қоровулликка кирадиган кун постдаги соқчининг вазифаси ҳақида амалий машғулот ўтказилади.

Қоровулнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Қоровул бошлиғининг умумий мажбуриятлари

Қоровул бошлиғи қоровулга топширилган объектларни қўриқлаш ва химоя қилишга, қоровул шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигига, уларнинг тўғри хизмат қилишига, техник қўриқлаш воситалари, тўсиқлар, алоқа воситалари ва постлардаги ҳамда қоровулхоналардаги ўт ўчириш воситалари, транспорт воситаларининг, шунингдек, рўйхат бўйича қоровулхонада сақланаётган қурол ва ўқ-дориларнинг сақланиши ва тўғри ишлашига жавоб беради.

Қоровул бошлиғи ўзи ёки қоровул таркибида қўриқланаётган объектларга, соқчига, қоровул навбатчиларига (назорат-қўриқлаш гуруҳига) ёки қоровулхонага ҳужум бўлганда, шунингдек, бандилар ўртасидаги тартибсизликларни тўхтатиш ёки қочмоқчи бўлган бандига нисбатан қурол ишлатиши мумкин.

Қуролни ишлатишдан олдин қуролни ишлатиш тўғрисида огоҳлантириши керак.

Кутилмаганда ёки қуролли ҳужум бўлганда, ҳарбий техника, транспорт воситалари, учувчи аппаратлар, дарё ва денгиз кемаларидан ҳужум бўлганда, шунингдек, қоровул қурол билан ёки ҳаракатда транспорт воситасидан қочганда огоҳлантиришсиз қурол ишлатиш мумкин.

Тарқатувчи

Тарқатувчи ўзига бўйсунувчи соқчиларнинг тўғри ва ҳушёр хизмат қилишига, ўз вақтида алмашув бўлишига ва соқчиларнинг постларга қўйилишига, соқчиларнинг постларни тўғри топширишига ва қабул қилиб олишига жавоб беради. У қоровул бошлиғига ва унинг ёрдамчисига бўйсунди ва фақат уларнинг буйруғини бажаради.

Тарқатувчи ўзи ёки қоровул таркибида қўриқланаётган объектга, соқчига, навбат алмашишга бораётган ёки навбат алмашишдан қоровулхонага қайтаётган қоровулларга ҳужум бўлганда қурол ишлатиш ҳуқуқига эга.

У қуйидагиларга мажбурдир:

- ўз постларини, уларнинг жойини ва чегарасини; уларга бориш йўллари, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш шартларини (кузатиш, отиш, ўраш) ва ҳар бир постдаги соқчининг асосий мажбуриятларини билишга;

- эски қоровул тарқатувчисидан муҳр (пломба) нусхасини қабул қилиб олишга, соқчиларни постларга қўйишда эса постлар рақамига биноан қўриқлашда бўлган объектларни қабул қилиб олишга ва бу ҳақда қоровул бошлиғига ахборот беришга;

- қоровулларни постларга жўнатишдан олдин уларни ўз мажбуриятлари ҳақидаги билимларини синаб кўришга, шунингдек, улар ўзларининг чекадиган ва ўт олдирадиган нарсаларини қоровулхонада қолдирганлигини текшириб кўришга;

- қоровуллар томонидан постга жўнашдан олдин қуролнинг тўғри ўқлагани ва постдан қайтгач, тўғри ўқсизлантирганини кузатиб туришга;

- ҳар бир қоровуллар алмашувидан қайтгач, алмашув бўлгани, постларнинг аҳволи ҳақида, барча камчиликлар ва уларни бартараф этиш учун кўрилган чора-тадбирлар ҳақида қоровул бошлиғига ахборот беришга;

- қоровул бошлиғининг рухсати билан ўзига бўйсунадиган соқчиларнинг хизматини ўташни текшириб кўришга.

Соқчи

Соқчи дахлсиз шахсдир. Унинг дахлсизлиги қуйидагиларда кўринади:

- унинг ҳуқуқлари ва инсоний қадр-қиммати қонун билан ҳимоя қилинишида;

- унинг қатъий маълум шахсларга - қоровул бошлиғига, унинг ёрдамчисига ва ўзининг тарқатувчисигагина бўйсунушида;

- хизмати бўйича барча шахслар унинг талабларини сўзсиз бажаришларида;

- ушбу Низомда кўрсатилган ҳолларда қурол ишлатиш ҳуқуқи берилишида.

Фақат қоровул бошлиғи, қоровул бошлиғи ёрдамчиси ва соқчи бўйсунадиган тарқатувчи соқчини постдан алмаштириш ва олиш ҳуқуқига эга. Қоровул бошлиғи, унинг ёрдамчиси ва тарқатувчи вафот этса ёки

жисмоний жиҳатдан ўз вазифасини бажара олмай қолса, қоровулларни постдан олиш ва алмаштиришни гарнизон (ҳарбий қисм) бўйича навбатчи ўз ротаси (батареяси) ёки батальони (дивизиони) командири иштирокида амалга оширади.

Қоровул постни қабул қилиб олишдан олдин тарқатувчи (қоровул бошлиғи ёки унинг ёрдамчиси) ва навбатчи топшираётган соқчи билан шахсан табель рақами бўйича қўриқлашга қабул қилинаётган барча нарсанинг мавжудлигини текшириши; бандиларни қўриқлаш учун — постда тураётган пайтда эса қулфларнинг, панжараларнинг аҳволини ва камераларда сақланаётган бандиларнинг сонини текшириши керак.

Соқчи қўидагиларга мажбурдир:

- ўз постини сергаклик билан қўриқлашга ва тик турганча ҳимоя қилишга;

- сергак хизмат қилишга, ҳеч нарсага чалғитмасликка, қуролини қўлидан қўймасликка ва ҳеч кимга, ҳатто ўзи бўйсунадиган шахсларга ҳам бермасликка;

- кўрсатилган йўналиш бўйича ҳаракат қилиб ёки кузатув минорасида туриб постга келадиган йўлларни, тўсиқларни диққат билан кузатишга ва пост рақамида кўрсатилган вақтларда хизматнинг бориши ҳақида алоқа воситалари орқали хабар қилиб туришга;

- навбат алмашмаса ёки уни постдан олишмаса, ҳаётига хавф туғилган пайтда ҳам постни ташлаб кетмасликка; постни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳарбий жиноят ҳисобланади;

- постда 99-моддага биноан, доимо ўқланган қурол олиб туришга ва доимо ҳамма нарсага тайёр бўлиб туришга;

- пост рақамида кўрсатилган ва махфий чегара кўрсаткичлари билан ажратилган жойдан ичкарига, пост яқинига қоровул бошлиғи, унинг ёрдамчиси ва ўзининг тарқатувчиси ва улар бошлаб келган шахслардан бошқа ҳеч кимни қўймасликка;

- қоровул транспорт воситалари ҳаракат йўналишини ва ташиш, шунингдек, унинг танитиш белги ва сигналларини билишга;

- постдаги ўт ўчириш воситасини ишлата олишга;

- объект (пост) тўсиқларида бирор бузилган жой, ўз пости яқинида ёки қўшни постда тартиб бузилганини сезса, қоровул бошлиғини чақиришга;

- қўриқчи итнинг ҳурганини эшитган заҳоти бу ҳақда қоровулхонага хабар беради.

Соқчи постда найза уланган қурол билан туриши керак (букланадиган қўндоқли автомат пичоқ-найзасиз бўлади, унинг пичоқ-найзаси камардаги кинда туради); тунда тик туриб отишга тайёр турган ҳолда; кундуз — «тасма елкага» ёки тик туриб отишга тайёр турган ҳолда (9-илова); ички постларда ва Жанговар Байроқ қўриқланаётган постда ёғоч қўндоқли автомат «тасма-елкага», букланадиган қўндоқли автомат «кўкракка», карабин «оёқ-қа» ҳолатида ушланиши лозим; ўқ тўлдирилган ўқдан (обойма) солинган сумка тугмаланган бўлиши керак.

Тўппончалар оғзи ёпилган ғилофда бел камарига осиб қўйилади. Ёнғинни ўчириш ёки табиий офат оқибатларини тугатиш пайтида соқчига куролни «курол орқага» ҳолатида олиб юришига рухсат берилади.

Соқчига қуйидагилар тақиқланади: ухлаш, ўтириш, бирор нарсага энкайиш, ёзиш, ўқиш, гаплашиш, ейиш, ичиш, чекиш, табиий эҳтиёжларга бориш, кимлигидан қатъий назар бировга бир нарса бериш ва бировдан бир нарса олиш, кераксиз пайтда патронникка патронни жўнатиш.

Соқчи фақат қоровул бошлиғининг, унинг ёрдамчисининг, ўз тарқатувчисининг ва текшириш учун келган шахснинг саволларига жавоб бериши керак.

Соқчи ўзига ёки қўриқланаётган объектига аниқ ҳужум бўлган ҳолларда огоҳлантиришсиз курол ишлатишга мажбур.

У қоровул бошлиғи, қоровул бошлиғи ёрдамчиси, ўзининг тарқатувчиси ва улар кузатувида келган шахслардан бошқа постга ёки тақиқланган чегарага яқинлашган барчани бақириб «Тўхта, орқага» ёки «Тўхта, ўнгдан (чапдан) айланиб ўт» деб тўхтатишга ҳақли.

Агар постга ёки тақиқланган чегарага яқинлашаётган тартиббузар унинг бу талабини бажармаса, соқчи уни «Тўхта, отаман» деб огоҳлантиради ва зудлик билан қоровул бошлиғини ёки тарқатувчини чақиради. Агар тартиббузар шунда ҳам пост ва тақиқланган чегарага яқинлашишда давом этса, соқчи патронникка патрон юборади, осмонга қараб огоҳлантирувчи ўқ узади. Тартиббузар шунда ҳам унинг талабини бажармаса ва постга киришга (тақиқланган чегарани кесиб ўтишга) ҳаракат қилса ёки қочишга уринса, соқчи унга нисбатан курол ишлатади.

Кўриниш ёмон бўлганда пост рақамида кўрсатилган масофадан постга ва тақиқланган чегарага яқинлашганлар кўринмай қолганда соқчи уларни «Тўхта, ким келаяпти» деб бақириб тўхтатади. Агар жавоб бўлмаса, соқчи уни «Тўхта, отаман» деб огоҳлантиради ва ушлайди. Ушланган тартиббузар ҳақида қоровулхонага хабар беради, унинг ўзини тутишини кузатади, шу билан бирга диққатини бўлмай, ўзига бириктирилган постни кўриқлашда давом этади.

Соқчи бақирганда «Қоровул бошлиғи (қоровул бошлиғининг ёрдамчиси, тарқатувчи) келаяпти» деган жавоб бўлса, соқчи қуйидагича буйруқ беради: «Қоровул бошлиғи (қоровул бошлиғининг ёрдамчиси, тарқатувчи) менинг олдимга, қолганлар жойида қолсин». Зарурат бўлса соқчи ўзига яқинлашаётган шахсдан юзини ёритишни талаб қилади. Соқчи ўзига яқинлашаётган шахс ҳақиқатан ҳам қоровул бошлиғи (қоровул бошлиғининг ёрдамчиси, тарқатувчи) эканлигига ишонч ҳосил қилгач, қолганларни ҳам ўз олдига қўяди.

Агар ўзини қоровул бошлиғи (қоровул бошлиғи ёрдамчиси, тарқатувчи) деб таништирган шахс бошқа киши бўлса ва у билан бирга келганлар соқчининг «қолганлар жойида қолсин» деган талабини бажармаса, соқчи бақириб «Тўхта, отаман» дея огоҳлантиради. Тартиббузарлар соқчининг бу талабини бажармаса, уларга нисбатан курол ишлатади.

Қўриқланаётган объектни ва ўзини ҳимоя қилиш учун қўл жангига киришга тўғри келса, соқчи қўндоқ ва найза билан бемалол ҳаракат қилиши керак.

Постда ёнғин чиққанда соқчи бу ҳақда зудлик билан қоровулхонага хабар беради ва ўзи қўриқлаётган объектларни кузатишда давом этган ҳолда ёнғинни ўчириш чораларини кўради. Қўриқланаётган объектнинг техник ҳудудида ёки ички ва ташқи деворлар билан ўралган объектларда, шунингдек, пост яқинида ёнғин бўлса, у бу ҳақда қоровулхонага хабар беради ва постдаги хизматини давом эттиради.

Тўсатдан касал бўлиб қолса (жароҳатланса), соқчи ўз хизматини давом эттирган ҳолда тарқатувчи ёки қоровул бошлиғини чақиради.

Чидаб бўлмайдиган сўнги ҳолатда ёки алоқа воситалари ишламай қолган пайтларда соқчи осмонга ўқ отиш билан қоровул бошлиғини чақириши мумкин.

Соқчи ўзи бўйсунадиган бошлиқларга ва улар билан постга келган бошқа бошлиқларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф Низомида кўрсатилган ҳолатда салом беради. Бундай пайтда автомат отишга шай ҳолатдан «тасма елкага» ҳолатига олинади, карабин эса «оёққа» олинади.

Жанговар Байроқ олдида турган соқчи «эркин» турган ҳолда ўз вазифасини бажаради, ҳарбий хизматчилар Жанговар Байроққа салом берганда соқчи тик қотган ҳолда туради. Соқчи Жанговар Байроқни қўриқлашга қабул қилиб олаётганда ғилофи (жавон) ва ундаги муҳри бузилмаганига эътибор бериши керак. Жанговар Байроқни топшириш фақат қоровул бошлиғи иштирокида ва унинг буйруғи билан амалга оширилади.

Жанговар Байроқ турган постга хавф солинса (ёнғин чиқса ёки табиий офат рўй берса), соқчи Жанговар Байроқни хавфсиз жойга олиб чиқади ва қоровул бошлиғини чақиради.

Соқчиларни алмаштириш

Соқчиларни алмаштириш ҳар 2 соатда, жуфт ёки тоқ соатларда амалга оширилади.

Ҳаво ҳарорати — 20°C ва ундан ҳам паст даражада, шамол ва кучсиз совуқда очик ҳаводаги постда ҳамда иситилмайдиган биноларда турган соқчилар ҳар 1 соатда алмаштирилади. Ҳаво ҳарорати +30°C ва ундан (сояда) юқори бўлганда ҳам соқчилар ҳар 1 соатда алмаштирилади. Мана шундай шароитларда соқчиларни ҳар 1 соатда алмаштириш ҳақида гарнизон бўйича (ҳарбий қисм бўйича) навбатчи буйруқ беради.

Агар соқчилар алмаштириш ҳар 1 соатда амалга оширилган бўлса, қоровул бошлиғи пост ахборот дафтарига соқчилар фалон соатдан эътиборан ҳар 1 соатда, фалон соатдан ва фалон қоровул навбатидан бошлаб ҳар 2 соатда алмаштирилди, деб ёзиб қўяди.

Патрул

Патруллар бўлинманинг суткалик махсус хизмат бажарувчилари таркибига киради, бўлинма командири, старшина ва бўлинма бўйича навбатчига, навбатчи сменаси бошлиғига (катта техникка) бўйсунди ва соқчи каби ҳарбий қисм командири тасдиқлаган қўлланмага мувофиқ хизматини ўтайди.

Бўлинма бўйича навбатчи ва патрулга қўлланмани бўлинма командири, объект ва уни қўриқлаш шарт-шароитидан келиб чиқиб тузади.

Қўлланмада объектларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича бўлинма навбатчиси ва патрулларнинг мажбуриятлари баён этилади; қўриқлаш вақти ва тартиби, патруллар сони, алоҳида йўналишдаги патрулларнинг ўзига хос мажбурияти, қўриқланаётган объектга ҳужум бўлганда уларнинг ҳаракат қилиш тартиби, қўриқлаш воситаларининг беҳосдан ёнғин, табиий офат оқибатида, қўзғалиш чақириғи туфайли ишлаб кетиши; патрулга қурол ишлатиш, қўриқланаётган қурол-аслаҳага, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситаларга, шунингдек, қўриқланаётган ҳудудга шахсларни киритиш қандай ҳолларда рухсат этилиши уқтирилади.

Бўлинма бўйича навбатчи қўлланмасига бўлинма командири томонидан тасдиқланган патрулларнинг ҳаракати схемаси, омборларни очишга ҳақи бор ва қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ҳамда бошқа моддий воситаларни қабул қилиб олишга ижозат берилган шахслар рўйхати, расмийлаштирилган рухсатнома намуналари ва муҳрлардан туширилган нусхалар (қурғошин тамғалар излари) қўшимча қилинади.

Патрулнинг хизматни ўташи учун вақт бўйича патрулларнинг бир залда ҳаракат қилишга ўрин қолдирмайдиган бир неча жадвал тузилади.

Қўриқлаш ва ҳимоя қилиш режалари бўлинма командири томонидан тасдиқланади ва бўлинма навбатчисига беркитилган қутида (жавонда) сақланади. Ҳар бир режанинг қўлланиш вақти бўлинма командири томонидан белгиланади.

Патруль бўлинма ўрнашган жойни, патруллар ҳаракати схемасида кўрсатилган йўл бўйича, айланиб юриб хизматини ўтайди.

Патруллар ҳаракати йўлида алоқа воситалари ўрнатилади, у орқали патруль бўлинма навбатчисига хизматни қандай ўтаётганидан хабар бериб туради.

Кундуз кунлари патруль қўриқчиликни алоқа воситалари ўрнатилган қулай жойдан ёки минорада туриб амалга ошириши мумкин.

Патруль қуйидагиларга мажбур:

- объектларни, қурол-аслаҳани, ҳарбий техника ва бўлинманинг бошқа моддий воситаларини ҳушёр туриб қўриқлаш ҳамда ҳимоя қилишга, алмаштирилгунча ёки хизматдан олиб ташлангунча қўйилган вазифани тўхтовсиз бажаришга;

- бўлинма бўйича навбатчи билан ўрнатилган алоқа сигналларини билишга, объект тўсиқларининг бузилгани ва ҳар қандай бузилишларни пайқганида уни чақиришга;

- ўзига белгиланган режа ва ҳаракат йўли тартибига қатъий риоя қилишга;

- хизматни ўтаётган вақтда кўрсатилган қоидаларга кўра, ўқпанган қуролга эга бўлишга ва доимо ҳаракат қилишга шай туришга.

Патрулга хизматни ўтаётган вақтда зиммасидаги вазифаларни бажаришдан чалғиш (ухлаш, ўтириш, ўқиш, ёзиш, овқат ейиш, ичиш, қўшиқ айтиш, чекиш, бегоналар билан гаплашиш) тақиқланади.

Патруль ўзи бўйсундагин ва улар ҳамкорлигида текшириш учун келган шахслар саволига жавоб бериши керак.

5-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ САФ НИЗОМИ

Ўқув саволлари:

- 1. Саф ва унинг бошқарилиши.*
- 2. Командир ва ҳарбий хизматчиларнинг саф тортишдан олдин ва сафдаги мажбуриятлари.*

I. Саф ва унинг бошқарилиши.

Ўзбекистон Республикаси Саф Низоми муҳофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг 2013 йил 28 октябрдаги 13/34/6/84- сонли қўшма қарори билан кучга киритилган.

Мазкур Низомда:

қурол билан ва қуролсиз бажариладиган амал ва ҳаракатлар ижроси;

пиёда ва машиналарда саф тортиш тартиби;

ҳарбийча салом бериш тартиби;

ҳарбий қисм Жанговар Байроғининг сафдаги ҳолати, уни олиб чиқиш ва элтиб қўйиш тартиби;

ҳарбий хизматчиларнинг сафга туришдан олдинги ва сафдаги мажбуриятлари ҳамда уларнинг саф тайёргарлигига оид талаблар белгилаб ўтилган.

Саф низомига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тасарруфидаги барча бўлинмалар, шу жумладан, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги бўлинмалар амал қилиши лозим.

Саф ва унинг бошқарилиши

1. Саф – ҳарбий хизматчилар, бўлинма ва ҳарбий қисмларнинг пиёда ва машиналарда биргаликда юриш учун мазкур Низомда белгиланган тартибда жойлашуви.

2. Шеренга – ҳарбий хизматчилар бир чизикда, белгиланган интервалга амал қилган ҳолда ёнма-ён турган саф.

Машиналар чизиғи – машиналар бир чизикда ёнма-ён жойлашган саф.

3. Қанот – сафнинг ўнг (чап) томони. Саф бурилганда, қанот номи ўзгармайди.

4. Фронт – сафнинг ҳарбий хизматчилар юзланиб турган (машиналар олд томони билан қаратилган) томони.

5. Саф орти – сафнинг фронтга қарама-қарши томони.

6. Интервал – ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинма ва ҳарбий қисмлар ўртасидаги фронт бўйлаб масофа.

7. Дистанция – ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинма ва ҳарбий қисмлар ўртасидаги саф узунлиги бўйича масофа.

8. Саф эни – қанотлар ўртасидаги масофа.

9. Саф узунлиги – биринчи шеренга билан охириги шеренга (олдинда турган ҳарбий хизматчи билан ортда турган ҳарбий хизматчи) ўртасидаги масофа. Ҳаракат машиналар воситасида бажарилаётган бўлса, биринчи машиналар чизиғи билан охириги машиналар чизиғи (олдинда турган машина билан охирида турган машина) ўртасидаги масофа.

10. Икки шеренгали саф – биринчи ва иккинчи шеренга, деб номланадиган, иккинчи шеренгадаги ҳарбий хизматчилар биринчи шеренгадаги ҳарбий хизматчилар ортида, бир қадамга тенг дистанция қолдирган ҳолда (олдинда турган ҳарбий хизматчининг елкасига қафти қўйилиб узатилган қўл масофасида) турган саф. Саф бурилганида шеренга номи ўзгармайди.

Қатор – икки шеренгали сафда кетма-кет турган икки нафар ҳарбий хизматчи. Агар биринчи шеренгада турган ҳарбий хизматчи ортида ҳарбий хизматчи бўлмаса, бундай қатор тўлмаган қатор, деб номланади.

Икки шеренгали саф ортга бурилса, тўлмаган қатордаги ҳарбий хизматчи олдинги шеренгага ўтади.

11. Бир ёки икки шеренгали сафнинг ораси жипс ёхуд очиқ бўлиши мумкин.

Ораси жипс саф шеренгасида турган ҳарбий хизматчилар фронт бўйича ёнма-ён, тирсаклар орасида бир қафт энига тенг интервал қолдириб жойлашади.

Ораси очиқ саф шеренгасида турган ҳарбий хизматчилар фронт бўйича бир-биридан бир қадамга ёки командир томонидан тайинланган масофага тенг интервал қолдирган ҳолда жойлашади.

12. Колонна – ҳарбий хизматчилар ва бўлинмалар (машиналар) бир-бирининг ортида, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган дистанция қолдирган ҳолда жойлашган саф.

Бир, икки, уч, тўрт колонна ва ундан ортиқ колонна саф бўлиши мумкин.

Бўлинма ва ҳарбий қисмлар юриш сафида ҳаракатланиши ёки ёнма-ён тизилиши учун колонна қўлланилади.

13. Ёнма-ён тизилган саф – бўлинмалар бир ёки икки шеренгали сафга (машиналар чизиғига) фронт бўйлаб бир чизиқда тизилган ёхуд колонналар чизиғига, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган интервал қолдирган ҳолда тизилган саф.

Ёнма-ён тизилган саф йўқлама, санок, кўрик, парад ўтказиш учун ва шу каби, бошқа зарурий ҳолларда қўлланилади.

14. Юриш сафи – бўлинма колоннага тизилган ёки колоннага тизилган бўлинмалар кетма-кет, мазкур Низомда белгиланган ёки командир томонидан тайинланган дистанция қолдирган ҳолда жойлашган саф.

Юриш сафи бўлинмалар марш давомида ҳаракатланиши, тантанали юриши, саф қўшиғи билан ўтиши учун ва шу каби, бошқа зарурий ҳолларда қўлланилади.

15. Етакчи – тайинланган йўналишда бош бўлиб бораётган ҳарбий хизматчи (бўлинма, машина). Қолган ҳарбий хизматчилар (бўлинма ёки машиналар) ўз ҳаракатини етакчига қараб мослаштиради.

Охирда борувчи – колоннанинг охирида бораётган ҳарбий хизматчи (бўлинма, машина).

16. Саф бошқариш амаллари оғзаки, сигнал воситасида ёки командир томонидан шахсан кўрсатиб бериладиган, шунингдек, техник ва ҳаракатчан воситалар орқали узатиладиган команда ва буйруқлар орқали бажарилади.

Команда ва буйруқлар колонна бўйича бўлинма командирлари (машина катталари) ва тайинланган кузатувчилар орқали узатилиши мумкин.

Машинада бошқариш амали оғзаки бериладиган ёки алоқа воситалари орқали узатиладиган команда ва буйруқлар орқали бажарилади.

Сафда катта командир саф бошқариш учун ўзига қулай бўлган жойда бўлади. Қолган командирлар командаларни мазкур Низомда белгиланган ёки катта командир тайинлаган жойда қолиб беришади.

Батальон ва бригаданинг юриш сафидаги взвод ва ундан катта бўлинма командирларига сафдан чиқишга фақат команда бериб, унинг ижросини текшириш учунгина рухсат берилади.

17. Команда дастлабки ва ижро командаларига бўлинади. Фақат ижро командаси ҳам бўлиши мумкин.

Дастлабки команда аниқ, баланд ва сафда турганлар командир қандай ҳаракат бажарилишини талаб қилаётганини англаб етишлари учун чўзиқ берилади.

Сафда турган ҳарбий хизматчилар ҳар қандай дастлабки командага биноан қад ростлайди, юриш давомида эса шахдам қадам ташлай

бошлашади, сафдан ташқарида бўлишса, бошлиқ томон ўгирилиб, қад ростлаб туришади.

Ижро командаси (мазкур Низом матнида ижро командаси бош ҳарфлар билан ёзилган) дастлабки командадан кейинги танаффусдан сўнг, баланд, қисқа ва аниқ берилади. Ижро командаси зудлик билан, аниқ бажарилади.

Бўлинма ёки алоҳида ҳарбий хизматчининг эътиборини жалб этиш учун дастлабки командада, зарурат бўлса, бўлинма номи ёки ҳар-бий хизматчининг ҳарбий унвони ва фамилияси айтиб чақирилади. Мисол учун, «Гуруҳ, ТЎХТА», «Оддий аскар Тўраев, орт-ГА».

Саф амаллари қурол билан бажарилаётган бўлса, дастлабки командада, зарурат бўлса, қурол номи айтилади. Мисол учун, «Автомат кўкрак-КА», «Пулемёт тасма-ГА» ва ҳоказо.

Команда бераётган командирнинг овози саф эни ва узунлигига мутаносиб бўлиши, командани ижро этаётган ҳарбий хизматчи эса овозни кескин кўтармай, аниқ билдирув бериши лозим.

18. Саф бошқариш ва машина бошқариш сигналлари мазкур Низомнинг 1- ва 2- иловаларида келтирилган.

Зарурат бўлса, командир қўшимча саф бошқариш сигналларини жорий этади.

19. Барча бўлинмаларга тааллуқли командалар жамики бўлинма командирлари ва машина катталари (командирлари) томонидан қабул қилиниб, зудлик билан бажарилади.

Команда сигнал воситасида бериладиган бўлса, дастлаб «ДИҚҚАТ» сигнали узатилади. Агар команда бўлинмалардан фақат биттасига тааллуқли бўлса, тегишли бўлинма рақамини англатадиган сигнал узатилади.

Командани сигнал воситасида қабул қилишга шай ҳолат ҳам «ДИҚҚАТ» сигнали узатилган ҳолда билдирилади.

Сигналнинг қабул қилинганлиги, уни такрорлаш ёки

ўз бўлинмасига тегишли сигнал узатиш орқали тасдиқланади.

20. Саф амалини бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиш учун «ҚАЙТАРИЛСИН» командаси берилади. Ушбу командага биноан саф амали ижросига қадар бўлган ҳолат қабул қилинади.

21. Мазкур Низомда зикр этилган саф амаллари ва ҳаракатларининг ижросини ўзлаштириш мобайнида, уларни қисм-ларга бўлиб, саноқ остида, шу жумладан, тайёрлов машқлари ёрдамида бажаришга йўл қўйилади, мисол учун: «Автоматни кўкракка олиш, саноқ остида бажарилсин: амал – БИР, амал – ИККИ, амал – УЧ», «Ўнгга бурилиш саноқ остида бажарилсин: амал – БИР, амал – ИККИ».

22. Терма командалар бўлинма бўйича саф тақсимооти бажарилиб тузилади. Тақсимланиш учун ҳарбий хизматчилар бир ёки икки шеренгали саф тортиб, мазкур Низомнинг 89-моддасида баён этилган каби, умумий рақамланиш бўйича саналиб чиқишади. Шундан сўнг, командадаги одам

сонига боғлиқ ҳолда взвод ва гуруҳларга изчил тақсимланиб, ушбу бўлинмаларнинг командирлари тайинланади.

Парадда иштирок этиш ва шу каби, бошқа ҳолатларда, бўлинма, ўз командирининг буйруғига мувофиқ уч, тўрт ва ундан ортиқ колоннали умумий саф тортади. Бунда, ҳарбий хизматчилар сафга, одатда, бўйма-бўй туришади.

23. Бўлинма «САФЛАН» командасига биноан саф тортади. Ушбу командадан олдин саф тортиш тартиби кўрсатиб ўтилади, мисол учун: («Гуруҳ, бир шеренгага САФЛАН»). Бундай командага биноан, бўлинма ҳарбий хизматчилари сафдаги ўз ўрнини белги-ланган интервал ва дистанцияга амал қилган ҳолда эгаллаб, қад ростлаб туриши лозим.

24. Қўшин тури ва махсус қўшинларга мансуб бўлинмаларга команда бериш мобайнида «группа», «взвод», «батальон» ва «бригада» сўзлари ўрнига бўлинма ва ҳарбий қисмларнинг Қуролли Кучлар тури тасарруфидаги қўшин турлари ва махсус қўшинларда қабул қилинган номлари айтиб ўтилади.

II. Командир ва ҳарбий хизматчиларнинг саф тортишдан олдин ва сафдаги мажбуриятлари

25. Командирнинг мажбуриятлари жумласига:

саф тортиш жойи, вақти, тартиби, ҳарбий кийим ва аслаҳа русуми, шу жумладан қандай қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан қуролланишни белгилаш, зарурат бўлса, кузатувчи тайинлаш;

ўз бўлинмасига (ҳарбий қисмига) қарашли бўйсунувчилар, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, ўқ-дори, шахсий ҳимоя воситалари ва кўмакчи асбоб-ускуналарни текшириб чиқиб, сафдаги сонини билиш;

бўйсунувчиларнинг ташқи кўриниши, шунингдек, уларнинг эғнидаги аслаҳа ва анжомлар сони ва танасига тўғри мослаш-тирилганини текшириш;

саф интизомини сақлаб бориш, бўлинмалардан команда ва сигналлар, ҳарбий хизматчилардан сафдаги мажбуриятлар аниқ бажарилишини талаб қилиш;

ерда туриб команда бераётганида қаддини ростлаб туриш;

саф тортган бўлинмаларнинг қурол-аслаҳа ва ҳарбий техни-касини ташқи кўриқдан ўтказиш, одам ташиш учун мўлжал-ланган техника сони ва унинг созлигини, ташиладиган (шатакка олинадиган) моддий воситалар ва мулкнинг транспортга тўғри тахланганини текшириб чиқиш, шахсий таркибга хавфсизлик қоидаларини эслатиб ўтиб, юриш давомида белгиланган дистанция, ҳаракат тезлиги ва қоидаларига амал қилиш киради.

26. Ҳарбий хизматчининг мажбуриятлари жумласига:

ўз қуроли, масъулиятига бириктирилган қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, ўқ-дори, шахсий ҳимоя воситалари, кўмакчи асбоб-ускуналар, кийими ва анжом-аслаҳаларнинг созлигини текшириб чиқиш;

кийимни батартиб кийиб, анжом-аслаҳаларни танага мослаб тақиб, ўртоғида кўрган камчиликларни бартараф этишга ёрдам бериш;

сафдаги ўз ўрнини билиб, ҳовлиқмасдан тез эгаллай олиш, юриш давомида мувозанатни сақлаб, белгиланган интервал ва дистанцияга, шу жумладан, хавфсизлик қоидаларига амал қилиш, сафдан (машинадан) рухсатсиз чиқмаслик (тушмаслик);

сафда рухсатсиз гаплашмаслик, чекмаслик, командирнинг буйруқ ва командаларини диққат билан эшитиб, бошқаларга халал бермаган ҳолда тез ва аниқ бажариш;

буйруқ ва командаларни бузмасдан, саф бўйлаб баланд ва аниқ узатиш киради.

Қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари.

Қад ростлаб туриш

27. Қад «САФЛАН» ёки «РОСТЛАН» командасига биноан ростланади (1-расм). Ушбу командага биноан ҳарбий хизматчи зўриқмасдан тўғри туриб, пошналарини бирга, оёқ учларини фронт бўйлаб бир чизикқа, оёқ кафти кенглигида қўяди, тиззасига зўр бермай, тўғри тутади, кўкрак қафасини бир оз кўтариб, танасини олд томон сал оғдиради, қорин соҳасини ичкарига тортади, елкасини тўғри тутиб, кафти танага қаратилган қўлини тушириб, биров буқилган бармоқларини сонининг ён томонига, ўртасига тақайди, бошини баланд кўтариб, иягини олдинга чиқармай, тўғри тутади, тўғрига қараб, тегишли ҳаракатни зудлик билан бажаришга шай туради.

Жойда турганда, буйруқ бераётган ёки олаётганда, билдирув бераётганда, ҳарбийча салом бераётганда, команда берилаётганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилаётганида қад, командасиз рост тутилади.

Бош кийимсиз сафдан ташқарида турган ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилаётганида ўнг қўлини кўкрак соҳасининг чап томонига қўяди. Бунда, кафт кўкракка қаратилиб, узатилган бармоқлар бирга тутилади.

28. «ЭРКИН» командаси берилганда, ҳарбий хизматчи ўзини эркин тутиб, чап ёки ўнг тиззасини бўш қўяди, лекин жойидан жилмайди, гаплашмай, диққат-эътиборини чалғитмай туради.

«ТЎҒРИЛАН» ёки «ТЎҒРИЛАНСИН» командасига биноан, ҳарбий хизматчи сафдаги жойини тарк этмаган ҳолда, ўз қуроли, кийими, анжом-аслаҳаларини тўғрилаб олади. Бунинг учун сафдан чиқиш керак бўлса, бевосита бошлиғига рухсат сўраб, мурожаат қилади.

«ТЎҒРИЛАН» ёки «ТЎҒРИЛАНСИН» командасидан олдин «ЭРКИН» командаси берилади.

29. Бош кийимни ечиш учун «Бош кийим ЕЧИЛСИН» командаси, кийиш учун эса «Бош кийим КИЙИЛСИН» командаси берилади. Зарурат бўлса, яқка турган ҳарбий хизматчи бош кийимини командасиз ечиб, қияди.

Ечилган бош кийим эркин туширилган чап қўлга, нишони олд томон қаратилган ҳолатда олинади (2- расм).

Бош кийимсиз ёки қурол «орқага» олинган ҳолатда бош кийим ўнг қўл билан, қурол «тасмага», «кўкракка» ва «оёққа» олинган ҳолатда чап қўл билан ечилиб, кийилади. Карабин «елкага» олинган ҳолатда бош кийим ечиладиган бўлса, карабин дастлаб «оёққа» ҳолатига келтирилади.

Жойда туриб бурилиш

30. Жойда туриб бурилиш амаллари «Ўнг-ГА», «Чап-ГА», «Орт-ГА» командаларига биноан бажарилади.

Ортга ва чапга бурилиш амаллари чап пошна ва ўнг оёқ учида турган ҳолда, чап қўл томон, ўнгга бурилиш амали эса ўнг пошна ва чап оёқ учида турган ҳолда, ўнг қўл томон бурилиб, бажарилади.

Бурилиш учун иккита амал бажарилади.

Биринчи амал. Тананинг тик ҳолати сақланиб, тиззани букмай бурилганча, тана вазни олдинда турган оёққа ўтказилади.

Иккинчи амал. Ортда қолган оёқ тўғри тортилиб, олдинги оёққа тақалади.

Ҳаракат

31. Ҳарбий хизматчи қадамлаб юриб ёки югуриб ҳаракатланади.

Қадамлаб юриш ҳаракати дақиқада 110 – 120 қадам тезликда бажарилади. Бунда, ҳар бир қадам узунлиги 70 – 80 см бўлиши лозим.

Югуриш ҳаракати дақиқада 165–180 қадам тезликда бажарилади. Бунда, ҳар бир қадам узунлиги 85 – 90 см бўлиши лозим.

Қадамлаб юриш ҳаракати шахдам қадам ва оддий қадам ташлаб юришга фарқ қилади.

Шахдам қадам ташлаш ҳаракати бўлинма тантанали юриб ўтаётганида, юриш давомида ҳарбийча салом берилаётганида, ҳарбий хизматчи бошлиқ олдига яқинлашаётган ёки ундан нари кетаётганида, саф тайёргарлиги бўйича машғулот жараёнида сафдан чиқаётган ёки сафга қайтаётганда, шунингдек, тантанали ва мотамли ҳарбий таомиллар давомида бажарилади.

Полигон (жанговар тайёргарлик машғулотлари ўтказилаётган жой), жанговар машиналар парки ва бино ичида бошлиқ олдига яқинлашиш ёки ундан нари кетиш, сафдан чиқиш ёхуд сафга қайтиш амали оддий қадам ташлаб бажарилади.

32. Шахдам қадам ташлаш ҳаракати «Шахдам қадам БОС» командасига, оддий қадам ташлаб юрилаётганда «Шахдам БОС» командасига, оддий қадам ташлаб юриш ҳаракати эса «Қадам БОС» командасига биноан бошланади.

Дастлабки команда берилганда тана бироз олдинга оғдирилиб, унинг асосий вазни, мувозанат сақланган ҳолда, ўнг оёққа олиб ўтилади. Ижро командаси берилганда ҳаракат чап оёқдан, тўлиқ қадам ташлаб бошланади.

Шахдам қадам ташлаб юрганда, учи олдинга узатилган оёқ 15–20 сантиметрга кўтарилиб, ерга бутун кафти билан босилади.

Кўлнинг елкадан бошланадиган ҳаракати тана яқинида бажарилади. Бунда:

олдинга чиқарилган қўл букилиб, панжаси камар тўқасидан бир кафт энида, танадан бир кафт узунлигида, тирсак панжа билан баробар тутилган ҳолда кўтарилади;

орқага охиригача тортилган қўл тўғри узатилади.

Бармоқлар ярим букилган бўлиб, бош тўғри тутилганча олдинга қараб борилади.

Оддий қадам ташлаб борилаётганда оёқнинг учи узатилмайди, олдинга эркин чиқарилиб, ерга, оддий юриб борилгандай, босилади. Қўл тана яқинида эркин ҳаракатланади.

Оддий қадам ташлаб юриш давомида берилган «РОСТЛАН» командасига биноан шахдам қадам ташлаш ҳаракатига, шахдам қадам ташлаш ҳаракати давомида берилган «ЭРКИН» командасига биноан эса оддий қадам ташлаб юриш ҳаракатига ўтилади.

33. Югуриш ҳаракати «Югуриб қадам БОС (Югур)», мисол учун, «Гурух, югуриб қадам БОС» командасига биноан бошланади.

Югуриш ҳаракати жойда турган ҳолатда бошланадиган бўлса, дастлабки команда берилганида тана олдинга оғдирилиб, бироз букилган қўл тирсаги ортга тортилади. Югуриш ҳаракати ижро командасига биноан, чап оёқдан бошланиб, қўл ҳаракати югуриш вазнида, эркин бажарилади.

Қадамлаб юриш ҳаракатидан югуриш ҳаракатига ўтиш учун тирсаги ортга тортилган қўл бироз букилади. Чап оёқ ерга босилиши баробарида бериладиган ижро командасига биноан, ўнг оёқ ерга босилиб, чап оёқдан югуриш ҳаракати бошланади.

Югуриш ҳаракатидан қадамлаб юриш ҳаракатига ўтиш учун «Қадам БОС» командаси берилади. Ўнг оёқ ерга босилиши баробарида бериладиган ижро командасига биноан, яна икки қадам югуриб, чап оёқдан қадамлаб юриш ҳаракати бошланади.

34. Жойда қадам босиш ҳаракати «Жойингда, қадам БОС», командасига, юриш давомида эса «ЖОЙИНГДА» командасига биноан бажарилади.

Ушбу командага биноан жойда турган ҳолатда қадам босилиб, оёқ ердан 15 – 20 сантиметрга кўтарилади. Бунда, оёқ кафти ерга учидан бошлаб босилади, қўл ҳаракати қадам вазнида бажарилади (4- расм).

Жойда қадам босиш

Чап оёқ ерга босилиши баробарида бериладиган «ТЎҒРИГА» командасига биноан, ўнг оёқ билан жойда турган ҳолда яна бир қадам босилиб, ҳаракат чап оёқ билан тўлиқ қадам ташланганча бошланади. Бунда, дастлабки учта қадам шахдам босилади.

35. Ҳаракатни тўхтатиш учун, масалан: «Оддий аскар Иброҳимов, ТЎХТА» командаси берилади. Ерга ўнг ёки чап оёқ босилиши баробарида бериладиган ижро командасига биноан, яна бир қадам босилиб, оёқлар ёнма-ён тақалгач, қад рост тутилади.

36. Ҳаракат тезлигини ўзгартириш учун «ЙИРИК ҚАДАМ БОС», «ҚИСҚА ҚАДАМ БОС», «ЯРИМ ҚАДАМ БОС», «ТЎЛИҚ ҚАДАМ БОС» командалари берилади.

37. Якка турган ҳарбий хизматчи бир неча қадам четга сурилиши учун, масалан: «Оддий аскар Иброҳимов. Ўнгга (чапга) икки қадам БОС» командаси берилади.

Ушбу командага биноан, ҳарбий хизматчи ҳар қадам ташлаганда бир оёғини иккинчисига тақаб борган тарзда ўнгга (чапга) икки қадам ташлайди.

Бир неча қадам олдинга ёки орқага сурилиш учун, масалан: «Олдинга (орқага) икки қадам БОС» командаси берилади. Ушбу командага биноан, икки қадам олдинга (орқага) ташланиб, оёқлар ёнма-ён тақалади.

Ўнгга, чапга ва орқага сурилатганда қўл ҳаракати бажарилмайди.

Юриш давомида бурилиш

38. Юриш давомида бурилиш амаллари «Ўнг-ГА», «Чап-ГА», «Орт-ГА» командаларига биноан бажарилади.

Ўнгга (чапга) бурилиш учун ижро командаси ўнг (чап) оёқ ерга босилиши билан бир вақтда берилади. Ушбу командага биноан, чап (ўнг) оёқ билан яна бир қадам босилиб, унинг учидан ўнгга (чапга) бурилади ва ҳаракат, ўнг (чап) оёқ олдинга узатилганча, янги йўналишда давом эттирилади.

Ортга бурилиш учун ижро командаси ўнг оёқ ерга босилиши билан бир вақтда берилади. Ушбу командага биноан, чап оёқ билан яна бир қадам (бир саноғи бўйича) босилиб, ўнг оёқ ярим қадам олдинга, бироз чапга босилади ва иккала оёқ учидан турганча, чап қўл томон кескин ортга (икки саноғи бўйича) бурилгач, чап оёқ билан (уч саноғи бўйича) ҳаракат давом эттирилади.

Бурилиш амаллари давомида қўл ҳаракати қадам вазнида бажарилади.

Ҳарбийча салом бериш.

Қуролсиз жойда туриб ва юриш давомида ҳарбийча салом бериш

Ҳарбийча салом мазкур Низомда белгиланган қад ростлаб туриш ва юриш қоидаларига аниқ амал қилган ҳолда берилади.

Сафдан ташқарида, бош кийимсиз, жойда туриб ҳарбийча салом бериш учун уч-тўрт қадамга яқин келган бошлиқ (катта) томон юз-ланиб, қад ростланади ва унинг юзига, бошни буриб борганча, қараб турилади.

Агар ҳарбий хизматчи бош кийим кийган бўлса, бундан ташқари, кафти ва бирлаштирилган бармоқлари тўғри узатилган ўнг қўлини, ўрта бармоқни чаккага теккизиб, елка чизиғи ва баландлигида кўтаради (14-расм). Бошни бошлиқ (катта) томон буриш мобайнида чакка яқинидаги қўл ҳолати ўзгармас қолади.

Бошлиқ (катта) ҳарбийча салом бераётган ҳарбий хизматчининг ёнидан ўтиб кетгач, бош тўғри тутилиши баробарида, ўнг қўл туширилади.

Сафдан ташқарида, бош кийимсиз юриш давомида ҳарбийча салом бериш учун қўл ҳаракати бошлиққа (каттага) уч-тўрт қадам қолганда навбатдаги қадам ташлаш баробарида тўхтатади, бошни бошлиқ (катта) томон буриб, юзига қараганча, юриб борилади. Бошлиқнинг (каттанинг) ёнидан ўтгач, тўғрига қараб, қўл ҳаракати давом эттирилади.

Агар ҳарбий хизматчи бош кийим кийган бўлса, навбатдаги қадам ташлаш баробарида, ўнг қўлини чаккага келтиради, чап қўлини эса сони яқинида тутиб, ҳаракатдан тўхтатади (15-расм). Бошлиқнинг (каттанинг) ёнидан ўтгач, чап оёқни ерга босиш баробарида тўғрига қараб, қўлини чаккадан туширади.

Бошлиқни (каттани) қувиб ўтиш фурсатида ҳарбийча салом қувиб ўтишнинг биринчи қадами баробарида берилади. Иккинчи қадам ташлангач, тўғрига қараб, қўл туширилади.

Агар ҳарбий хизматчининг қўли банд бўлса, ҳарбийча салом, бошни бошлиқ (катта) томон буриш тарзида берилади.

Сафдан чиқиш ва сафга қайтиш.

Бошлиқ олдига келиш ва унинг олдидан кетиш

Ҳарбий хизматчи сафдан чиқиши учун, масалан: «**Оддий аскар Тўраев. Сафдан фалон қадам чиқинг**» ёки «**Оддий аскар Тўраев. Олдимга** (олдимга югуринг)» командаси берилади.

Ўз фамилиясини эшитган ҳарбий хизматчи «**Мен**» дея, сафдан чиқиш командасини эшитгач эса «**Хўп бўлади**», дея жавоб беради.

Биринчи командага биноан, ҳарбий хизматчи биринчи шеренгадан бошлаб санаганча, сафдан тайинланган қадамга шахдам юриб чиқади ва тўхтаб, саф томон юзланади.

Иккинчи командага биноан, ҳарбий хизматчи биринчи шеренгадан бошлаб бир-икки қадам ташлагач, юриш давомида бошлиқ томон бурилиб, унинг олдига қисқа йўл билан шахдам қадам ташлаб ёки югуриб боради. Бошлиқ олдига етишга икки-уч қадам қолганда тўхтаб, оёқларни ёнма-ён тақаш билан бир вақтда, ўнг қўлни чаккага келтирганча, етиб келгани ҳақида билдирув беради, мисол учун: «**Ўртоқ сержант, оддий аскар Тўраев буйруғингизга биноан келди**».

Агар сафдан чиқиш буйруғини олган ҳарбий хизматчи иккинчи шеренгада турган бўлса, сафдан чиқишдан олдин қўлини олдинда турган ҳарбий хизматчининг елкасига қўяди. Олдинги шеренгада турган ушбу ҳарбий хизматчи бир қадам олдинга ташлаб, ўнг оёғини чап оёғига тақамай, ўнг томон бир қадам ўтиб, сафдан чиқаётган ҳарбий хизматчини олдинга ўтказиб юборади ва ўз жойини эгаллайди.

Агар сафдан чиқиш буйруғини олган ҳарбий хизматчи биринчи шеренгада турган бўлса, иккинчи шеренгада турган ҳарбий хизматчи унинг бўшаган ўрнини эгаллайди.

Агар сафдан чиқиш буйруғини олган ҳарбий хизматчи икки, уч (тўрт)

колоннали сафда турган бўлса, сафнинг яқин қаноти томон ўнгга (чапга) бурилади. Унинг ёнида турган ҳарбий хизматчи эса ўнг (чап) оёғи билан бир қадам ёнга ташлаб, чап (ўнг) оёғини ўнг (чап) оёғига тақмай, бир қадам орқага ўтади ва сафдан чиқаётган ҳарбий хизматчини ўтказиб юборгач, ўз жойини эгаллайди.

Агар сафдан чиқиш буйруғини олган ҳарбий хизматчи қуролланган бўлса, «елкага» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. «Елкага» ҳолатидаги карабин сафдан чиқишдан олдин «оёққа» ҳолатига туширилади.

Ҳарбий хизматчи сафга қайтиши учун, масалан: **«Оддий аскар Тўраев. Сафга туринг»** ёки фақат: **«Сафга туринг»** командаси берилади.

Сафга юзланиб турган ҳарбий хизматчи дастлабки **«Оддий аскар Тўраев»** командасига биноан, яъни ўз фамилиясини эшитгач, бошлиқ томон бурилиб: **«Мен»** дея, **«Сафга туринг»** ижро командаси биноан эса агар у қуролсиз ёки қуроли «орқага» ҳолатида бўлса, ўнг қўлини чаккага келтириб: **«Хўп бўлади»**, дея жавоб беради. Шундан сўнг, юриш йўналиши томон бурилиб, биринчи қадам ташлаш баробарида қўлини чаккадан туширади. Қисқа йўл билан шахдам қадам ташлаб бориб, сафдаги жойини эгаллайди.

Агар фақат **«Сафга туринг»** ижро командаси берилган бўлса, ҳарбий хизматчи бошлиқ томон бурилмай, сафдаги ўз ўрнига қайтади.

Сафдан чиқиш амали қурол билан бажарилган бўлса, қурол, сафдаги ҳарбий хизматчилар қуроли қандай ҳолатда бўлса, шу ҳолатга келтирилади.

Сафдан ташқарида бошлиқ олдига яқинлашаётган ҳарбий хизматчи бошлиққа беш-олти қадам қолганида шахдам қадам ташлай бошлайди ва икки-уч қадам қолганида тўхтаб, оёқларни ёнма-ён тақаш баробарида, ўнг қўлини чаккага келтиради ва етиб келгани ҳақида билдирув беради. Билдирув бериб бўлгач, қўлини чаккадан туширади.

Бошлиқ олдига қурол билан яқинлашганда, «елкага» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. «Елкага» ҳолатидаги карабин бошлиқ қаршисида тўхталгач, «оёққа» ҳолатига туширилади. Агар қурол «орқага» ҳолатига келтирилмаган бўлса, қўл чаккага кўтарилмайди.

Бошлиқ олдидан кетадиган ҳарбий хизматчи, кетишга ижозат олгач, ўнг қўлини чаккага келтириб: **«Хўп бўлади»**, дея жавоб беради. Шундан сўнг, юриш йўналиши томон бурилиб, биринчи қадам ташлаш баробарида ўнг қўлини чаккадан туширади. Уч-тўрт шахдам қадам ташлагач, эркин юриб кетади.

Бошлиқ олдидан кетадиган ҳарбий хизматчи қуролланган бўлса, «оёққа» ҳолатидаги карабиндан ташқари, бошқа қурол турининг ҳолати ўзгармас қолади. Агар зарур бўлса, ҳарбий хизматчи **«Хўп бўлади»**, дея жавоб берганидан сўнг, қуролини бошқа ҳолатга келтиради.

Бошлиқ ҳарбий хизматчига сафга қайтиш командасини ёки кетишга ижозат бераётганда, ўнг қўлини чаккага келтиради. Команда (ижозат) бериб бўлгач, қўлини туширади.

Сафда жойда туриб ва юриш давомида ҳарбийча салом бериш

Гуруҳ сафда жойда туриб ҳарбийча салом бериши учун, бошлиқ сафга яқин келишига 10–15 қадам қолганда, гуруҳ командири «**Гуруҳ, РОСТЛАН, текисланиш ЎНГГА (ЧАПГА, ЎРТАГА)**» командасини беради.

Ушбу командага биноан, гуруҳ шахсий таркиби қад ростлаб, бошини ўнгга (чапга) бурганча, бошлиқни нигоҳ-ла кузатганча, буриб туради.

Бошлиқ саф ортидан келган ҳолатда гуруҳ командири шахсий таркибни ортга буриб, ҳарбийча салом бериш командасини беради.

Сафда ўз жойида турган гуруҳ командирининг ўринбосари ва бошқа кичик командирлар қўлни чаккага келтирмайди.

Юриш давомида саф қўшиғи ижро этиб борилаётган бўлса, ҳарбийча салом бериш командаси берилгач, қўшиқ ижроси тўхтатилади.

Ҳарбийча салом бериш командасини берган гуруҳ командири, агар у қуролсиз ёки қуроли «орқага» ҳолатида бўлса, қўлни чаккага келтириб, бошлиқ томон бурилади (агар унинг қуроли «елкага», «тасмага» ёки «кўкракка» ҳолатида бўлса, мазкур Низомнинг 68- моддасида баён этилган тарзда иш тутиб, қурол билан банд бўлмаган қўлининг ҳаракатини давом эттиради) ва шахдам қадам ташлаганча, бошлиқ олдига бориб, икки-уч қадам қолганда тўхтади ва билдирув беради. Мисол учун: «**Ўрток лейтенант. Иккинчи гуруҳ фалон вазифа ижроси билан шуғулланмоқда. Гуруҳ командири кичик сержант Иброҳимов**».

Ҳарбийча салом берилиб, қарши олинаётган бошлиқ, ҳарбийча салом бериш командаси берилгач, қўлини чаккага келтириб, билдирувни қабул қилади.

Билдирув бериб бўлган гуруҳ командири қўлини чаккадан туширмай, чап (ўнг) оёғи билан ён томон қадам ташлаб, ўнгга (чапга) бурилганча, четга ўтади ва бошлиқни олдинга ўтказиб, ундан бир-икки қадам ортда, сафдан ташқи томонда юради.

Бошлиқ саф олдидан ўтиб кетгач (ёки у «**ЭРКИН**» командасини бергач), гуруҳ командири «**ЭРКИН**» командасини бериб (такрорлаб), қўлини чаккадан туширади.

Агар бошлиқ сафда турган ҳарбий хизматчига ҳарбий унвони ва фамилиясини айтиб мурожаат қилса, ушбу ҳарбий хизматчи «**Мен**» дея, агар унга фақат ҳарбий унвони айтиб мурожаат қилинган бўлса, ўз ҳарбий унвони ва фамилиясини айтиб, жавоб қайтаради. Бунда у, қуролининг ҳолатини ўзгартирмайди, қўлини чаккага келтирмайди.

Гуруҳ сафда юриш давомида ҳарбийча салом бериши учун, бошлиққа 10–15 қадам қолганда, гуруҳ командири «**Гуруҳ, РОСТЛАН, текисланиш ЎНГГА (ЧАПГА)**» командасини беради.

«**РОСТЛАН**» командасига биноан, гуруҳ шахсий таркиби шахдам қадам ташлай бошлайди, «**Текисланиш ЎНГГА (ЧАПГА)**» командасига биноан эса бошини ўнгга (чапга) буриб, иккала қўл ёки қурол билан банд бўлмаган қўл ҳаракатини тўхтатади. Агар шахсий таркиб карабин билан

қуrolланган бўлиб, ушбу қуrol тури «тасмага» ҳолатига олинган бўлса, қўл ҳаракати тўхтатилмайди. Гуруҳ командири, агар у қуrolсиз ёки қуrolи «орқага» ҳолатига олинган бўлса, бошини бошлиқ томон буриб, қўлини чаккага келтиради.

Саф бошлиқ олдидан ўтиб кетгач (ёки бошлиқ «ЭРКИН» командасини бергач), гуруҳ командири «ЭРКИН» командасини бериб (такрорлаб), қўлини чаккадан туширади.

Бошлиқнинг саломига ёки эълон қилган миннатдорлигига ҳарбий хизматчилар баравар, баланд овозда, аниқ жавоб қайтаради. Юриш давомида қайтариладиган жавоб чап оёқ ерга босилиши билан бошланиб, жавобнинг кейинги сўзлари ҳар бир қадам босилганида талаффуз этилади.

Саф кўриги

Саф кўриги ҳарбий хизматчиларнинг якка тартибдаги саф кўникмалари ва бўлинмаларнинг саф амалларини бажариш ҳамжиҳатлиги қай даражада шаклланганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Шунингдек, саф кўриги давомида ҳарбий хизматчиларнинг ташқи кўриниши, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжудлиги, ушбу ҳужжатларнинг ҳолати, тўғри расмийлаштирилганлиги, анжом-аслаҳа, қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг ҳолати текширилади. Саф кўригидаги текширув давомида, бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар билан Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг Ички хизмат низомида баён этилган тартибда савол-жавоб ўтказилади.

Саф кўриги тўғридан-тўғри бошлиқлар ёки текширув тадбирларига раҳбарлик қилиш учун тайинланган шахслар томонидан ўтказилади.

Саф кўригини ўтказадиган шахсларга саф кўригини ўтказиш тартибини, бундай кўрик ўтказишдан кўзланган мақсад ва ҳал этиладиган вазифалар ҳамда жанговар тайёргарлик дастурининг шахсий таркиб томонидан ўзлаштирилган ҳажмига боғлиқ ҳолда белгилашга рухсат берилади.

Ҳар бир саф кўриги бўлинманинг (ҳарбий қисмнинг) тантанали юриб ўтиши, ҳарбий қисмнинг Жанговар Байроғи жойига элтиб қўйилгач эса саф кўшиғини ижро этиб ўтиши билан якун топади.

Саф кўриги арафасида кўрик ўтказадиган бошлиқ бўлинма (ҳарбий қисм) командирига кўрик ўтказиладиган вақт, жой, саф тортиш ва кўрик ўтказиш тартиби, ҳарбий кийим русуми, кўриikka қайси қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникани олиб чиқиш кераклигини маълум қилади.

Взвод, батальон ва бригаданинг саф кўриги пиёда ёки машиналарда ўтказилади.

Пиёда ўтказиладиган саф кўригига бўлинманинг (ҳарбий қисмнинг) жамики шахсий таркиби шахсий қуrolи билан чиқади. Машиналарда ўтказиладиган саф кўригига эса бундан ташқари, жамики қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техника чиқарилади.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституцияси. – Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий Низомлари. – Т., 2004.
4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф Низоми. – Т, 2013.

Қўшимча адабиётлар

1. *Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017.
3. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т., «Ўзбекистон», 2017.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
1 – мавзу. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ички хизмат Низоми	
I. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.....	4-16
II. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар.....	16-23
2 - мавзу. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг интизом Низоми	
I. Умумий қоидалар.....	23-27
II. Рағбатлантиришлар ва интизомий тазирлар.....	27-35
3 – мавзу. Ички ишлар органларининг Интизом Устави	
I. Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари.....	35-38
II. Бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари.....	38-48
4 – мавзу. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровуллик хизматлари низоми	
I. Умумий қоидалар.....	48-50
II. Қоровуллик хизматини ташкил этиш ва қоровулларни тайёрлаш	50-63
5- мавзу. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф Низоми	
I. Саф ва унинг бошқарилиши.....	63-67
II. Командир ва ҳарбий хизматчиларнинг саф тортишдан олдин ва сафдаги мажбуриятлари.....	67-75
Фойдаланиладиган адабиётлар.....	76
Мундарижа.....	77

Б.Б. УМУРЗАКОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ
УМУМҲАРБИЙ НИЗОМЛАРИ**

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

Босишга рухсат этилди __. __. 2023 й. Нашриёт ҳисоб табоғи ____.
Буюртма № ____ Адади ____ нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳри, Хусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.